


САМАРҚАНД ДАВЛАТ
ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ



КОНРАД АДЕНАУЭР
ФОНДИ



Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЭРКИН ФИКР ПАРВОЗИ

Самарқанд–2002

Раҳматуллаев Тошпўлат. Эркин фикр парвози.
Самарқанд: СамДЧТИ, 2002 йил. – 182 бет.

Китобда таникли журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг кейинги йилларда марказий ва маҳаллий матбуотда, жумладан, «Моҳият», «Хуррият», «Фидокор», «Самарқанд» газеталарида чоп этилган мақолалари тўпланган. Мақолалар ўтмиш ва уни ўрганиш, демократик жамиятда сайловларнинг ўрни, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш каби кўплаб долзарб мавзуларга бағишланган. Бир қатор мақолаларда жамиятимиз равнақига тўсиқ бўлаётган камчилигу нуқсонлар танқид остига олинган.

Китоб мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётини кенг ўрганиш истагида бўлган талабалар ва барча кизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
*педагогика фанлари доктори,
профессор.*

*Мазкур китоб
Конрад Аденауэр Фондининг
молиявий кўмагида чоп этилди.*

© Самарқанд давлат чет тиллар институти – 2002

© Конрад Аденауэр Фонди – 2002

СЎЗ БОШИ

Газета мақоласи фақат бир кун яшайди, дейилади одатда. Лекин барча мақолалар газетада чоп этилган кунининг эртасидаёқ эскириб қолади, деб таъкидлаш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Ушбу китобда тўпланган мақолаларни ўқиб чиқиб, бунга амин бўлиш мумкин. Чунки муаллиф қайси мавзуга қўл урмасин, уни чуқур мушоҳадалар асосида, мавжуд маълумотларни ўрганиш орқали ёритишга интилади. Бунинг натижасида юзага келган ижод маҳсулининг умри узок бўлиб, унда кўтарилган мавзу вақт ўтиши билан ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган.


Самарқандлик таниқли журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг ижодини кўпдан бери кузатиб келаман. Профессional журналистикага ўтмасдан олдин Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида дарс бериши билан бир вақтда долзарб муаммоларни кўтариб, республикамиз жамоатчилиги ҳуқуқига ҳавола қилиб келганлигидан ҳам хабардорман. Айниқса, кейинги йиллардаги чиқишлари унинг ўз танлаган йўлидан собитқадамлик билан, аниқ мақсад сари бораётганлигидан далolat бермоқда.

Т.Раҳматуллаевнинг нуфузли танловларда ғолиб чиқаётганлиги ҳамда 30дан ортиқ халқаро ва минтақавий анжуману семинарларда иштирок этиб, уларнинг аксариятида мавзуза қилганлиги унинг журналистика соҳасида нисбатан қисқа муддат ичида қўлга киритган мувафақиятлари хусусида яққол далилдир. Жумладан, у Ўзбекистонда «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови (1997 йил) ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси профессионал журналистлар учун ташкил этган энг яхши мақола танловлари (икки марта – 2000 ва 2001 йиллар) ғолибидир. 2001 йилда «Жамиятда сиёсий партиянинг роли» мавзусига бағишлаб Конрад Аденауэр фонди томонидан ўтказилган энг яхши мақолалар танловида биринчи ўринни эгаллади. 2002 йилда БМТнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси ҳамда «Очик Жамият Институту – Кўмак Жамғармаси - Ўзбекистон» ташкилоти томонидан 3 май – Жаҳон эркин матбуоти куни муносабати билан ўтказилган энг яхши мақолалар танлови ғолиблари каторидан ўрин олди.

Китобда Т.Раҳматуллаевнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари ёритилган энг сара мақолалари тўпланган. Уларнинг мавзуси шунчалик ранг-барангки, мазмун-моҳиятини бирикки сўз билан ифодалаш мушкул. Ўтмишни ўрганиш аҳамияти ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, демократик жамиятда сайловларнинг мавқеи, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш каби кўплаб мавзулар шундай ёритилиб, ҳаётимизда учраб турадиган камчилигу нуқсонлар шу тарзда кўрсатилганки, уларда муаллифнинг фуқаролик позицияси яққол кўриниб турибди. Муаллиф ҳозирги ўтиш даврида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида ҳам теран мушоҳада юритади.

Китобдан жой олган публицистика ҳамда журналист текшируви жанрларига оид мақолалар, айниқса, маҳорат билан ёзилган. Улар на мазмун, на услуби жиҳатидан ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Китобдаги ҳар бир мақолани таҳлил қилиб ўтиришни ортиқча деб билдим. Чунки уларни ўқиш керак. Уларнинг мазмунини ўзингиз чақиб, баҳра оласиз, деб ишонаман, азиз китобхон.



Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.

PREFACE

It is said that a newspaper article lasts just one day. However it would be wrong to state that all articles of a newspaper become outdated by the next day of publication.

This will become evident by reading the articles collected in this book. Because whatever the topic the author is dealing with he tries to describe it thoughtfully, and by thoroughly studying existing sources. As a result, the creative work will last longer and the topic discussed will not lose its importance and relevance as time goes on. I have been observing the creative work of a well known journalist from Samarkand, Toshpulat Rahmatullaev, for a long time. I also know that before he became a professional journalist, he used to teach at the history faculty of Samarkand University as well as bringing up some important issues to the attention of the people of our republic. In particular, his works of recent years are the indication of his devotion to his career and his commitment to his goals.


T.Rahmatullaev's success in prestigious competitions and his participation and delivery of lectures in more than 30 international and regional conferences and seminars are fine examples of his achievements in the field of journalism within a short period. In particular, he is the winner of «The Best Journalist of the Year» competition in Uzbekistan (1997), and the competition for the best articles which was organized for the professional journalists by the United Nations representative in Uzbekistan (two times – 2000, 2001). He took first place in the competition for the best articles which was started by the Konrad Adenaur Foundation entitled «The Role of the Political Party in the Society» in 2001. He was also one of the winners of the best article competition which was conducted by the United Nations representative in Uzbekistan in 2002 together with «The Open Society Institute – Assistance Foundation- Uzbekistan» dedicated to May 3 – «World Free Press Day».

The best selection of T.Rahmatullaev's articles which reflect the different spheres of political and social life have been included in this book. The articles have such colorful topics that, it's very difficult to describe their content in just a few words. For example, the importance

of studying the past and the tasks that should be fulfilled in this regard; the role of the electorate in a democratic society; development of the local administration system. Many other topics are described and problems and shortcomings that are met in our life are shown in such a way that the civil position of the author is clearly seen. His deep ideas are also developed in regard to the issues that should be solved during today's transition period.

The articles devoted to social and political journalism, and journalistic investigation which are included into this book are written professionally. They haven't lost their significance as far as content and style are concerned.

I found it superfluous to analyze each article in this book. Each article has to be read. I'm sure the reader will be able to get the message and enjoy of these articles.



Y.ABDULLAEV,
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor.

СЎЗ БОШИ

Хурматли ўқувчи!

«Журналистика эркин фаолиятдир: ҳар ким учун ушбу «жамоатчилик магистратурасининг» эшиклари доимо очик. Бу касбда фаолият юритиш эса, у қонунларга зид келиб қолмагандагина, ҳеч қандай тўсиқлар билан чегараланмайди» - деб ёзган эди немис публицисти Отто Грос.

Ўзида ёзишга, воқеаларни ёритишга мойиллик сезган, жамоатчиликни хабардор қилишга, ҳуқуқлари поймол қилинганларга ёрдам беришга эҳтиёж ҳис қилган, жамиятнинг виждон кўзлариши давлат ва бутун мамлакатда кечаётган воқеаларни аниқ кўриш учун очиб кўйишни ва мавжуд аҳвол хусусида ҳолис ахборот беришни хоҳлаган ҳар бир инсон журналист касбини танлайди.

Ҳозирда ҳар хил ОАВ турлари ривожланаётган бир пайтда газета аҳолини хабардор қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Сўнгги статистик маълумотларга қараганда, 200 миллиондан ортиқ европалик газетани асосий ахборот манбаи деб ҳисоблашади. Улар ҳар куни газета ўқишади.


Газеталарнинг – сиёсий газеталардан тортиб то кўнгил очар газеталаргача, партия газеталаридан тортиб то спорт газеталаригача – бир қанча турлари бор. Улар шунчалик турли-туман бўлишига, газеталардан телевидение ва бошқа аудиовизуал ОАВларни афзал кўрадиганларнинг кўпчиликини ташкил этишига қарамай, газеталарнинг ҳам ўз ўқувчилари бор. Матбуот ходимлари уларни ўз нашрларидан мамнун қолишлари учун тинмай ҳаракат қилишмоқда.

Радио биринчи бор ўйлаб топилганида, мутахассислар энди одамларда газетга эҳтиёж қолмайди ва у четга суриб чиқарилади, деган фикрларни билдиришган эди. Кейинчалик электрон ОАВ тезлик билан ривожланиб борди. Бу сафар ҳам аксарият, айниқса, компьютер коммуникацияси соҳаси мутахассислари газета ҳаётининг тугаганлигини башорат қилишди. Матбуот соҳаси мутахассислари эса газетанинг келажаги қандай бўлади, деган муаммо билан жиҳдий равишда шуғуллана бошладилар. Мазкур башорат ва хабарларнинг

нотўғри эканлигини вақт кўрсатди. Ҳозирги пайтда газета, аксинча, ахборот оқимида мустаҳкам қояга айланди.

Кўлингиздаги ушбу китоб самарқандлик таниқли журналист, Конрад Аденауэр Фондининг энг содиқ ва ишончли дўстларидан бири Тошпўлат Раҳматуллаевнинг мақолаларидан ташкил топган. Бу мақолалар ўзбек газеталарида 1997 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда чоп этилган. Муаллиф ўзининг Ўзбекистондаги партиялар, сайловлар, эркин ОАВ ва мамлакатда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш ҳолати юзасидан ёзган мақолалари учун бир қатор халқаро ташкилотларнинг совринларига сазовор бўлган. Мазкур китобдан ўрин олган барча мақолалар ўз долзарблигини ҳали ҳам йўқотмаган.

Конрад Аденауэр Фонди ушбу китобнинг нашр этилишига ўз ҳиссасини қўшганлигидан жуда мамнун. Фонд бундан буён ҳам ёш иқтидорли ўзбек журналистлари ва олимларига уларнинг асарларини нашр эттириш борасида қўлидан келган барча кўмагини аямайди.



*Др. Томас КУНЦЕ,
Конрад Аденауэр Фондининг
Марказий Осиё давлатлари бўйича
минтақавий мухтор вакили.*

PREFACE

Dear reader!

Journalism is an activity of wish and will, it's free, and the door of journalism that's said to be magistracy of society is always open to everybody. A german publicist Otto Gross wrote that journalism won't face any obstacles if its activity doesn't controdicit the law.

Any one, the one who has got an ability of writing, has got a wish to follow and clarity current events, who is keen on making people be aware of news, the latest events taking place in the world, who wants to be helpful for those who suffer from unjustess, whose rights are not cared for, the person who can draw attention of people, direct the eyes of justice towards the facts, and make the human being see them vividly, who is independent as journalist, is said can obtain the profession of journalist.

Nowadays the means of information system widens, develops. And the newspaper also makes attempts to play an important role in information system. According to statistics more than 200 million Europeans consider the newspaper to be a main source of information. They read newspapers every day.

There are various types of newspapers. They deal with policy, art and literature, entertainment, activities of different parties. Although the most people prefer TV or some other visual informations, and indeed we have a lot of them, and jet the newspaper has got rather more number of readers.

Because the newspaper is doing its best in meeting requirements and interests of readers.

When the radio had been invented, some specialists considered that there would be no need of having, publishing newspapers. Leter the electronic information system has been rapidly developed. And again some specialists on computer communications foretold that the activity of newspaper was coming to an end. But the men dealing with newspapers began to work hard at solving those problems that concerned the future. And on the contrary the newspaper strengthened its position and could stand high and firm as a rock among those roaring oceans of information.

The book, that's in your hand, belongs to Toshpulat Rahmatullaev, a well-known journalist from Samarkand, a devoted, true friend of the Konrad Adenauer foundation. The book copes the articles written and publishing in 1997-2002 years. These articles are about activities of different parties, elections and information system that's free, small and middle business in Uzbekistan. Toshpulat Rahmatullaev was awarded several times by international organizations for his articles. And these publications are said to be still usefull and worthy.

The Konrad Adenauer foundation takes delight in making contribution of this book and is looking forward to supporting the young, talented journalists from Uzbekistan in publication their works.



Dr. Thomas KUNZE,
*a territorial council on Central Asian
countries in the Konrad Adenaur fondation.*

ИСТИҚЛОЛ САМАРҚАНД ТАҚДИРИДА

Қатрада қуёш

Республика Олий Кенгаши 1991 йилнинг 31 августида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси туғилганини бутун дунёга маълум қилган эди.

Бой ўтмиш, мазмун-моҳияти билан умуминсоний характерга эга анъаналар соҳиби, жаҳоний нуфузга эга юзлаб, минглаб алломаларни етиштирган халқ ўз ихтиёрини ўз қўлига олди, эркин, озод ривожланиш йўлига кирди. Бой табиий ресурсларини, унумдор ерини, бир йилда бир неча марта ҳосил олишга имкон берувчи иқлим шароитини, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий салоҳиятини буюк келажак йўлига хизмат қилдириш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов мустақилликнинг тарихий аҳамиятига шундай баҳо берган эди: «Биз учун мустақиллик – энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топдиришдир.

Биз учун мустақиллик – Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир».

Мустақиллик шароитида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, асрларга татиғулик ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Аслини олганда, етти йил тарих силсиласида бир лаҳза, кўз очиб юмгунча ўтадиган фурсат. Ана шу қисқа муддат ичида

мамлакатимиз ўзининг мустақил иқтисодий ва миллий сиёсатиغا, ўзига хос сиёсий йўлига, давлат тилига, байроғи, герби, мадҳияси ва Асосий Қонунига, ўз миллий пулига эга бўлди.

Жамиятимиз маънавий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди, уларни муболағасиз маънавий уйғониш деб аташ мумкин. Ўтмишимизга бўлган муносабатимизда объективлик асосий мезон бўлмоқда. Халқимизнинг сиёсий онги, маданияти ўсиб бормоқда, миллий гурури кучаймоқда. Бир сўз билан айтганда, биз ўзгараямиз. Биз энди 90-йилларнинг бошларидаги одамлар эмасмиз.

Ким агар ўзида ўзгариш сезмаётган, ўзгариб бораётганлигини қалбдан ҳис этмаётган бўлса, эски замонни кўмсаб яшётган бўлса, бунга мустақиллик айбдор эмас. Ҳозирги мавжуд иқтисодий қийинчиликлар, етишмовчиликлар учун ҳам мустақилликни айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Камчиликлар яқин ўтмишда маълум мақсадни кўзиб иқтисодиёт бир томонлама ривожлантирилганлигининг, сиёсий зуғумнинг оқибати ҳамда ўтиш даврининг барча мамлакатларга хос асоратидир. Ушбу ўтиш даврининг қанчалик қисқа бўлиши, қанчалик тез юксакликка эришишимиз ўзимизга, ҳар биримизнинг руҳиятимизга, мустақилликка бўлган ишончимизга, мустақилликни мустаҳкамлашдаги иштирокимизга боғлиқ. Ҳар биримиз ўзимизга «мустақиллик менга нима берди?» деб эмас, «мен мустақилликка нима бердим?», «уни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпман?» деган саволларни берсак, шунга яраша ҳаракат қилсак, бахтли истиқболга етиш мuddати қисқаради.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўлига назар солсак, республикамиз барча соҳаларда улкан ютуқларга эришиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Ишлаб чиқаришда ҳам, қурилишда ҳам, халқаро муносабатларда ҳам катта сифат ўзгариши юз берди.

Келинг, ана шу ўзгаришлар ҳақида ҳолисона хулоса чиқариш учун улуғ Ватанимизнинг бир қисми бўлган, ҳар биримиз учун азиз ва ардоқли шаҳри азим Самарқандимиз етти йил давомида босиб ўтган йўлига бир назар ташлайлик. Қатрада қуёш акс этганидек, республикамиздаги барча ижобий ўзгаришлар Самарқанд мисолида яққол кўзга ташланади. Бу, ўз навбатида, ҳали-ҳануз «мустақиллик нима берди?» деб юрганларга жавобимиз ҳам бўлади.

Шарафли ўтмишга бир назар

Самарқанднинг саодатли бутуни, абадий келажаги ҳақида гапиришдан олдин шарафли ўтмиши тўғрисида икки оғиз сўз айтишни лозим топдим.

Ха, Самарқандимизнинг ўтмишини ҳақли равишда шарафли деб аташ мумкин. Ўзининг салкам ўттиз асрлик тарихи давомида азим шаҳар ҳусну жамоли, кўрку таровати билан кимларни лол қолдирмади?!

Ўрта асрларда ноқ ҳақли равишда «сайқали рўйи замин» деб аталиб келинаётган Самарқандни шоиру олимлар, сайёҳлар яна «Қадимги шарқ боғи эрами», «Оламнинг бебаҳо марвариди», «Замин чехраси», «Жаҳон гулшани» деб ҳам таърифлаганлар.

Ал-Маъмун ёзган экан: «Шомнинг кўзи – Дамашқ, Румнинг кўзи – Кустантия, Ал-Жазиранинг кўзи – ар-Раққа, Ироқнинг кўзи – Бағдод, ал-Жиболнинг кўзи – Исфаҳон, Хуросоннинг кўзи – Найсобур ва Мовароуннахрнинг кўзи Самарқанддир».

Ер юзиде ёши жиҳатидан ҳам, ота-боболардан қолган маҳобатли ёдгорликлари билан ҳам Самарқандга тенглашадиган шаҳар кам топилди. Ўзбекистон-Франция археологик экспедицияси тадқиқотлари шаҳар 2750 ёшда эканлигини тасдиқлаб турибди. Бу унинг Римга тенгдошлигидан, бошқа кўлаб шаҳарлардан қадимийроқ тарихга эга эканлигидан далолатдир.

Самарқанд ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган шаҳар, инсониятнинг маънавият бешиги деб аталади. Шаҳарда қад ростилаб турган асрий обидалар, бу ердан етишиб чиққан олиму фозиллар, шоиру ёзувчилар, меъмор курувчилар шундай дейишимизга асос бўла олади. Президент И.Каримов Самарқандда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқиде таъкидлагандек, «жаҳоннинг барча худудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интиланлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуг дорилфунгулари – мадрасалар, энг машҳур ашломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди».

Буюк ишак йўли марказиде жойлашган Самарқанд анъаналар, урф-одатлар, барча соҳадеги тажрибаларни Шарқдан Ғарбга ва

Ғарбдан Шарққа етказишда муҳим мавқега эга бўлган. Шу маънода азим шаҳар элларни элларга, мамлакатларни мамлакатларга, жаҳон илму маънавиятини бир-бирига туташтириб келган, десак муболаға бўлмайди.

Самарқанд кўплаб улуғлар пойқадами теккан муқаддас маскандир. Авлиёлар назари тушган бу шаҳарни пиру устозлар руҳи кўллаб келмоқда.

Самарқанд – инсон ақл-заковатининг мўъжизаси. Унинг ҳар бир қарич ери, обидаларининг ҳар бир ғишти қанчадан-қанча тарихий воқеаларга гувоҳ. Бутун ушбу мақолада биз мозийга назар ташлаб, унинг қат-қат саҳифаларини варақламаймиз. Бунга ўйлаб, юзлаб китоблар ҳам камлик қилади. Шаҳримиз ўтмишига назар солишимиздан мақсад бугун бажарилаётган ишларнинг нақадар улуғворлигини, улар аجدодларимиз ишлари билан нақадар уйғунлашиб кетаётганлигини, истиқлол аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги тарихий ворисликни қанчалик мустаҳкамлаб бораётганлигини кўрсатишдир. Мустақиллигимизнинг етти йили давомида амалга оширилган ишларни ундан олдинги етмиш йилдагиси билан таққослаганда истиқлол янада жозибалироқ жиҳатлари билан намоён бўлади.

Жаҳонга йўл

Иқтисодиёт, моддий незъматлар ишлаб чиқариш ҳар қандай жамият ривожланишининг асосини ташкил этади. Мустақилликнинг иқтисодий заминини мустаҳкамлаш мустақилликни қўлга киритганчалик ўта муҳим, уни сақлаб қолишнинг асосий омили эканлигини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Чунки асримизнинг 50-60 йилларида сиёсий мустақилликка эришган кўпгина мамлакатлар тезда йирик давлатларнинг, кўп ҳолларда илгари ўзлари тобе бўлган давлатларнинг иқтисодий қарамлигига тушиб қолишган эди.

Собиқ империянинг хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб саноатнинг барча тармоқларини ривожлантиришга, замонавий технологияларни киритишга, чет эл инвестициясини олиб келишга асосий эътибор қаратилади.

Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Самарқандда ҳам чег эл сармоядорларини шаҳар иқсоидиётини ривожлантириш учун жалб этишга катта эътибор қаратилаётир. Шуниси диққатга сазоворки, енгил ва озик-овқат саноати билан бир қаторда ўта муҳим соҳалар – машинасозлик ва замонавий электр алоқалари бўйича ҳам шаҳарда қўшма корхоналар ташкил этилган.

Самарқандда Андижоннинг Асакаси каби автомашиналар ишлаб чиқариладиган кунга кам вақт қолди. Айни пайтда қурилиши жалаллик билан олиб борилаётган Ўзбекистон-Туркия «СамКочАвто» қўшма корхонасида автобуслар ҳамда юк машиналари ишлаб чиқилади. Корхона тўла қувват билан ига тушгач, йилига 3 мингдан зиёд автобус ва мингдан ортиқ юк машиналари тайёрланади, юзлаб киши иш билан таъминланади.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган Буюк Британия билан Ўзбекистон ҳамкорлигига «Бритиш Американ Тобакко» компанияси иштирокида ташкил этилган ЎЗБАТ қўшма корхонаси фаолияти мисол бўла олади.

Шиддат билан ўзгариб бораётган давримизни замонавий алоқа воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бемалол айтиш мумкинки, Самарқандда шаҳар, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари сифат жиҳатдан анча яхшиланди, телефон нуқталари сони ҳам ошди. Бунга 1997 йили Индонезиянинг «Бакри Коммуникейшн Корпорейшн» компанияси билан «Самарқандтелеком» қўшма корхонаси ташкил этилгандан кейин имкон туғилди. Айни пайтда жаҳонга машхур «Сименс» фирмасининг рақамли электрон телефон станцияси ишлаб турибди.

Чехиялик ҳамкорлар билан 1996 йилда «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Шу қисқа давр мобайнида корхона ишлаб чиқаётган маъданли сувлар, турли хилдаги чанқоқбосди ичимликлар бутун республикамизда маълум ва машхур бўлиб кетди. Бу йил эса Чехия ишбилармонлари билан яна иккита – «1-сонли пивзавод» ва «Самарқанд саховати» қўшма корхоналари тузилди. Учала корхонага чет эллик инвесторларнинг 30 миллион долларга яқин маблағи жалб қилинди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳамкорлик кирралари ранг-баранг, турли соҳаларни камраб олган. Мавжуд 117та кўшма корхона илғор техника ва технология олиб келиш билан бирга янги иш жойларини ташкил этишда, ишчи ва ходимларнинг меҳнатга муносабатини ижобий томонга ўзгартиришда, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана энди айтинг, бундай халқаро иқтисодий алоқалар, жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча масалалар танҳо марказ хоҳиши билан ҳал бўладиган даврларда мумкин эдимиз? Йўқ, албатта. Фақат мустақиллик туфайли биз дунё сари йўл олиш имконига эга бўлдик. Биз дунёни танидик, дунё эса бизни таниди.

Маърифат шижоатдир

Мустақиллик йилларида Самарқанднинг халқаро алоқалари нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки илм-фан, маданият, маърифат соҳаларида ҳам гуркираб ўсди. Халқаро аҳамиятга молик воқеалар қаторига Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур тутилган кунининг 660 йиллиги тантанали нишонланганини киритиш мумкин. Истиқлол куёши остида яшамаганимизда, номини ҳам тилга олиш таъқиқлаб қўйилган Амир Темур юбилейини шундай қайд этармидик? Асло! Шўро идеологлари томонидан таъқирланган ва таъқиқланган соҳибқирон шахси фақат мустақиллик туфайли юксакликка кўтарилди. Унинг номи ҳар биримизнинг дилимизга кириб бориши учун йўл очилди. Бунга Юртбошимиз томонидан 1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши, юбилейга тайёртарлик кўриш муносабати билан амалга оширилган ишлар ҳамда юбилейнинг ўзи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Тўғри-да, халқ ўз даҳолари ва қаҳрамонларини бишиши, эъзозлаши керак. Бўлмаса, бундай халқни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. «Амир Темурни улуғлаш, – деган эди Президент И.Каримов, – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

Самарқандимизнинг оламаро нуфузини оширишда ЮНЕСКО тадбирлари дастурига киритилган ва ҳар икки йилда бир марта ўтказиб туриладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўрни

бекиёсдир. Жаҳон халқларини ўзаро яқинлаштиришга, улар маданиятини ўзаро бойитишга қаратилган биринчи мусиқа фестивалида шарқ мамлакатларидан ташқари АКШ, Буюк Британия, Австрия, Германия, Франция, Юнонистондан ҳам санъаткорлар катнашдилар. Хаммаси бўлиб фестивалда 32 мамлакат ва 2 халқаро ташкилотдан 267 вакил иштирок этди.

Фестиваль кунлари бўлиб ўтган «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда турли мамлакатлардан келган 19 нафар олимнинг маърузалари тингланди. Ўша кеча-кундуз газеталарда босилган мақолалар сарлавҳасига эътибор қилинг-а: «Шарқ қадим Самарқандда ўзлигини намоён этаётир», «Регистонда уйғонмоқда Шарқ»...

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун хизмат қилувчи илмий салоҳият ва етук кадрлар тайёрлаш йўлида ҳам Самарқанд ўз мавқеига эга. Бунга яққол мисол тариқасида шахримизда очилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими, ЮНЕСКО тасарруфидаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, чет тиллар институти тилга олиш мумкин. Айниқса, СамДҶТИда тўрт йил давомида эришилган ютуқларни мамлакатимиз буюк келажакининг пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган амалий қадамлар деб баҳолаш мумкин. Институт раҳбарияти, ҳар бир ходим Абдулла Авлонийнинг «маърифатли халқ шижоатли бўлур» деган сўзларини қалбига жо этиб, студент-ёшларнинг пухта билим олиб, юксак маънавиятли шахслар бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилмоқда.

Самарқанднинг халқаро алоқалар соҳасидаги яна бир йўналиши биродарлашган шаҳарлар билан ўрнатилган муносабатлардир. Айни пайтда, қадимий шаҳар АКШнинг Олимпия, Индонезиянинг Банда-Ачех, Покистоннинг Лохур, Қозоғистоннинг Жамбул, Франциянинг Лион каби кўплаб шаҳарлар билан биродарлик ришталарини ўрнатган.

Маданият, илм-фан, халқ таълими соҳасида қўлга киритилган ютуғимизни, бу йўналишдаги халқаро алоқаларни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қилинган муҳим ишлар сарасига киритиш жоиздир.

Яратиш ва яшатиш қудрати

Бугун биз бемалол бундан олти аср муқаддам соҳибқирон Амир Темур айтган «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қўрган иморатларга назар солинг», деган сўзларини такрорлашимиз мумкин. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Самарқандни ободонлаштириш, асрий обидаларини таъмирлаш ва тиклаш, уларнинг яна минг йиллар давомида авлодларга хизмат қилишини таъминлаш борасида бажарилган ишлар шу заминда яшаётган ҳар бир юртдошимиз қалбини фахр ва ифтихор туйғулари билан лиммо-лим тўлдириши турган гап. Чунки ана шундай қисқа фурсат ичида амалга оширилган ишлар ундан олдинги ўн йиллар давомида бажарилмаган эди. Ҳатто ана шу ёдгорликларимизни кўриш учун келган чет эллик сайёҳлардан тушадиган валюта ҳам марказ ихтиёрида қоларди. Унинг қайси мақсадда ишлатилгани бизга қоронғу эди.

Кейинги йилларда меъморий обидаларни таъмирлаш борасида олиб борилаётган ишларни ундан олдингиси билан таққослашнинг ўзи қийинроқ. Чунки авваллари обидаларда ҳаммаси бўлиб 30-40 нафар таъмирловчи ишлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони бир неча юз кишини ташкил этади. Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига тайёргарлик кунлари бу ишларга 1500 киши жалб этилган эди. Умуман, юбилей арафасида Самарқандда мисли кўрилмаган бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Оксарой, Рухобод, Регистондаги мадрасалар мажмуи ва бошқа ёдгорликлар қайта таъмирланди. Амир Темур майдонида улуғ соҳибқиронга чексиз эҳтиром ва садоқат рамзи сифатида салобатли ва мухташам ҳайкал ўрнатилди. 1996 йилнинг 18 октябри – ҳайкал очилган кун кўҳна ва азим шаҳар тарихида унутилмас воқеа бўлиб қолади. Шу куни Президент И. Каримов шаҳар байроғига биринчи рақамли «Амир Темур» орденини тақиб қўйди. Юртбошимиз таклифи билан 18 октябрь – «Самарқанд куни» деб эълон қилинди ва ҳар йили кенг байрам сифатида нишонланадиган бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, юбилей муносабати билан амалга оширилган ишлар мавсумий тадбир бўлмасдан обидаларни таъмирлаш, шаҳарни ободонлаштириш ишлари кўп йилларга мўлжалланган режа

асосида олиб борилмоқда. Айни пайтда ана шу янги режанинг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Президент И. Каримов 1998 йилнинг 8 июль куни вилоятимиз бўйлаб қилган сафари чоғида Самарқандда ягона сайёҳлик мажмуи яратиш борасида қимматли маслаҳатлар берди, раҳбарлар, таъмирловчи ва қурувчилар олдига шаҳарнинг азалий қиёфасини тиклашни ҳамда сайёҳларга юқори даражали хизмат кўрсатишга шароит яратишни вазифа қилиб қўйди. Қурилиш ва меъморчилик соҳасида шўро замонида йўл қўйилган хато-камчиликларни тугатиш, биринчи навбатда, тарихий обидалар атрофидаги кўримсиз бинолар масаласини ҳал қилиш лозимлиги уқтирилди. «Биз ана шу хатони тuzатиб, Самарқанднинг ҳаққоний тарихий кўркини тикламоғимиз керак», деди Президент.

Ҳамжиҳатлик – тараққиёт гарови

Республикамиз мустақиллиги фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки юртимизда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элатлар учун ҳам улкан тарихий воқеадир. Турли миллат вакиллари ўртасидаги тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик мамлакатимиз тараққиётининг гарови бўлиши билан бирга, барчага бир хил ривожланиб бориши учун имкон берувчи омилдир.

Шаҳримиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўзбеклар ва тожиклар, руслар ва арманлар, татарлар ва яхудийлар, кўплаб бошқа миллат вакиллари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳардаги 67та мактабда таълим-тарбия ишлари икки ва уч тилда олиб борилмоқда. Фақат мустақиллик йилларида татар, арман, корейс, немис тиллари она тили сифатида ўқитила бошланди.

Самарқандда яшаётган турли миллат вакиллари маданиятини ривожлантириш, уларнинг ўзига хос урф-одатларини сақлаб қолиш, ўз она тилларини ўрганишлари учун керакли шароитлар яратиб беришга тоғув ҳаётнинг шарти сифатида катта эътибор қаратилаётир.

Шаҳарда 8та миллий-маданий марказ самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзларининг кўпгина тадбирларини бирга ўтказишмоқда.

Самарқанд Буюк ипак йўли марказида жойлашган кўн миллатли, турли динга мансуб аҳоли ёнма-ён яшаб келган шаҳар сифатида

машхур. Кўхна тарихнинг гувоҳлик беришича бу ерда ислом кучли мавқега эга бўлган даврда ҳам, аниқроғи XIII аср бошларигача зардуштийлар жамоаси, темурийлар замониғача христианлар жамоаси мавжуд бўлган.

Самарқанд кўн миллатли қатга бир оила эканлиги 1994 йилда Бухоро яхудийларининг «Шарк» маҳалласи ташкил топганлигининг 150 йиллиги кенг нишонланганлигида яққол намоён бўлди. Байрамда турли мамлакатлардан, жумладан, АҚШ, Исроил, Германия, Австрия, Австралиядан кўшлаб меҳмонлар иштирок этишди.

Шаҳарда барча дин ва мазҳаблар вакилларига ўз эътиқодлари асосида диний маросимларни ўтказиш учун шароит яратилган. Масжидлар билан бир қаторда рус православ черковлари, яхудийлар синагогалари, католик ва протестантлар черковлари фаолият кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг кўп йиллик орзуси бўлган истиқлол миллий муносабатлар борасида ҳам тенглик имкониятини яратди. Турли миллат вакиллариининг бир мақсад сари интилишлари кучайди. Осуда ҳаёт ўрнагилганлиги туфайли республикамиздан четга кўчиб кетувчилар сони озаймоқда. Бу кўрсаткич ҳозир 1992 йилга нисбатан анча камайган.

Ҳар биримиз масъулмиз

Мустақиллигимиз байрами арафасида мамлакатимизда амалга оширилган ишларга, ўзгаришларга Самарқанд шаҳри мисолида назар солганда, истиқлол буюк неъмат эканлигига ишончимиз янада мустаҳкамланиши шубҳасиз. Чунки фақат истиқлол ҳар бир шахсга, бутун жамиятга улкан имкониятлар яратиб беради. Улардан энг муҳимлари эркин яшаш, эркин фикрлаш, эркин ишлаб ижод қилиш имкониятидир. Худди ҳар бир шахснинг бойиши жамиятнинг бойишига олиб келганидек, шахс эркинлиги жамият эканлигига асосдир.

Танҳо эркин шахс ўзини идрок этади ва шу орқали Ватанни ҳам идрок этиб боради. Шунда одам ўз қадр-қиммати ҳақида ўйлай бошлайди, ўзининг ҳаётдаги, жамиятдаги ўрнига баҳо бериб, яшашдан мақсад нимада эканлигини англашга интилади.

Фақат эркин фикр юксакликка парвоз қилишга қодир. Агар барча амалий ҳаракат олдин фикр шаклида вужудга келишини

инобатга олсак, фикрнинг юксак парвози инсон бошлаган барча ишларининг юксакликка кўтарилишига асос бўлиши турган гап.

Демак, бизнинг шахс сифатида шаклланишимиз учун, жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши учун имконият яратиб берган мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаётганлигимиз ҳақида ҳар биримиз яхшилаб ўйлаб кўришимиз, шунга қараб хулоса чиқаришимиз керак.

Ушбу мақолада Самарқанд мисолида қисқача бўлса-да, санаб ўтилган ижобий ўзгаришлар бугун республикаимиз учун хосдир. Демакки, кўпчилигимиз мамлакатимиз танлаб олган ўзига хос ва ўзига мос йўлдан оғинмай олға боришига ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз.

Ҳали олдимизда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистонимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишдек улкан вазифа турибди. Бу вазифанинг қанчалик тез амалга ошиши ўзимизга, ҳар биримизнинг интилишимизга, шу мақсад йўлида қуч-гайрат сарфлашимизга боғлиқ.

«Самарқанд», 1998 йил 30 июль

ҲАҚҚОНИЙ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Биринчи мақола

Жамият тараққиётининг бурилиши нуқталарида ўтмишга нисбатан шаклланган қарашларни қайта кўриб чиқиш, айни пайтда кечайтган жараёнларни чуқур англаб, уларга тўғри баҳо бериш талаб этилади. Бу – танланган йўлдан адашмасдан тўғри боришнинг муҳим омилidir. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз раҳбари И. Каримов бир гуруҳ тарихчилар ва журналистлар билан бўлган учрашувда тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида, тарихчи олимлар олдидан ўтмишимизни ҳолисона ва ҳаққоний ёритишдек муҳим вазифа турганлиги тўғрисида батафсил сўз юритган эди. Халқ хотираси муҳрланган тарихни билиш ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб аҳамият касб этмаганди.

Тарихий онг тўғри йўналтирилган бўлиши зарур

Дарҳақиқат, қаердан келиб, қаёққа борилаётганлигини англаган одамнинг ҳаракати мақсадли, онгли бўлади. Жамият тараққиёти ҳам фуқароларнинг тарихий онги қанчалик шаклланганлигига боғлиқ, десак муболаға бўлмас. Чунки тарихий ёндошмасдан туриб ижтимоий ҳаётнинг ҳеч бир соҳасини тўғри англаб олиш мумкин эмас. Тарихни билиш бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ҳолисона баҳо беришга, уларни бир бирига солиштириб аниқ хулосалар чиқаришга имкон беради. Тарихни яхши билмасдан, ўтмиш тажрибасини ҳисобга олмасдан қабул қилинган қарор асоссиз бўлиши, баъзан тузатиб бўлмас хатога олиб келиши мумкин.

Аждодлар тажрибасидану ўтмиш воқеалари сабоғидан дарс олиб, ижтимоий ҳаётни янада такомиллаштиришга эришиш тарихий ворисликни таъминлайди. Тарихий ворислик эса даврларнинг ўзаро алоқасини, тарихий бирликни таъминлайди.

Шу сабабли тарихий билим асосида шаклланган тарихий онг ўта муҳимдир. Тарихий онг босиб ўтилган йўл ва ҳаракат мақсади ҳақида билим ва тасаввурлар йиғиндисидир.

Шахснинг кечаётган тарихий жараёнда қанчалик фаол иштирок этиши унинг тарихий онги даражасига боғлиқ экан, тарихий онгнинг қайси йўл билан ва қандай шаклланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тарих билан юзма-юз келишнинг, тарихий билим ва тасаввурлар ҳосил бўлишининг йўл ва воситалари хилма-хилдир.

Халқимиз анъаналари ва удумларида иштирок этаётганда, тарихий ёдгорликларни томоша қилаётганда, бадий адабиёт ўқиётганда, санъат асарларидан завқ олаётганда ўзимиз англамаган ҳолда тарих билан юзма-юз келамиз. Бу босқичда тарихий онгимиз бир тизимга кирмаган, айтиш мумкинки, пала-партиш, субъектив таҳлил асосида шаклланган билим ва тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Тарихий онг чуқур илмийлик асосида яратилган тарихий билимга, объектив таҳлил ёрдамида вужудга келган тасаввурга таяниб шакллангандагина кучли таъсирга эга бўлади.

Демак, ҳар бир шахснинг тарихни пухта-пишиқ ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилиши фуқароларимиз тарихий онгининг шаклланишига имкон беради ва бу, ўз навбатида, кечаётган жараёни уларнинг тушуниши ва унда онгли иштирок этиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, одамларимизда тўғри йўналтирилган тарихий онг шаклланиши учун керакли шарт-шароит яратиб берилиши керак. Шарт-шароит деганда биз биринчи навбатда, чуқур илмийлик асосида ёзилган китобу дарсликлар, илмий-оммабоп нашрлар, оммавий ахборот воситалари орқали қилинадиган чиқишларни назарда тутаёмиз.

Илм-фан маёғи

Афсуски, шу вақтгача яратилган тарихий асарлар шу куннинг талабига жавоб бера олади, деб айтолмаймиз. Нима учун? Ахир, кейинги йилларда қатор дарсликлар яратилди, китоблар чоп этилди-ку!

Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳали бизда янгилашиб бораётган мафкурамизга мос тарих фани яратилган эмас. Назария эса асос, илм-фанда, таъбир жоиз бўлса, маёк, компасдир. Методология, яъни маълум бир фанда қўлланиладиган тадқиқот усуллари мажмуининг роли ҳам худди шундай. Ҳар бир илм-фан каби тарих фани ҳам ўз

методологик базасига эга бўлиши лозим. Энг муҳим масалаларни ёритишда қандай ёндашиш кераклигини тадқиқотчи аниқ билиши керак. Айрим мисолларга мурожаат этайлик.

Шўро тарихшунослигида жуда кўп муҳим масалалар, масалан, давлатнинг, диннинг келиб чиқиши, уларнинг тарихдаги ўрни, жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, халқ оммаси ва шахснинг тарихдаги роли кабилар бир томонлама – партиявийлик ва синфийлик позициясидан туриб ёритиларди. Давлат озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлик қилувчи куч, синфий мурасасизликнинг маҳсули ва кўриниши, бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қуроли деб, бир ёклама талқин этиларди. Давлатнинг ташкилотчилик функциясига, тарихий тараққиётнинг турли босқичида ўйнаган ижобий ролига умуман эътибор қилинмасди. Динга қандай муносабатда бўлинганлиги эса барчага маълум.

Жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи синфий кураш деб ҳисобланиб келинди. Шу боис тарих дарсликларидан, таъбир жоиз бўлса, қон ҳиди анқиб турарди. Қайси дарслик бўлмасин, шўроларгача бўлган даврга оид мавзу ёритилганда аввал қисқача иқтисодий аҳволга ўрин бериларди, кейин ижтимоий-сиёсий муаммолар ҳақида гапирилиб, кўпроқ ё куллар кўзғолони ё деҳқонлар чиқиши ё ишчилар стачкалари тўғрисида сўз юритиларди. Охирида озгина маданиятга жой қолдириларди. Бу билан ўқувчи онгида кўзғолон, уруш, тўс-тўполон жамият ривожланишида бош мезон, деган «ғоя» сингдириларди. Умуман, тарих фанида ўтмишни тадқиқ этишнинг ўзига хос соҳаси бўлмиш маданият тарихига эътибор жуда суст эди.

Тарихни ўрганишдаги ёндашув масаласи ҳақида гапириб, уни формацияларга бўлиб ўрганиш муаммосини четлаб ўтиш мумкин эмас. Барча халқлар, маданиятлар мамлакатлар тарихини бир хил қолипга солиб ўрганиш айрим чалкашликлар туғдираётганлиги кўпчиликка сир эмас. Ахсарият мамлакатларда V асрдан XVII аср ўрталаригача феодализм ҳукмронлик қилиб, бу давр ўрта асрлар тарихи деб аталиши, ундан кейин янги тарих – капитализм бошланганлиги мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниши унча ҳам тўғри эмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Тарихимизни даврларга бўлиш, ҳар бир даврнинг жаҳон тарихидаги ўрнини аниқлаш ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардандир.

Шуни назарда тутиш керакки, методология масаласи бевосита мафкура билан боғлиқ бўлиб, турли даврларда, жамиятларда мафкуравий кураш объекти бўлиб келган. Шу сабабли тарих фанининг янги методологиясини яратишда масаланинг бу томонига асосий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ҳаққоний тарихимизни яратишга киришишдан олдин аввало юқорида тилга олинган методологик масалаларни ҳал қилмоқ лозим.

«Самарқанд», 1998 йил 13 август.

Иккинчи мақола

КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Биринчи мақолада Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини яратиши йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган методологик муаммолар ҳақида сўз юритилган эди. Умуман, тарих фанининг ушбу муаммолари билан бир қаторда тарихчиларимиз олдида мамлакатимиз ва халқимиз ўтмишига хос муҳим масалаларни ҳал этиши вазифаси турибди. Ана шу муаммоларни ечиши учун нималар қилиши керак? Ушбу савол билан бир қатор олимларга мурожаат этдик.

Дастлаб олий ўқув юртида илмий ва педагогик фаолиятни қўшиб олиб бораётган тарихчи олим фикрига қулоқ солайлик. Гап каминанинг чорак асрдан бери университетда тарих фанидан дарс бериб, тарих ўқитиш муаммолари билан шуғулланиб келаётганимда эмас. Асосий масала шундаки, ўқув юртида ўқитувчидан тортиб профессоргача мавжуд муаммолар билан тез-тез рўбарў келади.

Аввало кўтарилаётган муаммолар силсиласида энг оддий бўлиб кўринган, уларнинг юқори қисмида турган айрим масалаларга эътиборни қаратайлик. СССР тарихи ўқув фани «Евро-Осиё халқлари тарихи» деган сунъий атама билан алмаштирилди. Аммо аввалгидек асосан Россия тарихи ўқитилмоқда. «СССР тарихи кафедраси» номи «Ҳамдўстлик мамлакатлари тарихи кафедраси» деб ўзгартирилган бўлса-да, унда ўқитиладиган фан яна ўша рус халқи ва рус

давлатчилиги тарихи доирасида қолиб кетди.

Ёки тарих фанини ўқитишни «такомиллаштириш» йўлида қилинган яна бир ўзгариш ҳақида. КПСС тарихи предмети ўқув режасидан олиб ташлангандан кейин бу ўқув фанидан дарс бериб келган домлалар ёппасига Ўзбекистон халқлари тарихидан таълим бера бошлашди. Масалан, СамДУда КПСС тарихи кафедраси Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасига айлантирилди.

Олий ўқув юрглари учун етти йил давомида тарих фанининг бирор-бир соҳаси бўйича битта ҳам давр талабига мос дарслик яратилмаганлиги ўта ачинарли ҳолдир. Ривоятлар асосида баён қилинган воқеалар, аниқланмаган маълумотлар келтирилган китобларнинг чоң этилиши талабалар ва домла-ўқитувчилар ўртасида ўтмиш воқеаларини баҳолашда фикрларнинг тез-тез ўзгариб туришига сабаб бўлди.

Дарсликлар ҳақидаги ушбу фикрни мен билан суҳбатда СамДУ умумий тарих кафедраси мудир, тарих фанлари доктори, профессор Шодмонқул Пиримқулов билдирди. Тарих фанининг шу кундаги муаммолари ҳақида ўз қарашларига эга бўлган олим суҳбатимиз давомида қатор бошқа масалаларга ҳам эътиборни қаратди.

Яқинда республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тарихчи олимлар билан бўлган ҳар иккита учрашувда қатнашган профессор Ш. Пиримқулов йиғилганлар диққатини тўғрисида қолган қатор муаммоларга жалб этди. Олимнинг фикрича, тарих бўйича ўқув режалари, дастурлар, қўлланмаю дасрликлар тайёрлаш фақат Тошкент олимларининг монополияси бўлиб қолганлиги унчалик тўғри эмас. Бу ишга вилоятлардан ҳам олимлар, профессор-ўқитувчилар жалб этилиши лозим. Мамлакатимиз олимлари ўртасида илмий алоқалар йўқ ҳисоби. Яна бир масала. Ватанимиз тарихининг жаҳон тарихи билан боғлиқ муаммоларини ўрганишда фактларни бир-бирига солиштириб ўрганиш, бу ишга жаҳон тарихи бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган тарихчиларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, хунн қабиалари тарихи, юнонлар, араблар, мўғуллар, руслар босқинини кенг ва чуқур тадқиқ этишда жаҳон тарихининг тегишли бўлимлари бўйича мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатиш муҳимдир. Демак, биз жаҳон тарихи бўйича ҳам мутахассисларни тайёрлашга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

Шу билан бирга, профессор Ш. Пиримқулов тарихни фақат икки қисмдан – Ватан тарихи ва жаҳон тарихидан иборат деб тушуниш, унинг бошқа манбашунослик, тарихшунослик, археология, этнография каби соҳаларини ривожлантиришга, бу соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашга тўсиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Кўп йиллар давомида ўтмишимизни ўрганишда рус тарихчиларининг фикрлари, хулосалари, шарҳлари ҳукмронлик қилиб келди, – дейди олим. – Уларнинг асарлари буюк давлатчилик сиёсати руҳида ёзилган эди, ҳукмрон сиёсатни оқлашга қаратилган эди. Яъни рус олимлари ўзлари тўплаган катта ҳажмдаги фактик материалдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилишган эди.

Профессор Ш. Пиримқулов тарих соҳасидаги тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайди:

– тарихчи олимларни бир илмий марказ атрофига бирлаштириш. Марказий Осиё халқлари тарихи билан шуғулланиб келаётган олимларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;

– Ватан тарихи билан шуғулланаётган олимлар (айниқса, олий ўқув юрғларидаги профессор-ўқитувчилар)нинг кўпчилиги араб, форс ва европа тилларини чуқур билмаганликлари сабабли, тарихчилар билан филолог ва шарқшунослар ҳамкорлигини кучайтириш;

– Ўзбекистон тарихи кафедралари қошида ўлка тарихини ўрганиш марказлари ташкил этиб, уларга манбаларни асл нусхада ўқий оладиган илмий ходимларни жалб қилиш;

– Ватанисиз тарихига доир манбаларни хорижий тиллардан таржима қилиш ишини йўлга қўйиш ва амалга ошириш, уларнинг чоп этилишини таъминлаш;

– тарихчи олимлар ўртасида фақат юбилей саналар муносабати билан эмас, яъни мавсумий тадбирлар билан чегараланмасдан, ҳали ўзининг тўла ечимини топмаган масалалар юзасидан илмий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиш;

– маҳаллий ва вилоят матбуотида Ватан тарихининг турли томонларини очиб бералдиган мавзуларда тез-тез чиқишлар қилиб туриш;

– мактаб дарсликларини ёзишда ўқувчиларнинг ёш

хусусиятларини инобатга олиб, мавзуни уларга тушунарли тилда баён қилиш, дарсликларда бир-бирини инкор этувчи қарама-қарши фикрларнинг ёнма-ён келишига йўл қўймаслик;

– дарслик ва китобларда Марказий Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашини ёритишда халқларимизнинг бир ёқадан бош чиқариб биргаликда ва бирдамликда олиб борган курашига кенг ўрин бериш.

Бу ва шу каби масалаларнинг ҳал этилиши ҳаққоний тарихимизни яратиш йўлидаги муҳим қадамлар бўлиши шубҳасиз.

«Самарқанд», 1998 йил 23 август

Учинчи мақола

АРХЕОЛОГЛАР МУЛОҲАЗАСИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз ва халқимиз тарихи билан боглиқ муаммолар хусусида, уларни ҳал этиши йўлида амалга оширилиши керак бўлган масалалар ҳақида бир қатор олимлар билан суҳбатлашдик. Жумладан, Ўзбекистон ФА Яхё Фуломов номидаги археология институтида бўлиб, археолог олимларимиз фикри билан қизиқдик.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, археологлар мамлакатимиз тарихининг ёзув пайдо бўлгунга қадар энг узоқ давом этган тарихи ҳақида ўта муҳим, айтиши мумкинки, ягона манбага эга. Бу манбалар Президент И. Каримов ўртага қўйган ҳамда ҳаққоний тарихимизни яратиши йўлидаги энг долзарб муаммолар сирасига киритилган ўзбек давлатчилигининг келиб чиқиши ва ўзбек халқи этногенези масалаларини ҳал этишда янгича ёндашиши имконини беради. Чунки археологик манбалар энг холис, бирламчи манбалардир.

Ҳар улар билан ким, қайси методологияга, концепцияга биносан ишлашида, қандай ва қайси мақсадда хулоса чиқаришида. Шу нуқтаи назардан Юртбошимизнинг тарих фани билан сийёсатнинг ўзаро муносабати ҳақидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик. «Халқимизнинг миллий туйғусини, миллий гурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани?» деб

савол берганда Президентимиз И.Каримов минг қарра ҳақ эди.

Хўш, археолог олимларимизнинг ўзлари қўлга киритган холис манбалар асосида қандай хулосалар чиқаришмоқда? Қўйида улардан айримларининг фикри билан танишасиз.

Темур ШИРИНОВ, Археология институти директори, тарих фанлари доктори, профессор:

— Республикаимиз Президенти 1998 йил 18 июнь куни Кува археологик ёдгорлигида бўлганларида тарихимиз илдиэлари қанчалик чуқур эканлиги ҳақида гапириб, Ватан тарихининг асосий масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган эдилар.

Тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда эса ушбу масалаларга батафсил тўхталган Юртбошимиз тарихимизни ҳаққоний ўрганишга қаратилган жуда кўп муаммо йиғилиб қолганлигини таъкидлаб, уларни ечиш шу куннинг долзарб вазифаси эканлигини уқтирдилар. Ана шуздай муҳим вазифалардан бири тарих фанининг концепциясини яратишдир. Янги концепция миллий мустақиллик мафқурасидан келиб чиқадиган концепция бўлиши керак.

Биз дарҳол институт илмий кенгашини чақирдик. Ўз олдимизга Ўзбекистонда археология фани ривожланишининг концепциясини яратишни бош вазифа қилиб қўйдик. Бу мураккаб ва оғир вазифа эканлигини тушунамиз. Чунки совет археологиясининг концепцияси умуман бошқача эди. У ўзгача заминга эга бўлиб, бошқа асосга таянарди. Мисол учун, тарихни формациялар бўйича даврларга бўлиш тажрибасини олиб кўрайлик. Бизнинг манба – моддий маданият ёдгорликлари формациявий ёндашишни унчалик тасдиқламапти. Материалларимиз формация доирасига сиғмаяпти. Биз тарихни цивилизациялар асосида даврларга бўлиш лозимлиги ҳақидаги масалани ўртага қўйдик.

Институтиимиз олимлари яратаётган концепцияда учта муҳим масалага алоҳида урғу берилади.

Биринчиси – мамлакатимиз ҳудудида илк цивилизацияларнинг вужудга келиши масаласидир. Бунда илк шаҳарлар, шаҳар маданияти шаклланишига алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистон тарихига жаҳон цивилизация тизимида қараймиз. Қадимги Шарқ цивилизациясининг энг ёрқин кўриниши Турон-Ўзбекистон цивилизациясидир. У жаҳон

цивилизациясига кўп нарса берган, унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган.

Иккинчи муҳим масала – ўзбек халқининг этногенези, яъни келиб чиқиши масаласидир. Рус тарихчилари, юртимизда яшаб келган халқларни 2га бўлган: ҳинд-европа ва туркий халқлар. Бу, балки тўғридир. Лекин бу фикрнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган жиҳати бор. У ҳам бўлса, ҳинд-европа халқи бу ерда азалдан яшаб келаяптию туркий халқлар кўчиб келган сўнгги қатлам, деб халқларнинг бири-бирига қарама-қарши қўйилаётганлигидир.

Биз эса миллатимиз тарихи юртимиз тарихи билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги масалани ўртага қўйдик. Энг қадимги ҳинд-европа қатламининг бир йўналиши тожик миллатига, иккинчиси ўзбек миллатига олиб келган. Фақат тил ўзгарган, холос. Антропология, генетика жиҳатидан – битта халқ. Археологик тадқиқотларимиз бунга тўла манба берди. Масалан, бронза асридаёқ Ўрта Осиёнинг қарийб ҳамма қисми инсон томонидан ўзлаштириб бўлинган эди. Фақат Қизилқум ва Қорақумнинг ички қисмлари, Помирнинг тепа қисми бундан мустасно. Ўша даврдан бери бу халқлар бошқа бир жойга кўчиб кетган эмас. Аксинча, бу ердаги ҳинд-европа халқи уммонига бошқа халқлар томчи бўлиб қўшилиб кираверган. Кушонлар, эфталитлар, хионитлар, араблар ва бошқалар келиб қўшилиб, сингиб, аралашиб кетаверган.

Биз ўз концепциямиздан келиб чиққан ҳолда, ўзбеклар шу юртнинг сохиблари деб баралла айта оламиз.

Ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши масаласи яратилаётган концепциямизнинг учинчи муҳим масаласини ташкил этади.

Биз шу вақтгача қадимги давлатлар ҳақида сўз кетганда Хоразм, Бактрия, Сўғдиёнани тилга олардик. Лекин улар ёзма манбаларда кўрсатилганидек, 2500-2700 йиллик тарихга эга экан, бирданига ўша вақтнинг ўзида пайдо бўлмаган-ку? У давлатлар қандайдир асосга эга бўлган бўлиши керак-ку!

Археолог олимларимиз тадқиқотлари Қадимги Хоразм ва Бактрияда (ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида) сўнгги бронза ва илк темир даврларида, яъни эрамиздан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб I минг йилликнинг бошларида бир қатор давлатчалар бўлганини кўрсатмоқда. Уларни биз воҳа давлатчилиги

деб атаяпмиз. Ана шундай митти давлатларнинг бир нечтаси бирлашиб, Бақтрия давлатига асос солган. Демак, ўзбек давлатчилигининг асосини воҳа давлатчилиги ташкил этиб, уч минг йиллик тарихга эга деб таъкидлаш мумкин.

Сўғда ҳам митти давлатлар шаҳар доирасида ёки сув ҳавзаси атрофида сиёсий бирлашмалар сифатида мажвуд бўлган.

Шу сабабли ҳам ўзбек давлатчилигини Амир Темур ёки Шайбонийхон билан боғлаётган фикрларни тарихни сохталаштиришга бўлган интилиш сифатида умуман тилга ҳам олмаймиз. Давлатчилигимиз тарихи уч минг йиллик даврни ўз ичига олишини, хронологик жиҳатдан Шумер, Миср давлатларига яқинлашиб қолишни таъкидлаш жоиз. Фақат унинг кўҳна тарихи солиномаларга кирмай қолган. Ёзувдан ташқари давлатнинг қолган барча белгилари, яъни шаҳарсозлик, цивилизация, муҳр, ижтимоий табақаланиш бизнинг воҳа давлатчилигимизга хосдир. Ёзув кейинчалик пайдо бўлган. Марказий Осиё халқлари илк адабий ёдгорлиги бўлмиш Авестода таъкидланганидек, Арьянам Вайчаҳ, Баҳди, Суғуди мамлакатлари юртимизда жойлашган Катта Хоразм, Бақтрия ва Сўғд давлатларини акс эттирган ва бугунги ўзбек давлатчилигининг илдишлари шуларга бориб тақалади. Биз бугун ҳеч иккиланмасдан ўзбек давлатчилиги илдишлари тарихи милoddан олдинги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларига бориб тақалади, деб айта оламиз. Бу ҳақда археологик манбалар хабар бериб турибди.

Муҳаммадjon ИСОМИДДИНОВ, Археология институти-нинг катта илмий ходими, ўзбек-француз археология экспедицияси бошлиги:

- Сўғд худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар давлатчилигимиз тарихини теран англашга, бу ҳақда ҳолисона ҳулосалар чиқаришга имкон беради. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Қадимги Сўғда эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда 4 та катта йирик шаҳар бўлган. Бу фақат ҳозиргача топиб ўрганилган Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон ва Узунқир шаҳар харобаларидир.

Кўктепа ёдгорлиги Самарқанд вилояти Челақ туманида жойлашган бўлиб, эрамиздан аввалги XII-X асрларда вужудга келган. Александр Македонский босқинидан сўнг бир неча йил ўтиб ҳозирча

бизга номатлум бўлган сабабларга кўра ҳалокатга учраган. Кўктепада очилган катта саройдан топилган ёғочнинг куйиб кўмирга айланган парчаси Францияда радиокарбон усулида текширилганда, ёши камида 2700 йилни ўз ичига олиши аниқланди.

Самарқанднинг қадимги ўрни бўлган Афросиёбда бундан 2750 йил олдин шаҳар маданияти шакллана бошлайди. Гувалақдан қалинлиги 7 метргача, баландлиги 7-8 метр бўлган деворлар бунёд этилган.

Қарши ва Шаҳрисабз воҳаларидаги Ерқўрғон ва Узунқир шаҳарларида олиб борилган қазилар ишлари ҳам уларда юксак шаҳарсозлик маданияти мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ушбу маълумотлардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Хулоса шуки, ана шундай шаҳарлари бўлган юртни давлат тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз эрамыздан аввалги VIII-VII асрларда Сўд давлати бўлган деб бемалол айта оламиз.

Ҳар бир халқнинг миллий ғурурини уйғотишга арзийдиган тарихий фактлардан яна биттаси мамлакат ҳудудида деҳқончилик маданияти қачон шаклланганлиги ҳақидаги хулосадир. Авваллари Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг шаклланиши Туркманистондан Намозғоҳ ва Анов деб фанда ном олган маданиятлар кириб келиши билан боғланарди. Кейинги 10 йил давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Зарафшон воҳасининг юқори қисмида энеолит ва бронза даврларига оид (бундан 5-4,5 минг йил олдин) Саразм манзилгоҳи очилди. Кейинчалик Саразм маданияти Чуст маданиятига ўз давомини топган. Ишари бунда узилиш бор эди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, юртимиз ҳудудида деҳқончилик маданияти, шаҳар маданияти, давлатчилик узоқ тарихга эга бўлиб, биз ҳақли равишда бу фактлар билан фахрлансак арзийди.

«Самарқанд», 1998 йил 10 сентябрь

Тўртинчи мақола

ТОТУВЛИК, БАРҚАРОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ушбу тўртинчи мақолани ўқиб, газетхонлар унда кўтарилган масала нега тарихимиз муаммолари қаторига киритилган деб, ҳайрон бўлишмас. Чунки мозийга қараб бугунимиз ва келажагимиз йўлида тўғри хулоса чиқариши тарихни ўрганишининг муҳим вазифалари сирасига киради. Мазкур мақола мисолида ўтмишни ўрганиши долзарблиги янада яққол намоён бўлади, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимиз ўтмиши билан озми-кўпми таниш бўлган ҳар бир шахс тарихий тараққиётнинг потекис кечганлигини билади. Унинг сабабларини қидириб ўзига саволлар беради. Бундай саволларга жавоб ахтариб, олимлар тарихий жараён спиралсимон ривожланиб борганлигини, юксалиш босқичлари қоқоқлик билан алмашиб турганлигини таъкидлашади. Биз бу борадаги назарий мунозараларни бир четга қўйиб, Президент И. Каримов тарихчи олимлар билан учрашувда қайд этиб ўтган ҳамда тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун дуч келиши мумкин бўлган қуйидаги саволларга баҳоли қудрат жавоб излашни лозим топдик: Нега жаҳонга буюк сиймоларни берган миллатимиз XVII-XIX асрларга келиб, шу давргача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қоқоқликдан чиқмай қолди?

Албатта, узоқ давом этган сиёсий тарқоқлик, иқтисодий қоқоқлик сабабларини газета мақоласи доирасида ёритиб бериш мушкул. Шу сабабли биз ушбу муҳим масаланинг бир томонига, шу куннинг нуқтаи назаридан ўз долзарблигини йўқотмаган жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз. Айнан ана шу тўғрида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари биз билан бўлган суҳбатда батафсил тўхталиб ўтишган эди. Ўша суҳбатимизда ўзбек давлатчилигининг келиб чиқиши ва ўзбек халқи этногенези масалалари билан бирга (бу ҳақда учинчи мақолада сўз юритилган эди) мамлакатимизда IX-XII асрларда ҳамда Темур ва темурийлар давридаги тараққиёт ва ундан кейинги қоқоқлик гирдобига тушиб қолиш сабаблари ҳақида олимлар ўз фикрларини баён этишган эди.

Кўпчилик юртимиздан IX-XII асрлари жаҳоний шуҳрат соҳиби бўлган олиму фозиллар чиққанининг сабабини сўрашади, – деб ўз

сўзини бошлади Арехология институти директорининг илмий ишлар бўйича муовини, тарих фанлари номзоди Абдулхамид Апорбосв. – Биз ундан олдинги даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳволига назар солсак, ушбу саволга жавоб топамиз. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги давлатлар ўртасида VI-VIII асрларда барқарорлик ҳукм сурган. Бу эса ҳар томонлама юксалишнинг асоси бўлган.

Самарқанднинг аввалги ўрни Афросиёбда очиб ўрганилган деворий расмлар давлатлар ўртасидаги тотувлик нишонасидир. Мана, суратларнинг турли давлатлардан келган элчиларни кутиб олиш маросими акс эттирилган қисмига эътибор берайлик. Жанубдан Чағаниён давлатидан келган элчилар Сўғдадаги тартиб-қоидалардан хабардор бўлиб, уларни ҳурмат қилишларини билдиришган. У давр кўп худодилик даври бўлган. Меҳмонлар самарқандликлар қайси ҳудого топинса, ўшани ҳурмат қилишларини таъкидлашган.

Деворий расмлар ичида битилган 16 қатордан иборат сўғдча ёзувдан маълумки, Чағаниён элчисининг исми Бур-Зотак бўлган. У Самарқанд ҳукмдори Вархуманга, жумладан, шундай деган: «Самарқанд ҳукмдори менинг ҳақимда шубҳаланмасин, чунки мен Самарқанд маъбудаларини яхши биламан, Самарқанд ёзувидан ҳам хабардорман». Худди шундай, бошқа узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам мамлакатдаги мавжуд тартиб доирасида иш юритишган.

Ўша вақтда тили ёки этник келиб чиқишига қарамасдан аҳоли ҳамжиҳатликда яшаган. Бунга сўғд ва туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг тотувлиги яққол мисолдир. Улар ўртасидаги динда ҳам фарқ бўлишига қарамасдан, қиз олиб, қиз беришган. Зарафшон дарёсининг юқори қисмида жойлашган Муғ тоғидан топилган ҳужжатларда акс этган турк йиғити Уттегин ва сўғд қизи Дуғдоначи ўртасида никоҳ шартномаси бунга яққол мисолдир. Шуниси диққатга сазоворки, никоҳ шартномасида бўлажак эр-хотиннинг биргаликда турмуш кечиришларининг барча шартлари акс эттирилган. Бу нуқтага назардан ҳам ушбу ҳужжатни ўрганиш фойдадан холи эмас.

Олимларимизнинг таъкидлашича, архсология материаллари кўп асрлар мобайнида айрим шаҳарларда 4-5та дин вакиллари биргаликда, ўзаро муросада япаганлигидан далолат беради. Айниқса, буддизм ва христианликка мансуб жамоалар қатга бўлган.

629-630 йилларда юртимиз бўйлаб саёҳат қилган хитойлик Сюань-цзан Сўғдиёнада 2та, Термезда эса 10дан ортиқ будда ибодатхонасини кўрганлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Кўп йиллардан бери Бактрия-Тохаристон экспедициясида илмий изланишлар олиб бораётган тарих фанлари номзоди Шокиржон Пидаевнинг уқтиришича, буддизмнинг ватани Хиндистон ҳисобланса-да, унинг бошқа мамлакатларга тарқалиши бизнинг юртимиз орқали амалга ошган. Милоддан аввалги II асрнинг охири ва I асрнинг бошларида буддизм Бактрияга кириб келади. Бунда Термиз ўзига хос кўприк ролини бажарган. Айнан Термиз орқали бу дин Шарқий Туркистон, Хитой, Япония бўйлаб тарқалган.

Қашқадарё Сўғдидаги археологик казишмаларда ишгирик этиб келётган тарих фанлари номзоди Собиржон Райимқулов Ургутдаги қоятошларга чизилган христиан дини рамзлари очилганлигини, бир араб сайёҳи X асрда Ургутда христиан жамоаси бўлганлиги ҳақида маълумот қолдирганлигини таъкидлайди. Самарқандда VI асрдан бошлаб христиан епископи, VIII асрдан эса митрополити бўлган. Тарихий манбалар XIV асрда ҳам христианлик мавжудлигидан, мўғуллар христиан аёлларига уйланганлигидан далолат беради.

Зардуштийлик ҳам ислом дини киритилгандан сўнг бирданига йўқолиб кетмаган. XIII аср бошларигача зардуштий жамоалари бўлган.

Келтирилган ушбу тарихий маълумотлар асосида тегишли хулосалар чиқариш шу кунларда ҳам ўта муҳимлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак. Айримлар шу вақтгача ўйлаб келгандек, ислом дини киритилиши билан мутаассиблик авж олмаган, ақидапарастлик кучайиб, бошқа дин вакиллари таъқиб остига олинмаган. Тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукм сурган. Бу мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига муҳим омил бўлган. Демак, ўзга дин, ўзга ирк, ўзга миллат вакиллари хурмат қилиш, улар билан ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликда яшаш азал-азалдан халқимиз қонига, онига сиштиб кетган хусусиятлардан биридир. Барча масалаларни ўзаро манфаат юзасидан, оддий одамийлик нуқтаи назардан ҳал этиш юртдошларимиз одати бўлган. Фақат XVII-XVIII асрлардан кучайиб борган диний мурасизлик, ақидапарастлик мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келган.

Тарихни ўрганишимиз, унинг дарсликларидан сабоқ олишимиз муҳимлиги аниқ-равшан кўриниб турибди. Бежиз қадимги дунё олимлари тарихни «ҳаёт мураббийси» деб аташмаган-да! Агар ҳаёт тажрибасини бир авлод иккинчисига етказмаса, кейинги авлод улардан фойдаланмаса, инсоният бир жойда тўхтаб қоларди. Чунки ҳар сафар бир ишни бошидан бошлашга тўғри келарди.

«Самарқанд», 1998 йил 14 сентябрь

ЮРТИМИЗ – ЖАҲОН ТАМАДДУНИ МАРКАЗИ

Шундай деб аталишига Кўктепа «маликаси» яна бир яққол мисолдир

Кўктепа ёдгорлиги Челак туманида, ҳозирги Охунбобоев номи жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ўтроқ дехқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган қишлоқ сифатида у милоддан аввалги IX-VIII асрларда вужудга келган. VIII асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида шаҳарга айланган. Ўша даврда 100 гектар майдонни эгаллаган бу шаҳарнинг агрофи девор билан ўриб олинган. Унинг марказида, баланд тепаликда ибодатхона қурилган, ҳокимнинг қароргоҳи ҳам шу ерда бўлган. Демак, Кўктепанинг ёши Самарқанд билан тенг. У шаҳар сифатида буздан 2750 йил олдин шакллана бошлаган.

Кўктепада 1993 йилдан бошлаб археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. 1995 йилдан эса бу изланишлар Франция миллий тадқиқотлар марказининг «Эллинизм ва Шарқ цивилизацияси» гуруҳи билан ҳамкорликда «Ўрта Осиё цивилизацияси» илмий режаси доирасида амалга оширилмоқда. Унга Ўзбекистон томонидан тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Исомиддинов, Франция томонидан профессор Франц Грене раҳбарлик қилишмоқда.

Археологлар асосий эътиборни шаҳар марказидаги оташпарастлар ибодатхонасига қаратиб, шу ерда қазилма ишларини олиб боришмоқда. М. Исомиддиновнинг таъкидлашича, Кўктепа «Авесто»да баён этилган аҳоли турар жойи – қишлоқ сифатида пайдо бўлган. «Мен ўзимнинг бир илмий ишимда, – дейди биз билан суҳбатда Муҳаммаджон ака, – «Авесто» Самарқанд Сўғдида ёзилган, деган фикрни ўртага ташлаган эдим. Кўктепа ва унинг атрофининг табиати «Авесто»да ёзилган маълумотларга жуда ўхшаб кетади».

Ф. Грене Кўктепа қадимги тарихчилар Сўднинг иккинчи пуйтахти деб атаган Басилей шаҳри бўлиши мумкин, деган фикрни баён қилмоқда. Самарқанд яқинида ҳозирча бошқа бундай шаҳар аниқланмаганлиги ана шундай дейишга сабаб бўлмоқда. Чунки Искандар Зулқарнайн истилоси ва унга қарши юртдошларимизнинг қаҳрамонона кураши тасвирланган манбаларда Басилей шаҳри тилга олиб ўтилган.

Юнонликлар босқинидан кейин 40-50 йил ўтгач, ҳозирча олимларга номаълум бўлган сабабларга кўра шаҳар ҳалокатга учрайди. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ деҳқончилик ҳудудларига кейинроқ улкан Кушонлар империясига асос солган юэчжи қабилалари кириб келади. Улар ҳам, бошқа кўчманчи чорвадор қабилалар, жумладан, саклар ҳам чодирларда яшаганлари боис ўзларидан шаҳар ва кишлоқлар қолдиришмаган. Улардан бизга марҳумлари дафн этилган йирик мазор-қўрғонлар қолган. Улар марҳумни кийим-кечакда, турли хил буюмлар, идиш-товуқлар, озиқ-овқатлар билан дафн этишган. Марҳум қанча бадавлат бўлса, ёнига шунча кўп ашёлар қўйилган. Кўчманчилар марҳум нариги дунёда худди ҳаёт пайтидагидек бу нарсаларга эҳтиёж сезади, деган тасаввурга эга бўлишган. Уларнинг айнан ана шундай одати археологларга қўл келмоқда. Чунки ўша қабрлардан юртимизнинг ўтмишини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган моддий маданият ёдгорликлари топишмоқда.

Кўктепада ҳам кўчманчи чорвадорларнинг мазор-қўрғони очилди. Кейинги маълумотларга кўра аслзода аёл (олимлар уни қабила маликаси бўлса керак, деб тахмин қилишмоқда)нинг қабридан қуйидаги буюмлар топилган: аёлнинг бош кийимини безаб турган учта олтин пластина ва қора рангли шишадан ясалган 40 та мунчок, ҳар бирининг диаметри 1 см га яқин 332 та олтин тугмачалар, кумушдан ясалган ойна ва коса, бронзадан ясалган қозон, 4 та сопол идиш, темир қайчи, урчук.

Шуни қайд этиш лозимки, кўчманчи чорвадорлар яшаган ҳудудларда бундай мазор-қўрғонларнинг сони жуда кўп бўлган. Лекин қадимдан бошлаб улардаги қимматбаҳо буюмлар ўғрилган. Ўғрилар қабрининг тепасидан, ёнидан, пастидан лаҳм қазиб боришган. Худди шундай лаҳм Кўктепадаги қабрда ҳам қазилган. Лекин ўғрилар 10 смга адашган. Шу туфайли бизга улкан аҳамиятга эга бўлган моддий маданият ёдгорликлари стиб келди. Хўш, уларнинг илмий қиймати нимада?

Марҳумнинг суяк қолдиқлари ва қабрдаги буюмлар асл ҳолатида сақланганлигининг ўзиёқ олимлар учун ўша қабиланинг урф-одатини ўрганишнинг дастлабки манбаи сифатида улкан аҳамият касб этади.

Масалан, аёл рўмолининг қолдиқлари оддий ашёвий факт бўлиб кўринади. Аммо у кўп нарсага ойдинлик кирита олади. Ҳақиқатда зодагон аёлларнинг бош кийими қанақа бўлганлигидан маълумот беради. Рўмол аёлнинг бошига ўралмасдан ёзиб қўйилганлиги ва мунчоқлар билан безалганлиги бу ерда яшаган аҳолининг ўзига хос одатидан дарак беради.

Археологик қазинмаларда қатнашаётган ўзбек ва француз олимларининг бир хилда таъкидлашича, қўлга киритилган топилмаларнинг аксарияти юртимизнинг ўзидан ясалган. Шу сабабдан ҳам улар қадимги ҳунармандларимизга қўли гул усталар сифатида баҳо беришда ашёвий далил бўлиб хизмат қилади.

Топилманинг яна бир аҳамияти шундаки, у мамлакатимиз ҳудудида ўтроқ аҳоли билан кўчманчи қабилалар бир-бирларидан узоқда, бопқа-бошқа яшамасдан, доимий алоқада бўлганликлари билдиради. Демак, маданиятлар, урф-одатлар синтези – бир-бирига қўшилиши, бир-бирини ўзаро бойитиши жараёни қадимдан давом этган.

Топилма асосида ўзининг яна бир хулосасини профессор Ф. Грене шундай баён қилди: маликанинг ана шундай дафн этилиши бу ерда яшаган халқларда аёл мавқеи қанчалик баланд эканлигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси ҳам дастлабки хулосалар. Лекин шунинг ўзиёқ мамлакатимиз жаҳон тамаддуни (цивилизацияси)нинг марказларидан бири эканлигини тасдиқлаб турувчи далил эканлиги ғоят муҳимдир.

Топилмаларни чуқур тадқиқ этиш, Кўктепа шаҳар харобасидаги изланишларни давом эттириш янгидан-янги кашфиётларга олиб келиши шубҳасиз.

«Фидокор», 2000 йил 17 июнь

САЙЛОВЛАР БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Инсоният тарихида жуда кўп урушлар, низою можаролар бўлиб ўтганлигидан хабардормиз. Давлатлар ёки давлатлар гуруҳи, турли каттаю кичик ҳудудлар ўзаро талашиб, бир-бирларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб келишган. Бир мамлакат доирасида ҳам бир гуруҳ одамлар бошқа гуруҳга таъсир ўтказиш йўли билан ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилган. Бошқаришга лаёқати бор ё пулга ўзини қодир деб тушунганлар ёки ҳокимиятга чиқиш учун ҳуқуқий асосга эга деб ҳисобланганлар турли йўшлар билан кураш олиб боришган. Бундай даъвогарларнинг сони бошқарув тизимидаги ўринлардан анча кўшлиги туфайли табиийки, уларнинг барчаси ҳам ўз талабини қондириш имконига эга эмасди. Шунда улар куч ишлатишга ўтишарди. Қурол ёрламида ўз мақсадларига эришиб, кейинги фаолиятларида ҳам зўрликка, ўша кўпол кучга таянишарди.

Ана шундай тартиб, аниқроғи, бошқаларга таъсир ўтказишнинг йўли асрлар давомида амал қилиб келди. Лекин тарихий тараққиёт натижасида инсоният ҳар томонлама ривожланиб борди. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қатор ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, шахснинг сиёсий ҳуқуқини амалга оширишнинг, ўз манфаатини ҳимоя қилишнинг, таъсир ўтказишнинг бошқа механизми ўйлаб топилди. Ўз манфаатини қондириш учун маълум бир гуруҳ ўз ичидан вакиллар танлаб, ўз ҳуқуқларини уларга берадиган бўлди. Сайловлар вакиллик органларини шакллантиришнинг асосига айланди. Сайловлар жамиятнинг энг муҳим демократик институтларидан бири бўлиб қолди.

Сайловлар муҳим демократик институт сифатидаги мавқеини, ҳаққоний мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига тушунтириш учун ҳали анчагина ишлагша тўғри келади. Чунки 60 йил давомида мамлакатда мавжуд бўлган сайлов тизими, айниқса, шўро замонидаги бир номзоддан бир депутат «сайлаш» тажрибаси одамларимизнинг сайловга бўлган ихлосини қайтарди. «Овоз берсак ҳам, бермасак ҳам кўрсатилган номзод ўтиб кетади, сайловлар эса номигагина, хўжакўрсинга ўтказилади», деган тушунча одамларимиз онгига, қон-қонига сингиб кетган.

Ундан олдин-чи? Асрлар давомида хон ва амирликларнинг деспотик бошқаруви шароитида ҳокими мутлақнинг айтгани айтган,

дегани деган бўлиб келган. Инсоннинг эркини ҳам, ҳуқуқини ҳам, тақдирини ҳам унинг ўзи белгилаган. Бу борада кўп нарса хон ё амирнинг шахсий фазилатига боғлиқ эди. Агар у маърифатли бўлса – яхши, жоҳил, чекланган шахс бўлса – Худо урди: фуқаро азият чеккан, мамлакат урушу жанжаллар гирдобига тортилган. Бежиз бир допишманд «ўзида ярамас одатлар ва ҳокимиятни бирлаштирган одамдан кўра ваҳшийроқ ҳайвон йўқ», деб айтмаган.

Олдий меҳнаткаш учун жаннат ваъда қилган шўро замонида ҳам аҳолининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари топталди. 1936 ва 1977 йиллардаги Конституциялар инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини эълон қилган бўлса-да, тоталитар тизим шароитида улар фақат қоғозда қолиб кетди. Ўша даврда яратилган бир латифани эслайлик.

Бир киши сўраган экан: Шўроларга хос биринчи демократик сайловлар қачон ўтказилган эди?

Иккинчи киши жавоб берибди: Тапгри Момо Ҳавони Одам Атонинг қовурғасидан яратиб, унга «ўзинга хотин таъла» деган пайтдан.

Кўп йиллар давомида инсоннинг ўз фикрини эркин айта олиши ҳамда эътиқод, виждон ва шахсий эркинликлари амалда кафолатланмаган эди. У давлатнинг ўзига нисбатан қиладиган ҳар қандай ўзбошимча ҳаракатидан ҳам ҳимояланмаган эди. Давлат ва фуқаро ўртасида ўша даврда мавжуд бўлган ўзаро муносабатни сиёсатшунослик фани патерналистик ғояга асосланганлигини таъкидлайди. Унга кўра, давлат фуқарога ҳуқуқ ва эркинликларини «совға» қилган ва унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берган. Бошқача айтганда, шўро қонунчилигида инсон ҳуқуқларининг табиий характери инкор этиларди.

Ҳуқуқ ва мажбурият тушунчаларидан инсонга тегишлиси фақат иккинчиси ҳисобланарди. Яъни инсон давлатга нисбатан жуда кўп ва хилма-хил мажбуриятларга эга эди. Ҳуқуқ тушунчаси эса давлат тушунчаси билан қоришиб кетганди.

Йиллар мобайнида давом этиб келган ана шундай қарашлар ва реал воқелик туфайли нафақат бошқарув тизимидагилар, балки фуқароларимизнинг ҳам давлат ҳуқуқи ва шахс мажбуриятлари ҳақидаги тасавури жаҳонда тан олинган инсон ҳуқуқи ва давлат мажбуриятлари ҳақидаги гуманистик тасавурулардан фарқ қилади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда бу йўналишдаги аҳвол бошқача. У ерда аҳолининг сиёсий фаоллиги баланд. Жумладан, сайловларнинг жамият ва ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини улар яхши билишади. Бу ҳам ўзига хос тарихий тараққиёт маҳсули. Фарб давлатларида ўрта асрлардан бошлаб олиб борилган сиёсий курашлар кўп ҳолларда мавжуд тузумни тағ-томири билан қулатиб ташлашга эмас, ҳокимиятдан инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашни талаб қилишга қаратилган бўлган. Масалан, шаҳарлар, турли табақаларнинг ўз эрки йўлидаги кураши бунга мисол бўла олади. Шунингдек, Фарбда вакиллик органлари ҳам узоқ тарихга эга.

Мисол тариқасида оладиган бўлсак, парламент Англияда XIII асрадаёқ вужудга келган эди. Эътибор қилинг-а: 1215 йилда қабул қилинган «Эркинликнинг буюк хартияси» инглиз эркинлигининг тамал тоши деб тан олинган. Биз ҳам сайловлар жамият ва шахснинг тақдирида муҳим ўрин тутиши билан бирга уларда қатнашиш ва ўзимиз сайлаган вакилларимиз орқали давлатни бошқаришда иштирок этиш инсоннинг сиёсий ҳуқуқи қаторига киришини шууримизга сингдиришимиз керак. Айнан шу ҳақда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 21-моддасида сўз юритилиб, ҳар бир одам ўз мамлакатини бошқаришда бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ёзиб қўйилган. Шу модданинг 3-бандида халқ иродаси ҳукумат ҳукмронлигининг асоси бўлмоғи кераклиги, бу ирода умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи ёрдамида ёпиқ овоз бериш йўли билан ёки эркин овоз берилишини таъминлайдиган бошқа шунга тенг келувчи шаклда ўтказиладиган даврий ва сохталаштирилмаган сайловларда намоён бўлиши кераклиги таъкидланган.

Биз, ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйган ва бу йўлда дадил олға интилаётган мустақил Ўзбекистоннинг фуқаролари ҳам, ўзимиз сайлаган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда иштирок этишимизни тушунишимиз лозим бўлиб қолди. Ва, албатта, шунга қараб ҳаракат қилишимиз зарур. Аввалдан маълум бўлган «ҳар бир халқ ўзи лойиқ бўлган ҳукуматга эга» деган нақл энди реалликка айланди. Агар биз эндиликда ҳам номзоднинг хайр-эҳсонига қараб овоз берадиган бўлсак, яна

ўша шахсий фикри бўлмаган, демак, бизнинг ҳам иродамизни ифода эта олмайдиган, ўта «одобли», мулойим депутатга эга бўламиз. Улар Олий Мажлиснинг мухташам биноти декорациясига, яъни безагига айланадилар. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида эса ҳоким буваннинг гапини икки қилмайдиган, фақат сессияларда қатнашиб овоз беришни ўз вазифаси деб тушунган номи депутат бўлган ижрочилар ўтириб олишади. Улар аппарат тайёрлаган ҳужжатларни қабул қилади, ҳолос.

Депутатлик фахрий унвон эмас. Буни барчамиз чуқур англаб етишимиз зарур. Энди шу вақтгача ҳукм суриб келган тартибни ўзгартириш вақти етиб келди. Ўз мустақил фикри ва сўзига эга бўлган, уларни очик ифода эта оладиган депутат эртага ҳукуматни шакллантиришга ҳам адолат билан ёндашади. Демак, сайловлар орқали биз нафақат қонун чиқарувчи орган, балки янги ҳукуматга ҳам эга бўламиз. Лекин, афсуски, орамизда ҳали ҳам «нима, мен бормасам сайлов ўтмасмиди?» ёки «ҳамма номзодлар бир, уларнинг барчасига қаршиман» деб сайловларда қатнашиш шарт эмас, деган кайфиятда юрганлар ҳам бор. Биз бундай кайфият нотўғри ва хатарли эканлигини кўрсатишимиз керак. Чунки бурунги сайловларда сайлаш имконияти ё йўқ эди ёки чекланган эди. Ҳозир эса вазият ўзгарди. Биз агар сайловларда қатнашиб, муносиб номзодга овоз бермасак, бошқа, яъни номуносиб номзоднинг тегирмонига сув куйган бўламиз. Яъни лоқайдлигимиз туфайли фаол сайловчиларнинг умумий сони камаяди ва тасодифий номзод кўпроқ овоз олишга эришади. Кўриниб турганидек, сайловчилар рўйхатига кирдикми, сайлов участкасига бориш-бормаслигимиздан қатъи назар биз сайловларда ишгирок этган ҳисобланамиз.

Шундай қилиб, «Сайловлар бизга нима беради?» деган саволга лўнда қилиб шундай жавоб қайтариш мумкин: Сайловларга бизнинг эртамыз, келажакимиз қандай бўлиши боғлиқ. Бизнинг фаоллигимиз, номзод танлашда ҳолислик ва одилик билан ёндашишимиз юртимизнинг янада обод, ҳаётимизнинг фаровон бўлишини таъминлайди. «Тақдирни кўл билан яратур инсон», деган шоирийнинг сўзлари бутун айти ҳақиқатга айланганлигига имон келтириб, ҳулоса чиқарайлик, ҳаракат қилайлик.

«Фидокор», 1999 йил 28 октябрь.

КИМГА ОВОЗ БЕРИШАДИ: ПАРТИЯГАМИ ЁКИ АЛОҲИДА ШАХСТА?

Кўп йиллик сайлов тажрибасига эга мамлакатларда сайловчилар бу муҳим сиёсий жараёнга партиялар орқали жалб этилади. Фарбда, худди АҚШдагидай кейинги ўн йилликларда партиялар ўз ғоявий ва синфий хусусиятини йўқотиб борди. Сиёсий кураш бир тузим доирасида олиб борилиши туфайли унинг кескинлиги камайди. Партиялар (кўп ҳолларда иккита асосий партия) ички ва ташқи сиёсатнинг асосий муаммолари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилмайдиган йўналишни танлаб, атрофига иложи борича кўпроқ сайловчиларни тўплашга интиломоқда. Бу эса ушбу мамлакатларда сиёсий барқарорликнинг кафолати бўлиб келмоқда.

Сиёсий партия замонавий тизимнинг характерли институти ҳисобланади. Сиёсий партияларсиз демократия бўлмаслигини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Улар давлат ва жамиятни бир-бирига боғлаб туришади.

Кўпгина мамлакатларда сиёсий партияларнинг сиёсий, мафкуравий ва тарбивий вазифалари қонун бўйича белгилаб қўйилган. Масалан, сиёсий вазифаларга қўйиладиган қиради: давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш; сиёсий кадрларнинг алмашиб туришини таъминлаш (масалан, Германия қонунда «партиялар жамият ишлари учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир фуқароларни тарбиялайди», деб ёзиб қўйилган); фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш; жамият ва давлат орасида алоқани амалга ошириш, яъни воситачилик.

Партияларнинг муҳим мафкуравий вазифаси – жамоатчилик фикрини ва аҳолининг сиёсий онгини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот фаолиятига катта эътибор қаратилади. Айрим мамлакатлар қонунлари сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот фаолиятини уларнинг доимий вазифаси сифатида тан олади. Бунда умумий ва сайловолди тарғибот бир-биридан фарқ қилиши кўрсатилади (масалан, Австрия, Бельгия, ГФР қонулирида).

Партияларнинг тарбиявий вазифасига хорижий қонунчилик ватандўстлик тарбиясига (Ангола), ватандўстлик ҳиссиётларини кучайтириш ҳамда ахлоқ ва миллатни мустаҳкамлашга (Мозамбик) қаратилган фаолиятни киритади.

Шундай қилиб, қонунчилик сиёсий партияларнинг вазифасини белгилар экан, уларнинг жамият ҳаётидаги ўта зарур мавқеини тан олади. Германия қонунида таъкидланганидек, сиёсий партиялар халқнинг сиёсий иродасини баён қилишида доимий ва эркин қатнашиш воситасида улар зиммасига асосий қонун билан юклатилган ва уларга беркитилган ижтимоий вазифаларни бажаради.

Аксарият давлатлар қонунчилиги сиёсий партияларни сайлов жараёнининг асосий субъекти сифатида тан олади. Фақат айрим мамлакатларда, масалан, Буюк Британияда мавжуд қонунчилик сайлов жараёни марказига сиёсий партиялар эмас, алоҳида номзодларни қўяди. Лекин бу мамлакатларнинг сайлов тажрибаси ҳам ҳар қандай сайлов партиялар сайлови эканлигини амалда намойиш этмоқда.

Партияларнинг сайловларда иштироки сайловолди даврдан бошланади. Парламентлараро иттифокнинг 1994 йилдаги Баёнотида таъкидланишича, эркин ва адолатли сайловларнинг мезонларидан бири – сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳолис, ҳаққоний ва мувозанатлаштирилган механизмини ўрнатишдир. Кўпгина мамлакатлар қонунчилиги ана шундай механизмни шакллантириш ва фаолият кўрсатишининг турли воситаларини назарда тутди. Уларга сайлов комиссиялари, ишончли вакиллар ва кузатувчилар таркибида фаолият кўрсатиш киради.

Масалан, АКШ, Австрия, Мексика, Россия каби мамлакатларда турли даражадаги сайлов комиссияларига сайловларда иштирок этаётган сиёсий партиялар вакиллари киритилади. Бизда эса сайлов комиссияси таркибига сиёсий партия вакилларининг кириши таъкидланади. Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг юқорида санаб ўтилган механизми сифатида фақат кузатувчилар ва ишончли вакиллар институтлари мавжуд.

1999 йилдаги сайловларга тайёргарлик кўриш тажрибаси сайлов комиссияларининг ҳолис ва ўз ваколати доирасида мустақил фаолият кўрсатишлари учун улар таркибига сиёсий партиялардан вакиллар

киритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Чунки айрим комиссиялар, айниқса, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишини мустақил ташкил этолмаганлиги кўзга ташланади. Улар ваколатидаги ишларнинг аксариятини ҳокимликларнинг ташкилий бўлимлари бажарди дейиш мумкин.

Сиёсий партиянинг сайловолди кампаниясида иштирок этишининг икки жиҳати бор. Партия сиёсий куч сифатида, бир томондан, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда қонун талаблари бузилмаслигини, барча иштирокчилар учун бир хил шароит ва имконият яратиб берилишини назорат қилиб боради. Бошқа томондан, депутатликка кўрсатилган ўз номзодларининг галабасини таъминлаш учун кураш олиб боради. Бу ёғи эса нафақат партиянинг ўзига, балки сайловчига, унинг савияси, хабардорлиги ва кайфиятига ҳам боғлиқ.

Сайловчилар у ёки бу номзодни ёқлаб овоз беришда кўпрок нимага эътибор қаратишади: шахсгами ёки унинг номзодини кўрсатган партиягами? Бизда бу савол амалда энди пайдо бўлди. Чет эл тадқиқотчилари эса бу борада илгаридан бош қотиришмоқда. Умуман олганда, сиёсатнинг алоҳида шахс томон юз тутганлиги хусусида кўпдан бери сўз юритиб келинмоқда. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, сайловчиларнинг партияларга бўлган муносабати муҳимроқ бўлиб, бу кўп жиҳатдан уларнинг сайловларда ўзини қандай тутишини белгилайди. Албатта, маълум қарашларга эга бўлган сайловчилар борки, улар доимо бир партияни қувватлаб келишади, кимга овоз беришини билишади. Ёки кўппартиявийлик тизимида ҳар бир партиянинг хайрхоҳлари бўлади. Қайси бир партиянинг дастури, сайловлар оралиғидаги даврда олиб борган сиёсати маъқул бўлса, ўшани ёқлаб чиқишади. Масалан, Швейцарияда кўпроқ алоҳида шахсга эмас, партияни эътиборга олиб овоз бериш одат тусига кириб қолган. Ҳукумат коалициясини ташкил этувчи тўртта партия мавжуд бўлиб, шулардан, айтайлик, Социал-демократик партияни кўпроқ ишчилар синфи, Халқ партиясини эса қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар қўллаб-қувватлашар экан. АҚШда ҳам сиёсий партияларнинг мавқеи кучли.

Европанинг етакчи мамлакатларида эса сиёсий йўлбошчилар – лидерларнинг нуфузи баландроқ. Сайловчилар аксарият ҳолларда маълум шахсларга алоҳида таъсир кучига эга кишилар сифатида овоз беришади.

Бизда-чи? Бизда кўппартиявийлик тизими энди шаклланиб бораётганлиги, партиялар дастури, уларнинг фаолияти ҳақида кенг халқ оммаси етарли тасаввурга эга эмаслиги боис обрўли, эл оғзига тушган шахсларнинг номзоди кўпроқ қўллаб-қувватланади, деб айтиш мумкин. Сиёсий фаолиги умуман сезилмаган, ҳатто бошланғич ташкилотига эга бўлмаган партиялар томонидан жамиятимизда ўз мавқеига ва номига эга шахслар номзодини сайловларда қўйилиши ҳам бежиз эмас. Бундай ҳолатда алоҳида шахснинг ғалабаси бутун партиянинг ютуғи сифатида талқин этилади.

Ўз соҳасида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган, атрофдагиларнинг ҳурматини қозонган шахсларга таяниб, партия ўзини янада кучлироқ ҳис этиши мумкин. Чунки унинг бундай номзоди ана шу партия тарафдорларининг ўз вакили сифатида қабул қилинади. Номзод партия мақсад ва вазифаларини ҳаммадан яхши тушунувчи сифатида таассурот қолдиради. Бунда номзод партиянинг ҳақиқий юзи бўлиб кўринади.

Шу сабабли чет элларда сиёсий партиялар шахсий имижига баланд бўлган номзодларга таянишга интилишади. Сайловолди кампанияси давомида уларнинг ижобий хислатларини бўртириб кўрсатишади, ҳатто жамият келажаги, тақдирини уларнинг сайланиши ё сайланмаслиги билан боғлашади. «Фалончига овоз бер – келажагинг у билан боғлиқ», «Фақат пистончигина муаммонгни тинглайди, уни ҳал қила олади» қабилдаги шиорлар ва бошқа тадбирлар орқали сиёсий партиялар ўз номзодларини сайловларнинг бош мавзусига айлантиришга ҳаракат қилишади.

Донгдор кишилар номига таяниб, сайловчиларнинг имкон қадар кўпроқ овозини олишга интилиш Россияда 1995 йилги сайловларда бошқача кўринишда намоён бўлди. Яъни жаҳон тажрибасида учратилмаган ҳийла-найранглар ишлатилди. Гап шундаки, Россияда махсус ташкил этилган сайлов бирлашмалари номзодлар рўйхати билан сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ана шу бирлашмалар

номзодлар рўйхатининг биринчи ўринларига машҳур кишилар – энг аввало санъаткорлар, шоиру ёзувчилар, спортчиларнинг номларини киритишди. Лекин бу одамлар депутат бўлишни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Дарҳақиқат, сайловлардан сўнг улар мандатдан воз кечишди. Аммо сайлов бирлашмалари шу йўл билан сайловчиларнинг дурустгина овозини олишга муваффақ бўлишди. Бу эса, аслида сайловчиларни алдаш, уларни ўзлари сайлаган кишилар орқали вакилларга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилишдан бошқа нарса эмас.

Кўриниб турганидек, сайловчиларнинг овозини олиш учун сиёсий партиялар ўз номзодларининг шахсий хусусиятларига катта эътибор беришлари лозим бўлади. Сайловолди курашида бу омил умумий ғалабани таъминлашнинг асосий мезонига айланишини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди.

Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олиб, ҳар бир партия сайловолди кампаниясида тарғибот-ташвиқот ишларининг ҳар икки жиҳатини кўшиб олиб бориши муҳим. Яъни, ҳам номзоднинг шахсий хусусиятларидаги ижобий томонларини яққолроқ кўрсатиши, унинг имижини кўтариши, ҳам номзод партия номзоди эканлигини, депутат этиб сайланса партия сайловолди дастурини бажариш кўлидан келишини электорат онгига сингдириши даркор.

«Фидокор», 1999 йил 4 ноябрь.

САЙЛОВЛАР ДАВРИДА МАТБУОТ

Унинг мавқеи, вазифаси, кампанияда иштирокининг босқичлари ва қирралари

Мамлакатимизда сайловлар куни белгилангандан сўн оммавий ахборот воситалари ва сайловлар мавзуси тез-тез тилга олинадиган бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Сайлов кампаниясида ОАВ ўзига хос мавқега эга эканлигини кўпчилик яхши билади. Лекин бизда ушбу масала хусусида сўз юритилганда матбуотнинг холис бўлиши лозимлигига асосий эътибор қаратилмоқда. Бундай ёндашувнинг тўғрилигига шубҳа билдирмаймиз. Аммо у катта муаммонинг фақат бир қиррасидир. Хўш, ўн йиллар давомида демократик сайловлар ўтказиб келаётган, ҳақиқий сайловолди кураши тажрибасига эга бўлган давлатларда аҳвол қандай?

Фарбнинг демократик мамлакатларида сайлов кампанияси даврида керакли сиёсий муҳитни шакллантирувчи муҳим омил сифатида оммавий ахборот воситаларига катта эътибор қаратилади. Журналистлар сиёсатчи ҳисоблашишга мажбур бўлган гуруҳга киришади. Умуман, сайловолди кураши учта кампанияга бўлинади: 1. Оммавий ахборот воситаларидаги кампания; 2. Реклама кампанияси; 3. Партия кампанияси ёки сафарбарлик кампанияси.

Сайловолди тарғиботининг ҳал қилувчи қисми бу ОАВдаги кампаниядир. Буни турли даражадаги сайловлар тез-тез ўтказиб турилиши сабабли, Фарбда сайлов кампанияси сифатида эмас, сиёсат сифатида қабул қилиш одат тусига айланган. Бу даврда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига бағишлаб депутатлар, номзодлар, мухолифат вакиллари доимий чиқишлар қилишади. Аҳолининг ҳам сиёсатчиларга, уларнинг сўздан тортиб ўзини тутишигача эътибори кучаяди. Сиёсат саҳнасидаги ҳаракат кўпчиликнинг диққат марказида бўлади. ОАВдаги кампания сайловдан кейин, яъни сайловлар оралигидаги даврда ҳам тинмайди. Ҳар бир сиёсатчи, алоҳида партия ўз қарашларини аҳолига сингдириб боришни давом эттираверади.

Мухолифатда бўлган партияларнинг ҳукуматни танқид қилиб туриши ҳам сиёсат, келгуси сайловларга тайёргарликнинг кўринишларидан бири саналади.

ОАВ аҳолига уч хил сиёсий информацияни етказди. Биринчиси соф ахборот, яъни сиёсатчиларнинг нутқлари, маърузалари. Иккинчи хилига сиёсатчиларнинг журналистлар билан ёки бошқа сиёсатчилар билан суҳбати киради. Бунга интервью ёки баҳс-мунозара мисол бўла олади. Учинчи хил информация оммавий ахборот воситасининг ўзи намойиш қиладиган янгиликлар ёки чоп этадиган бош мақолалар, ҳужжатли репортажлар ҳисобланади.

Информациянинг барчаси сайловчиларда сиёсатчи ҳақида маълум тасаввур шакллантиришга, унинг имижини яратишга қаратилади. Умуман, ОАВ дунёда содир бўладиган воқеаларнинг барчасини қамраб ололмаслиги каби сайловолди курашида қатнашаётган сиёсатчининг ўз сайловчиларига етказмоқчи бўлган маълумотидан фақат айрим қисминигина чоп этиши ёки эфирга узатиши мумкин. Бу эса чет элда журналистлар ва сиёсатчилар ўртасидаги ихтилофнинг асосий сабабларидан бирига айланган. Шу сабабли кўпгина мамлакатларда сайловлар фақат сиёсатчи номзодлар ўртасида эмас, сиёсатчилар ва журналистлар ўртасидаги курашни ҳам намойиш этади. Сиёсатчилар ОАВ орқали иложи борича кўпроқ ва фақат ижобий маълумот тарқалишини исташади. Журналистлар эса сиёсатчилар ва партияларнинг заиф томонларини, улар курашининг пинҳоний жиҳатларини кўрсатишга интилишади. Нима бўлганда ҳам ОАВ сайлов кампаниясини олиб боришнинг қуроли ҳисобланади. Ахир, сайловчиларнинг бунчалик кенг доирасини қамраб олишнинг бошқа йўли йўқ-да! Шу сабабли ҳам демократик мамлакатларда матбуот, радио, телевидение сайлов кампаниясида нафақат сиёсатчи ва партиялар учун, балки бутун жамият учун аҳамиятли бўлган масалаларни кўтариб чиқади. Сайловлар даврида жамият келажакдаги ўз йўналишини белгилаб олар экан, ОАВ шунга қараб йўл тўтмоғи лозим. Матбуот сайловчига жамиятда нима содир бўлаётганлигини тушунтиришга ва шу орқали сайловларда тўғри, оқилона овоз беришига ёрдамлашиши керак. Шу ўринда Россия матбуотининг 1995 ва 1996 йиллардаги сайлов кампаниясида ўзини қандай тугатгани ва бунга Фарбнинг муносабатини кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Россия матбуоти сайловларни пул ишлашнинг энг қулай воситаси деб ҳисоблайди. Россия журналистлар иттифоқи раҳбарларининг сайловлар ва ОАВ муаммосига бағишланган бир мақоласи «Сайловлар кампаниясидаги олтин ёмғир ҳақида» деб аталиши бежиз эмас. Муаллифларнинг тан олишича, журналистлар сайловчиларга ҳар бир сиёсатчининг, партиянинг мақсадини аниқ кўрсатиш, улар жамиятни қайси томонга олиб бориши мумкинлигини тушунтириш, тўғри маслаҳат бериш ўрнига пул ишлаш илинжида турли йўлларга боришган. Шу сабабли чет эллик журналистлар ўзларининг россиялик ҳамкасбларининг сайлов кампанияси даврида фаолиятига танқидий баҳо беришган. Дюссельдорфдаги (Олмония) Европа ОАВ институти эса бу хусусда ўта салбий хулоса чиқарган.

Юқорида тилга олинган мақола муаллифлари ўз фикрларини сайлов кампанияси даврида журналистлар фаолиятини белгилайдиган ахлоқ кодекси ишлаб чиқиш зарур деган хулоса билан якунлашган.

Аслида сайлов кампанияси жамият тараққиётининг турли йўлларини аниқ кўрсатиши лозим. ОАВ эса сайловчига тўғри йўлни танлашида қўмаклашиши даркор. Сайлов кампанияси жамиятни бўлиб юборишга эмас, жипслаштиришга хизмат қилмоғи зарур. Мисолга мурожаат қилайлик.

Франциядаги президентлик сайловларида икки рақиб – Жеспен ва Ширакнинг номзодлари қўйилган эди. Биринчи социалист, бошқаси либерал. Улар жуда ўткир баҳслашсалар-да, иккаласи ҳам Франциянинг энг асосий муаммоси ишсизлик эканлигини тан олишади. Ширак ишсизлик бўлмаслиги учун солиқларни камайтириш керак, шунда тадбиркорларнинг пули кўпайиб, улар ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди ва ишчи ўринлари ортади, деган таклиф билан чиқади. Жеспен эса бошқача фикр юритади. Иш ҳафтасини қисқартириш керак, шунда тадбиркорлар кўпроқ одам ёллашади, демак ишчи ўринлари ортади. Ушбу баҳс давомида жамият аъзолари нафақат ҳар бир номзод ким эканлигини, балки ҳал қилиниши лозим бўлган муаммони яхшироқ тасаввур этишларига имкон туғилади. Натижада ижтимоий муросага (сиёсатшунослар айтгандай консенсусга) келинади. Президент сайловларида Ширак ғалаба қозонди, парламент сайловларида эса Жеспен ғолиб чиқди. Франция жамиятдаги мавжуд объектив қийинчиликларга қарамасдан, у бўлиниб кетмади, аксинча

бирлашди. Бунда, албатта, ОАВ муҳим восита сифатида хизмат қилди.

Кўриниб турганидек, оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясида иштирок этишининг ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибалари борки, биз улардан ўзимизга керакли хулоса чиқариб олишимиз зарур. Умуман, матбуотнинг сайловларда қатнашишини тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Дастлабки босқичда демократия ҳақида, сайловлар, уларнинг мақсад ва вазифалари хусусида, бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси ҳақида мақола, кўрсатув, эшиттиришлар бериб борилади. Иккинчи босқичда аҳолига сайлов кампанияси даврида сайловчининг ҳақ-хуқуқлари тушунтириб берилади, сайловларда иштирок этишнинг зарурлиги, бу – инсоннинг ҳуқуқи ва фуқаролик масъулияти эканлиги уқтирилади. Учинчи босқич давомида аҳоли сайлов округлари, участкалари, сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари ҳамда депутатликка номзодлар билан таништириладилар. Шунингдек, номзодлар дастури, сиёсий партияларнинг сайловолди платформаси жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади. Ва, ниҳоят, тўртинчи босқич сайловлар кунини ўз ичига олади. Шу куни сайловлар қандай ўтаётганлиги ёритиб борилади. Овоз берганлардан кимга ва нима учун шу номзодга овоз берганлиги сўраб, таҳлилий материаллар тайёрланади. Шу кунги хулосалардан келгуси сайловлар учун ҳам озуқа олинади.

«Самарқанд», 1999 йил 11 ноябрь.

САЙЛОВЛАР ОРАЛИҒИДА ПАРТИЯ

Сиёсий партиялар фақат сайловлар арафасида жунбушга келиб, бошқа вақт «қилиш уйқу»га кетиши керакми? Беш йил давомида фақат бир - бир ярим ой давомида сайловчилар овозини олиш учун «фаоллик» кўрсатиб, қоп-қоп ваъдалар берадиган ва кейинчалик сукунатга чўмадиган ташилотини том маънода сиёсий партия деб аташ тўғри бўладими? Ҳақиқий сиёсий партия доимо ўз электорати ҳақида қайгуриши, халқнинг хоҳиш-иродасини шакллантиришида асосий иштирокчи, фуқаролик жамиятининг муҳим институти, унинг таркибий қисми бўлиши керак эмасми?

Дарҳақиқат, бу ва бошқа шунга ўхшаш саволларни ҳаётнинг ўзи ўртага ташламоқдаки, уларга жавоб қайтармоқ зарур. Чунки «уйқуда»ги партиялардан на уларнинг ўзларига, на жамиятга, на алоҳида фуқарога наф бор. Ҳа демай уч ярим йил ўтиб кетади, навбатдаги сайловолди марафони бошланади. Бу гал ҳам сайловчилар курук ваъдаларга ишонишига ким кафолат бера олади? Сайловлар оралиғида сиёсий партия ўзини қандай тутиши кераклигини, аҳоли ўртасида қандай ишлар олиб бориши лозимлигини, бир сўз билан айтганда, фаолиятининг мунтазамлигига эришиш учун нималар қилиши зарурлигини обдон ўйлаб, шунга яраша ҳаракат қилиш вақти келмадимикан? Бу борада айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқни лозим топдим.

Кўпгина мамлакатларда ҳукмрон бўлган ақидага кўра кейинги сайлов кампанияси сайлов ўтган куннинг эртасидаёқ бошланади. Бу жадаллик билан ўтадиган беш-олти ҳафталик сайловолди кураши доимий тус олади дегани эмас, албатта. Бу – партия мунтазам равишда сайловчилар ҳақида қайгуришини, ўзининг борлигини маълум қилиши ҳамда аҳолини ўзига жалб этиш мақсадида фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиши зарурлигини англатади. Бундай мулоқот давомида фуқароларни айнан нима қизиқтираётганлиги, улар манфаатини ҳимоя қилиш учун қандай йўл тутиш лозимлиги ўрганилади. Шунингдек,

фуқаролар билан бўладиган мулоқотдан партия ўз нуктаи назарини ёйишда, аҳолига қўлидан иш келишини, узокни кўзловчи фаолият дастурига, ишчан фаоллар ва сиёсатчиларга эга эканлигини намён этишда фойдаланиши мумкин.

Бундай фаолиятни амалга ошириш учун эса партия «паст»га тушиши, жойларда фаол иш олиб бориши, туман, шаҳар ва бошланғич ташкилотлари орқали ўзининг мавжудлигини намён этиб туриши лозим. Фақат марказда амалга оширилаётган тадбирлар, йиғилишу кенгашлар билангина чекланган партия сиёсий ташкилот сифатида ўз вазифасини бажара олмайди. Келинг, умумий гаплардан қочиб аниқ мисоллар орқали масала моҳиятини кўриб чиқайлик. Камчиликларимизни кўрсатишдан қўрқмаслигимиз керак. Чунки фақат ўз кучига ишонгангина ўз камчилигини тан олади. Фақат ўзининг аниқ мақсадини англаган, ўз стратегиясига эга бўлган сиёсий партиягина доимий таҳлил орқали кундалик фаолиятида, тактикасида йўл қўйилган нуксону камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш орқали бош мақсади сари собитқадамлик билан ҳаракат қилиб бораверади.

Таниш-билишларим мендан «Фидокорлар партияси вилоятда анча фаол иш бошлаган эди, сизларга нима бўлди, куч-қувват захираси тугадими ёки сайловни кутиб ётибсизларми?» деб сўраганда, ўзимни анча ноқулай сезаман. Айниқса, вилоятимиз туманларида бўлганимда партиямиз аъзоларининг ана шу йўсиндаги саволлари, ишни қачон ва қандай қилиб жонлантирамиз, деган сўроқлари кишини ўйлантиришга мажбур этади.

Менимча, вилоят ва туман даражасида биринчи ёки иккинчи котиб маош олиб ишлашига, яъни бу вазифа унинг асосий иш жойига айланмоғига эришмоқ даркор. Чунки ҳозир уларнинг ҳар бири қайсидир масъул вазифани эгаллаб, фақат бўш вақт топилгандагина партия ишига қўл уришмоқда. У ҳам бўлса Марказий Кенгашдан бирор-бир аниқ топшириқ бўлганда, уни бажариш юзасидан йиғилиш ёки тадбир ўтказилади.

Албатта, котибларнинг маош олиб ишлаши маблағ масаласи билан боғлиқ. Лекин бу масала ҳам ҳал этилмоғи зарур. Чунки маблағсиз ҳеч нарса қилиб бўлмаслиги кундек равшан. Баъзи туман

котиблари вилоят марказига йиғилиш ё тадбирга келиб-кетишга молиявий имкон топишолмаганликларидан нолишади.

Бундан икки йил олдин сафимизда жуда кўп тадбиркорлар бор эди ва улар партия фаолиятида катта қизиқиш билан иштирок этишарди. Сайловлардан кейин эса депутатликка сайланганлари ҳам, мақсадига етишолмаганлари ҳам вилоят партия ташкилоти билан алоқани деярли узди. Аҳволнинг бу даражага тушишига ким сабабчи: тадбиркорларми ёки фаолиятини сусайтирган партия ташкилотими? Балки ҳар иккала омилнинг таъсири бордир?

Тадбиркорларнинг партия ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш нафақат мақсад эканлиги билан, балки маблағ масаласини ҳал этиш воситаларидан бири бўлганлиги билан ҳам муҳимдир.

Чет эл тажрибасининг кўрсатишича, туман ва бошланғич партия ташкилотининг ҳаракатсизлиги бутун партия фаолиятининг сустлигини кўрсатади. Партиянинг қўйи бўғишлари жонлантирилмаса, халқ орасига кириб бориш шиори фақат орзу бўлиб қолаверади.

2000 йилнинг кузида Германиядан ташриф буюрган бир сиёсатчидан уларда сиёсий партиялар сайловлар оралигида қандай фаолият кўрсатиши ҳақида гапириб беришни сўраган эдим. Сухбатдошимнинг таъкидлашича, вакиллик органларига сайланган ёки маҳаллий ҳокимият органларида фаолият кўрсатаётган бирор-бир партия аъзоси ҳар қандай масала муҳокамасида ва қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этаётиб, ўз сайловчиларининг манфаатини ҳимоя этиб чиқади. Қабул қилинаётган қонун ёки қарор оддий фуқарога, яъни солиқ тўловчига, сайловчига бевосита ижобий таъсир қиладиган, партиянинг сайловолди дастурида эълон қилинган ваъдаларнинг амалий ижросини таъминлайдиган даражада бўлишига интилади, ўзининг бу фаолиятини барча йўллар, хусусан оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига маълум қилиб туради. Шунингдек, партия фаоллари турли кўнгилли уюшмалар, ҳаракатлар фаолиятида иштирок этиб, амалга оширилаётган ҳар бир ишда ўзлари аъзо бўлган партиянинг муҳим хизмати борлигини кўз-кўз қилишади. Бошқача айтганда, ҳар бир ишда имконини топиб партияни реклама қилишади. Яна партия фаоллари аҳолининг турли қатламлари орасида тадбирлар ўтказишади. Бунда ўз ташкилотлари ҳақидаги қуруқ гап-сўзлар билан

чекланмасдан, қандайдир амалий ишни бажаришади. Масалан, экологик ҳаракат, китобсеварлар жамияти, ногиронлар ва муҳтожларни қўллаб-қувватлаш гуруҳи, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти, табиатни ҳимоя қилиш жамияти қабилар орқали амалга ошириладиган тадбирларни шулар сирасига киритиш мумкин.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш давомида туман, шаҳар ёки вилоят миқёсидаги муаммо чиқиб қолса, сиёсатчи уни маҳаллий ижроия ҳокимияти ё вакиллик органи муҳокамасига кўтариб чиқади. Бу билан унинг учун фуқаронинг манфаатидан кўра олий кадрият йўқлигини амалда исбот этади, халқнинг ишончини қозониб боради.

Айтганини қиладиган ва бажара оладиган ишини айтадиган сиёсатчигина аҳоли ишончига сазовор бўлиб боради. Сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатда доимий равишда фуқаролар манфаати ҳақида, улар билан яқин муносабатда бўлиш хусусида гапириб турадиган ва шунга яраша ҳаракат қиладиган партиягина сайловчиларни ўзига жалб қилиши мумкин. Ғарб тадқиқотчиларининг таъкидлашича, аксарият сайловчилар сайловлардан анча олдин қайси партия ёки номзодга овоз беришни аниқлаб қўяди. Агар партия сайловлар оралиғида фуқароларга ёки алоҳида гуруҳларга ўғай боладай муносабат қилган бўлса, сайловга 4-6 ҳафта қолганда қиладиган ҳар қандай фаол ҳаракати ҳам аҳолида ҳеч қандай ишонч уйғотмайди.

Мутахассислар яна сайловчи «*homo politicus*», яъни «сиёсатчи одам» эмаслигини назарда туғишни маслаҳат беришади. Бошқача айтганда, сайловчи тўласинча сиёсатчи ёки мулақо сиёсат билан қизиқмайдиган мавжудот эмас. У инсон бўлиб, сиёсат унинг учун бошқа муҳим ҳаётий кадриятлар (оила, касб-кор, ҳордиқ чиқариш ва бошқалар) қаторида туради. Шунинг учун сиёсатчининг ёки партиянинг сиёсий воқеага муносабатига сиёсатчи ўша воқеа ўзини қанчалик қизиқтиришига қараб баҳо беради. Аҳолининг сиёсий фаоллиги анчагина суст бўлган бизнинг шароитда масаланинг бу томонига эътиборни янада кучайтириш талаб этилади. Айниқса, ўтиш даврида фуқаролар жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг, умуман ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англашга интилаётган, ўзларига янги таянч нуқтаси ахтараётган шароитда улар учун яқин, бевосита дахлдор ва тушунарли бўлган фаолият юргизиш ғоятда муҳимдир.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, сайловлар оралигида партияннинг марказда ва жойларда амалга оширадиган ишларининг дастури бўлмоғи зарур. Бундай амалий ҳаракат дастури бир партияннинг бошқаларидан аниқ фарқини намоён қилади ҳамда сайловолди кампаниясини ўтказиш бўйича тузиладиган дастурга асос бўла олади. Дастурда партияннинг сайловлар оралигидаги фаолиятининг куйидаги томонлари акс этилиши мумкин.

1. Ижтимоий фикрни шакллантиришга таъсир ўтказиш. Бу вазифа аҳоли, турли бирлашмалар, касаба уюшмалари, иттифоқлар, нодавлат ташкилотлари билан доимий мулоқот давомида маҳаллий партия ташкилотининг сиёсий қарашларига ишонтириш мақсадида амалга оширилади.

2. Сиёсий ўқишга жалб этиш ва уни рағбатлантириш.

3. Фуқароларга уларнинг сиёсий ҳаётга фаол иштирок этишида кўмаклашиш. Бу вазифа ҳар хил тадбирлар ўтказиш, фуқароларни қабул қилиш соатлари, сўровлар, алоҳида шахсларни партия ишида ҳамда маҳаллий Кенгаш учун материаллар тайёрлашга жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.

4. Лаёқати бор фуқароларни сиёсий вазифаларга тайёрлаш. Бу уларни сиёсий ишларга жалб этиш, долзарб муаммоларни ўрганиш мақсадида тузиладиган ишчи гуруҳлар таркибига киритиш, партия ичида уларга топшириқ ва вазифалар юклатиш, депутатларни ўқиш ва малақа оширишга жалб этиш орқали юзага чиқарилади.

5. Барча даражадаги вакиллик органларига бўладиган сайловларда номзодини кўрсатиш учун муносиб вакиллар танлаш, уларни партия ишига ҳамда бўлажак округи ҳудудида ўтказиладиган тадбирларга жалб этиш.

6. Парламент ва ҳукумат орқали сиёсий ҳаётга таъсир ўтказиш. Бу вазифа аҳоли таклиф ва хоҳишини маҳаллий Кенгаш ишининг кун тартибига киритиш, фракцияга таъсир ўтказиш ва бошқарувни назорат қилиш (масалан, камчиликларни аниқлаш йўли билан), фракциянинг партия олдида қилган ҳисоботи атрофида мунозаралар уюштириш орқали амалга оширилади.

7. Партияннинг сиёсий мақсадларини давлат томонидан қабул қилинадиган қарорлар жараёнига киритиш. Бу маҳаллий партия

ташкilotининг вилоят ва унинг ҳудудидан ташқарига чикувчи муаммоларни (масалан, электр энергияси, иссиқлик, ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳитни ҳимоялаш) кўтариб чиқиши, депутатлардан ахборот олиши ва улар билан мунозара юритиши, партия дастурларини ишлаб чиқиши, фракция ё Кенгаш ишида партия дастурига таяниб ишловчи номзодларни танлаб олиши орқали рўёбга чиқарилади.

8. Жамоат ва давлат органлари ўртасида алоқани амалга ошириш. Бу партиянинг маҳаллий ҳокимлик органи ва аҳоли ўртасидаги воситачилик фаолияти ҳамда фуқаролар билан бевосита алоқани жадал йўлга қўйиш орқали ҳаётга тадбиқ этилади.

Германиялик мутахассиснинг таклифи асосида битилган ушбу 8 та баъд сиёсий партиянинг жойларда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларини ўз ичига олиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмас керак. Уларни янада тўлдириб, ўрганиб, мамлакатимиз ва ҳар бир вилоятдаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб иш юритилса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам, алоҳида фуқаро ҳам манфаат кўради.

Барча айтилганларнинг ҳулосаси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, сиёсий партиянинг аҳоли ўртасидаги жозибадорлиги, сайловларда қўлга киритадиган ғалабаси кундалик фаолиятда унинг қанчалик фаоллигига, маҳаллий партия ташкilotининг аҳоли ўртасидаги жонли мулоқот юргизаётганлигига, ҳаётий масалаларни кўтариб чиқиш ва ҳал этишда фуқароларга кўрсатаётган амалий ёрдамига боғлиқ. Беш йил мобайнида бир-икки ой «жонланадиган» партия сиёсий ташкilot даъвосини қилмас ҳам бўлади.

«Фидокор», 2001 йил 6 март.

ҚАШҚАДАРЁ САБОҚЛАРИ

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг 1998 йил 3 июнь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, дейиш мумкин. Ҳар ҳолда, юраги шу юрт ишқи билан ёнаётган, Ватан келажаги ҳақида қайғураётган ўзбекистонликни Юртбошимиз сўзлари ўйлантиришга мажбур қилиши лозим. Ҳар биримиз ўзимизга бугунги мураккаб ўтиш даврида «юртим равнақи йўлида бирор-бир фойдали иш қилаяпманми?» ёки ҳеч бўлмаганда «ўз фаолиятим ёки фаолиятсизлигим билан ижобий ўзгаришларга тўғаноқ бўлмаяпманми?» деган саволларни беришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир. Айниқса, агар одам бирор-бир лавозимда бўлса, раҳбарлик курсисидан ўтирган бўлса.

Президентимизнинг куюниб гапирганида жон бор. Кейинги йилларда қарийб барча вилоятларда бўлиб ўтган «навбатдан ташқари сессия»ларда бир оғир иллат тилга олиб ўтилмоқда. Лекин ундан қутулиш қийин кечмоқда. Шу сабабли Юртбошимиз бундан икки ярим йил олдин вилоятнинг сайланаётган янги раҳбарига айтган қўйидаги сўзларини эслатиб ўди: «аввало гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, уруғчилик-қабилачилик каби иллатлардан йироқ бўлинг. Чунки вилоятда бундан хавфли сарқитлар ҳали ҳам бор».

3 июнь куни бўлиб ўтган сессияда Президент И. Каримов ўша иллатни яна тилга олиб, шундай деди: «Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, шахсий садоқатига қараб лавозимга қўйиш кундалик ходиса бўлиб қолган».

Наҳотки, Президент айтгандай, «ким кимнинг жияни, ким кимнинг поччаси, қайси лавозимга ким ўтди-ю, ким вазифасиз қолди» – энг муҳими шулар бўлса. Ахир, бир вазифага тайинлашдан олдин «жиян, қани, қўлингдан нима келади?» деб сўралса бўлмайди? Айнан тоға-жиянчилик ҳукмрон бўлган жойда адолат бўлмайди. Адолат, Юртбошимиз уқтиргандек, раҳбарликнинг энг буюк мезонидир.

Фуқаро маҳаллий бюрократияга тўқнашиб, энг оддий масалани ҳал қилолмагач, адолат ахтариб юқорига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Марказга талпинишнинг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Давр шиддат билан ўзгараяпти. Айримларимиз эса эски психология-ю, эски қарашлар гирдобидан қутула олмаяпмиз. Мамлакатимизнинг бой табиий, иқтисодий, молиявий имкониятларидан фойдаланиб, ўз амалий фаолиятимиз билан уни тезроқ дунёнинг илғор давлатлари қаторига кириб олишига кўмаклашиш ўрнига пасткашлик намунаси бўлган иллатлар таъсиридамиз.

Президент И. Каримов Қашқадарё вилоятидан Тошкентга қайтаётиб ЎзТВга берган интервьюсида бугун бўлмаса, албатта эртага ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига баҳо берилишини таъкидлаб ўтди. Олиб борилаётган сиёсатни халқимиз қувватлашини уқтириб, Юртбошимиз ёрқин келажакка албатта эришишимизга қомил ишонч билдирди.

Келинг, азизлар, биз ҳам ана шундай ишончни қалбимизга жо қилайлик, шундай ишонч билан ўз вазифамизни, қўлимиздан келадиган ишни сидқидилдан бажарайлик. Бу юртимиз равнақининг энг муҳим омилларидандир.

Шуни унутмайликки, ақлли ва доно инсонлар хулоса чиқариш орқали доимо олға қараб борганлар.

«Самарқанд», 1998 йил 11 июнь.

ОҒАЙНИ, ҚАЕРЛИКСИЗ: ВОҲАДАНМИ, ВОДИЙДАНМИ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОНДАН?

Жамиятимизнинг ривожланишига тўғаноқ бўлаётган кучли иллат маҳаллийчиликдир. Айрим жойларда у қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик билан қўшилган ҳолда том маънода халқимиз оёғидаги кишанга айланмоқда. Бу ҳақда ўзаро суҳбатларда гоҳ ийманиброк, гоҳида очикроқ гапирсак-да, анчагина томир отиб бўлган иллатни илдизи билан қўпориб ташлашга ё журъатимиз, ё савиямиз (балки ҳар иккаласи ҳамдир) етишмайди.

Маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, маънавий даражаси етук бўлмаган, миллат сифатида тўлиқ шаклланмаган халққа хос бўлиб, жамиятдаги ибтидоий муносабатлар сирасига киради. Шу боис Президентимиз И. Каримов халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг 1996 йил декабрь ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида баъзи бир мансабпарастлар ўз қариндошлари ва шерикларини мансабга ўтказиш учун бирлашиб ўзаро кўмак уюштирганликлари ҳақида сўз юритиб, «буларни гуруҳ эмас, қабила деб атасак тўғри бўлади», деган эди.

1997 йилнинг февраль ойида яна бир навбатдан ташқари сессияда, бу сафар Фарғонада, Юртбошимиз бўлажак раҳбар кадрлар захираси рўйхатига «аксарият ҳолларда ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, билимдон, азму шижоатли кишилар ўрнига ҳамтовоклик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик асосида танланган тасодифий одамлар кириб қолмоқда», деб уқтирди.

Президентимиз бу масалага, айниқса «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида кенг ўрин берган. Китобда «Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари» деб аталган махсус боб мавжуд бўлиб, унда бу иллатнинг келиб чиқиши, шу вақтгача сақланиб қолиши сабаблари ва энг асосийси, унинг тараққиётимиз йўлидаги хавфи очиб берилган. Қуйидаги сўзларни дилимизга жо қилиш зарур: «Инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийсининг аҳолиси деб ҳис қилиши лозим. Бу ҳол ҳар биримизга мансуб бўлган «мўъжаз ватан»нинг, одам туғилиб ўсган жой, ўлканинг қадрини ва аҳамиятини, унинг турмуш тарзи ва ўзига хос қадриятларини асло камайтирмайди».

Афсуски, олдийроқ вазифада ишлаётганда маҳаллийчиликда ўта салбий муносабатда бўлган шахс каттароқ мансаб курсисига миниб олиши билан ўз атрофига ўз «қабиласини» тўплайди. Айниқса, муҳим вазифаларга ўзининг юртдошлари, қариндошу ошналарини, божаю куёвларини тайинлайди. Гоҳида турли лавозимларда ўтирганларнинг қасрданлигини билсангиз, ўша ҳудуд раҳбарининг келиб чиқиш жойини шундай ҳам тушунасиз-қоласиз.

Шу кунларда турли лавозимларни эгаллаганларнинг кўпчилиги 60-80 йилларда олий ўқув юртларида ўқишган. Ўша пайтларда талабалар ётоқхоналарига етиб келган иллат – маҳаллийчилик ниш уриб, ҳар хил кўринишларда ҳанузгача намоён бўлаётганлигини тан олмасдан илож йўқ. Бу ҳақда шоир Азим Суюн ўзининг «Ўзбекистон» достонида шундай сатрлар битган:

*Етмишинчи йиллар
Ёдимда ҳамон
Талабалик гаити...
Ўқиш ва уйқош
Бироқ бир одат бор
Эди кўп ёмон –
Тўдалар жанжали:
ХорСАМ, ФАН, СурҚАШ
Арзимас нарсадан чиқариб гавго –
Шўрлик ўзбек халқин «келажаклари»
Бир-бирин бўғизлар
Эди-ку ҳатто.
Ақли пуч гуруҳнинг
Кўр «лашкарлар»и.*

Маҳаллийчилик ҳақида гап кетганда айримлар, «хўш, нима бўпти, барча ривожланган демократик мамлакатларда ҳам юқори лавозимни эгаллаган раҳбар ўз командасини тузади, ўзига яқин бўлган, ўзи яхши билганларни атрофига тўплайди-ку», дейишади. Бу ҳақ гап. Масалан, АҚШда штат губернатори янги сайланганида ўз командасини тузади. Лекин бунда ҳал қилувчи мезон ишга тайинланажак номзоднинг ишчанлиги, ласқати, ўша вазифа қўлидан келиши ё келмаслигидир. Агар мезон бошқа, яъни маҳаллийчилик, қариндошлик, оғайнигарчилик, шахсий садоқат бўлса, губернатор мансабига узоқ тура олмаслигини яхши билади. Чунки бир киши, у

қанчалик доно ва ақлли бўлмасин, фақат қўл остидагиларга, муҳим лавозимларни эгаллаб турганларга суянгандагина кўзланган мақсадига эриша олади. Бўлмаса у навбатдаги сайловларда (агар унгача етиб келса) мағлуб бўлиши турган гап. Ана шуларни яхши англаган ҳолда биринчи раҳбар атрофига ўз яқинларини тўйласа ҳам, энг аввало уларнинг уздабуронлигию савиясини инобатга олади. Бу бир миллат бўлиб шаклланганлик оқибатидир. Ягона миллат вакиллари ўз манфаатини, яқин кишиларининг манфаатини миллат манфаатидан устун қўйишмайди. Уларда Ватан туйғуси мустаҳкам, миллий ифтихор туйғуси қалбларидан чуқур жой олган бўлади.

Бирлашмаган миллат учун, қаердан, қайси уруғдан эканлигини суриштириб, шунга яраша иш кўрадиган халқ учун душманнинг кераги йўқ. У ўзидан ўзи таназулга учраб, йўқ бўлиб боради.

Атрофга назар солайлик. Ўзгаларнинг ижобий тажрибаси каби салбийси ҳам бизга дарс бўлсин. Ижобий тажриба ҳақида юқорида гапирдик. АҚШ мисолида. Энди салбийсини узоқдамас, шундайгина ёнимизда топишимиз мумкин. Афғонистон ташқи душмандан озод бўлгандан сўнг тинч ривожланиш йўлига кириш ўрнига ўзаро урушлар домига тортилди. Урушнинг сабаби этник қарама-қаршилиқдандир. Ёки Тожикистондаги воқеаларни олайлик. Мамлакатни аянчли аҳволга олиб келган асосий сабаблардан бири маҳаллийчилик эди.

Шуниси ачинарлики, бизда маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, мансабпарастлик, тарафқашлик, ҳасадгўйлик каби иллатларга юқори лавозимларда ўтирганлар, бирор бир ҳудуд ёки катта тармоқни бошқараётганлар йўл қўйишмоқда. Бу ҳол кўпчиликнинг кўз олдида юз бериши туфайли миллий тикланиш йўлидаги миллий бирлик ғоясига ўта салбий таъсир етказмоқда.

Агар ватанimiz равнақи йўлида унинг зиёли, маърифатпарвар, мард ўғлонлари юқорида тилга олинган иллатлардан ўзларини фориғ этишмаса, бундай тубанликка чек қўйишмаса, ҳозирги аҳвол узлуксиз давом этиб кетаверади, унинг охири бўлмайди. Кимдир, қачондир иллатга чек қўйиши керак-ку! Бўлмаса бугунги раҳбарнинг ўрнига бошқаси келиб ўзиникиларга «қарашса», эртага яна бошқаси келиб шундай йўл тутса, индин яна...

Мақолада аниқ фактлар келтирилмаган бўлса-да, уни ўқиётиб сиз, азиз ўқувчи, ўз туманингиз ёки вилоятингиз миқёсидаги аҳволни

кўз олдингизга келтириб турганлигингизга ҳеч шубҳа йўқ. Бир қатор вилоятларда бўлиб ўтган «навбатдан ташқари сессия»ларда Юртбошимизнинг масала моҳиятини очиб берганлиги, иллат анча чуқур илдиз отганлигидан далолатдир.

Бизда ханузгача бундай ўта тубан ибтидоий ҳис-туйғуларнинг сақланиб келинаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг қатор сабаблари бор. Уларнинг асосийлари шўролар даврида халқимиз ўзининг миллий, маҳаллий ва диний кадриятларидан жудо этилганлиги, табиий ривожланиш ўрнига «сақраб социализмга ўтишга» мажбур қилинганлиги, халқни оломонлаштириш сиёсати олиб борилганлиги, халқларнинг ўзига хос хусусиятларини йўқотишга интилиб, бу йўлда ҳатто «ягона совет халқи» таркиб топганлигини расман эълон қилинганлигидир. Натижада халқимизда миллатнинг муҳим белгиларидан бўлган онг ва руҳият бирлиги тўла шаклланмади. Ўзбекистон деб аталмиш ягона Ватанни англаш, Ватан билан фахрланиш, миллий бирлик, миллий ифтихор туйғуларининг ҳам айримлар томонидан қандайдир мавҳум тушунчалар сифатида қабул қилиниши, улар кўпчилиكنинг вужудига, қон-қонига сингиб кетмаганлигини юқорида тилга олинган сабаблар билан боғлаш жоиздир.

Албатта, XVII-XIX асрлар давомида юртимизда ягона давлат шаклланмаганлиги, амирлигу хонликлар ўртасидаги низо-жанжаллар, давлат ичидаги тахту тож учун ўзаро курашлар ягона миллат бўлиб шаклланиш жараёнга қатта тўсиқ эди.

Бухоро хонлигида ўзаро курашлар кучайган XVII асрда яшаган ҳам аштархоний ҳукмдорларининг уруғ-аймоғчилик анъаналарини авж олдирганлигини, уруғ бошлиқларининг мансаб ва мартаба учун уруш-жанжалларининг гувоҳи бўлган шоир Турди (Фароғий) куюниб қуйидагиларни ёзган эди:

*Тор кўнгишлик беклар,
ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек
юртидур тенглик қилинг.
Бирни қипчоқу хитою,
бирни юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлуб
бир жон ошлик қилинг...*

Агар ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўл билан танишсак, юқорида тилга олинган иллатлардан улар анча олдин халос бўлганлигини кўрамыз. Англияда XV асрнинг иккинчи ярмида Оқ ва Қизил гуллар урушидан кейин Тюдорларнинг мутлақ монархияси ўрнатилади ва ягона инглиз миллатининг шаклланиш жараёни тезлашади. Францияда эса бу жараён XVI асрнинг иккинчи ярмида 36 йил давом этган фуқаролар урушидан сўнг мамлакатнинг бирлашуви тугалланиши билан жадаллашади. Дастлаб, ўнлаб қабилавий давлатчалардан (масалан, Саксония, Франкония, Бавария, Швабия...) таркиб топган Германиянинг бирлашуви XIX асрнинг 70-йилларигача чўзилган эди. Ана шундай тараққиёт оқибатида инглиз, француз, немисларда миллатнинг барча белгилари, жумладан онг ва руҳият бирлиги тўла шаклланди. Бу мамлакатларнинг ҳеч бирида ишга қабул қилишда, бирор-бир вазифага тайинлашда қаерданлиги, кимнинг фарзанди (жияни, куёви, божаси, таниши) эканлигини инобатга олинмайди.

Айнан миллий онги, сиёсий маданияти, миллий ғурури суст бўлган кишилар маҳаллийчилик, тарафкашлик, мансабпарастликка йўл қўйишади. Аксинча, маънавияти юксак шахс ўзини ўзбек миллати вакили деб ҳисоблайди, ана шу миллат, Ватан равнақи йўлида миллий бирлик, тотувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатликни бутун вужуди билан қўллаб-қувватлайди.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикамизда олиб борилаётган барча маънавий-маърифий ишларимизда миллий бирлик ғояси муҳим ўрин тутмоғи, халқимизнинг миллий онгини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Ватан ва миллат равнақини ўйлаган ҳар бир шахс, у қандай мансаб, қайси вазифада бўлишидан қатъи назар, умумий манфаат йўлида бирлашиши, ўз томирларини теран ҳис қилмоғи, бошқача айтганда, Ватан туйғусини қалбида жо қилиши шарт. Ҳар биримиз комил инсон бўлишимиз сари онгли қадам ташлашимиз зарур бўлиб қолди. Бу шунчалик чиройли сўзлар ёки манзилсиз даъват эмас. Бу мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқувчи муҳим, ҳал қилувчи омиллар.

«Хуррият», 1997 йил 15 октябрь.

ШАХС ЭРКИ – ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ

Одатда бўлиб ўтган бирор-бир воқеа, ўтказилган тадбир ҳақида гапирганда «тарих саҳифаларидан жой олди», деган сўзларни ишлатамиз. Аммо иккинчи чакриқ Олий Мажлис биринчи сессияси ҳақида ундай деълмаймиз. Ҳа, сессиянинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Лекин сессия материаллари тарихга айланиб, архивдан жой олмайди. Улар яқин беш йил мобайнида барча йўналишдаги ҳаракатимиз дастуриламалига айланади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, сессияда тизилмалари шаклланган парламент ва тасдиқланган республика ҳукуматининг фаолияти бу йиллар ичида давлатимиз ва жамиятимизни янада юксалтиришига қаратилади.

Янги парламент ва ҳукуматнинг янги таркиби ўз олдидан турган ана шу улкан вазифаларни, оғир масъулиятни чуқур хис этиб, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни юқори босқичга кўтариш учун нималар қилиш кераклиги хусусида Президент И. Каримов сессиянинг иккинчи йиғилишида батафсил сўз юритди. Жумладан, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан юқори лавозимдаги раҳбарларнинг ўз вазифани ҳалол ва малакали бажаришига, фидойилигига боғлиқлигини ўқтириб, Юртбошимиз уларни қатъиятли бўлишга, масъулиятни зиммага олишга даъват этди. Одамлар раҳбарга унинг қуруқ савлати ва баландпарвоз гагларига эмас, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди, деб таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жамиятимизда, хусусан, парламентда сиёсий партиянинг ўрни ва мавқеига нисбатан билдирган фикрлари диққатга сазовордир. Ушбу фикр-мулоҳазаларни партиялар ҳаётга тадбиқ этиш учун курашсалар, жамиятимизнинг демократик йўлдан ривожланиши анча илдамлашарди.

Оддий сайловчиларни ҳам қизиқтираётган ва ташвишлантираётган саволни Президент очиқ-ойдин ўртага ташлади: Парламентда кураш бўладими ё йўқми? Сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракция раҳбарларига уларнинг чиқишлари бир-биридан фарқ қилиши лозимлигини, ҳар бир партия парламентда кўмита, комиссияларда жой олиши учун кураши кераклигини, партиядо ғоя бўлмаса, у партия

бўлолмаслигини, соғлом муҳолифат бўлмаса, жамиятда чириш бошланишини, шу туфайли ўзаро баҳслашув, тортишув зарурлигини шахсан Президент айтиши, курашга даъват этиши зарурми? Фракция ва блоklar раҳбарларининг чиқишлари аввал бошиданоқ ўзига хослиги билан ажралиб туриши, сайловлар орасидаги ҳаракат дастурини ўз ичига олиши керак эмасми?

Хўш, фракцияларнинг тузилиши, фаолияти, уларга бўлган муносабат кўп йиллик, ҳатто бир неча асрлик парламентаризм тажрибасига эга бўлган давлатларда қандай?

Демократик мамлакатлар тажрибаси парламент ишини ва унда сиёсий партиялар фаолиятини ташкил этишнинг тўртта муҳим жиҳати мавжудлигини кўрсатади. Булар – парламент фракцияларининг ташкил этиш шарт-шароитлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми (жумладан, парламент оппозициясининг мақоми), фракциялар ишининг моддий таъминланиши, сиёсий партиялар ва депутатларнинг ўзаро муносабати.

Парламентда партия фракцияларини тузишнинг ташкилий ва сиёсий жиҳатлари мавжуд. Ташкилий жиҳатдан фракциялар сиёсий партияларга тарқоқ ҳолда – алоҳида депутатлар орқали эмас, бирлашиб, ички интизомга бўйсунувчи гуруҳ бўлиб парламент органларини шакллантиришда ва унинг барча фаолиятида иштирок этишга имкон беради. Сиёсий жиҳатдан олганда фракциялар парламентда ҳар қандай масалани кўриб чиқишда партия интизомини мустаҳкамлашга имконият туғдиради. Бундан ташқари, улар парламентда сиёсий партиялар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилишига, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари бўйича биргаликда қарорлар қабул қилинишига, парламентнинг амалдаги умумдавлат институтига айланишига ёрдам беради. Шу сабабли парламенти кўппартиялик асосида шаклланган мамлакатларда фракцияларни ташкил этишнинг партиявий мезони қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бошқа асосда фракциялар ташкил этилиши кўнгина мамлакатларда тақиқланган. Массалан, Франция Миллий мажлиси хусусий, маҳаллий ёки профессионал манфаатларини ҳимоя қилувчи фракциялар тузишни тақиқлаб қўйган. Чунки депутатларнинг сайланган ҳудуди, касб-кори ё бошқа шунга ўхшаш асосда ташкил этилган фракциялари парламентни тор доирадаги манфаатни кўзловчи гуруҳлар ўртасидаги курашга айлангириши турган гап.

Партия фракциялари парламент ишини ташкил этиш билан боғлиқ имтиёزلардан ташқари айрим ҳолларда алоҳида депутатларда бўлмаган ҳуқуқга ҳам эга. Масалан, Португалияда уларнинг бу ҳуқуқи конституциявий йўл билан мустаҳкамлаб қўйилган. Булар – парламентнинг навбатдан ташқари сессиясини чақириш, парламентнинг тергов комиссиясини ташкил этиш, муҳим масалалар ечими бўйича ҳукуматдан маълумот олиш ҳуқуқидир.

Партия фракциялари парламентдан ташқарида ҳам маълум имтиёزلарга эга. Айрим давлатларда бу ана шундай партияларга сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда намоён бўлмоқда.

Депутат ва партия ўртасидаги муносабатлар ҳам кўпгина мамлакатларда қонун йўли билан белгилар қўйилган. Масалан, агар депутат партиядан чиқса ёки бошқа сиёсий партияга қўшилса, у ўз мандатини йўқотган ҳисобланади.

Биз ушбу соҳада ҳам ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўргансак, фойдадан холи бўлмаслиги аён. Шунда биз ҳам сайловчилар, Юртбошимиз кутаётган парламентга, баҳсу тортишувлар, қонуний курашлар минбарига айланган умумдавлат институтига эга бўлардик.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида, унинг ҳар иккала йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу масала Вазирлар Маҳкамасининг 11 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида ҳам бош мавзуга айланди. Ҳамма соҳаларни эркинлаштириш қанчалик муҳим бўлмасин, биринчи навбатда шахс эркин бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўзимизга ва мамлакат тараққиётига катта зиён етказаятган ички қулликдан озод бўлиш, журъатли бўлиш мавжуд камчиликларни тулатишнинг асоси эканлиги қайта-қайта тақдорланди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг сўнгида вилоят ҳокимларига қилган ўз мурожаатида Юртбошимиз улар учун энг катта масала эркинлаштириш эканлигини уқтирди ва жойларда ушбу масалани ўрганишга, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга даъват этди. «Аввал сиз ўзингиз эркин бўлишингиз лозим», - деди Президент.

«Фидокор», 2000 йил 18 март.

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ

*У ўзи нима учун зарур,
уни кимлар ва қандай ўрнатади?*

Бу кўхна дунё, инсониятнинг мўйсафид тарихи жуда кўп воқеа-ҳодисалар қатори эскилик билан янгилик ўртасидаги доимий курашга гувоҳ бўлиб келган. Ана шу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Президентимиз И. Каримов таъкидлагандек, «эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани қуритадиган кураш билан бирга бормоқда».

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида Юртбошимиз келтирган факт ва рақамлар Ватан равнакига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишини ўйлантириши, фикр юритишга мажбур қилиши турган гап. Лекин қани энди масала фақат шу битта вилоят билан чегараланиб қолсайди. Термизда тилга олинган ўша эски сарқитлар (бунчалик яшовчан бўлмасин улар!) - қариндош-уруғчилик, опшна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, порахўрлик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятидаги салбий ҳолатлар кейинги йилларда бошқа вилоятларда бўлиб ўтаётган «навбатдан ташқари сессия»ларда ҳам қайд қилиб ўтиляётганлигидан хабардормиз. Энг ачинарлиси ҳам шунда.

Деярли ҳар қайси вилоятда ҳокимлик тизими жорий этилгандан кейин ўтган 8 йил ичида икки, ҳатто уч марта биринчи раҳбар алмаштирилди. Сессияларда ўша гаплар, ўша камчилигу нуқсонлар санаб ўтилади, янги раҳбарга умид биштирилади. Барча фуқаро ҳам «энди адолат тарозиси ўрнатилар», деб умид қилади. Лекин аксар ҳолларда бу умид оқланмайпти. Нега? Айб алоҳида шахсдами? Агар гап фақат раҳбар шахсига боғлиқ бўлса, наҳотки бундайларни танлашда доимо адашилаётган бўлса? Ахир, улар олдинги вазифасида дурустгина ишлаб юрган эди, мавжуд қонунлардан яхши хабардор эди. Нима, икки-уч йил биринчи раҳбар бўлиб ишлаб, «ўзидан кетиш» шунчалик осонми? Дарҳақиқат, масаланинг моҳияти нимада?

Ҳокимият қудратини чегаралаш ва уни суиистеъмом этишнинг олдини олиш воситаси сифатида ўзаро чеклашлар ва мувозанат

ғоясини илк бор илгари сурганлардан бири америкалик Жеймс Мэдисон 1787 йилда қуйидагиларни ёзган эди: «Агарда инсонлар фаришта бўлганида, ҳукуматга эҳтиёж қолмасди. Агарда фаришталар ҳокимият юритганида, на ташқи ва на ички назоратга эҳтиёж туғилмасди». Мэдисоннинг ушбу сўзлари замирида, умуман, ўзаро чеклашлар ва мувозанат тушунчасининг асосида инсон табиатини чуқур идрок этиш ётади. Демак, жамиятда назоратнинг мавжудлигига табиий ҳол деб қарамоқ керак.

Президентимиз ҳам Термизда бўлиб ўтган сессияда бор камчилигу нуқсонларни очиқ-ойдин тилга олиб ўтгандан сўнг, улардан қандай қилиб қутулиш устида сўз юритиб, шундай деган эди: « Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоат назоратини ўрната олмас эканмиз, юқорида тилга олинган иллатлар олға юришимизга халақит бераверади.

Жамоат назорати ўзи нима, уни кимлар ва қандай ўрнатади? Бу саволга ҳам Юртбошимиз жавоб беради: «Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча жамоат ташкилотлари, маҳалия оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллар, ҳамма-ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини, катта-кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчиликларини рўй-рост очиб ташлаши керак.

Бу ишда, айниқса, оммавий ахборот воситалари фаоллик кўрсатиши лозим».

Демак, жамоат назорати нима ва уни кимлар ўрнатиши лозим деган саволга жавоб топдик. Хўш, у қандай ўрнатилади, унинг механизми нимадан иборат? Фуқароларимизнинг ссрандишалиги, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига ҳокимият тизилмаси сифатида қаралаётганлиги, уларга қўшилиб, халқ депутатлари ҳам қонуларда белгиланган ўз ваколатлари доирасида амал қилмаётганлиги жамоат назоратини ўрнатишни қийинлаштирмоқда.

Масалан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида ушбу органлар давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги таъкидланган. Лекин кўпчилик раҳбарлар ҳозиргача маҳаллаларга ҳокимият тизимидаги қуйи бўғин

деб қарашмоқда. Ўша Қонуннинг 10-моддаси фуқаролар йиғини «қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади», деб очик-ойдин ёзиб қўйилган.

Ҳақиқий жамоатчилик кучи сифатида юқорида номи тилга олинган ташкилотлар майдонга чиқиши учун мамлакатимизда бошланган бошқарув тизимини аксилмарказлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, шу йўл билан улар ваколатини янада кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Лекин ушбу ташкилотлар ҳам қараб турмасдан ўз ҳақ-хуқуқларини билиб ҳаракат қилишса, ҳозирги шароитда ҳам жамоат назоратини ўрнатиш борасида унча-мунча вазифаларни уйдалай олишлари мумкин.

Ҳокимият бўғинлари фаолиятини назорат қилишда, уларнинг хато-камчиликларини ўз вақтида кўрсатишда сиёсий партиялар муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий ҳаракатлар каби сиёсий партиялар ҳам халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институт сифатида шаклланиши талаб этилади. Мамлакат бўлиб олган тараққиёт йўлидан, стратегик мақсадлардан оғишлар юз берганда, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият идоралари қабул қилаётган қарорлар фармойишлари мавжуд қонунларга зид бўлганда, сиёсий партиялар бу ҳолга кенг жамоатчилик диққатини жалб этиши лозим. Яъни, нуқсонлар, камчиликлар пайдо бўла бошлаши билан уларни бартараф этиш пайида бўлишлари керак.

Давлатимиз раҳбари жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапириб, сиёсий институт сифатида демократик муҳолифат бўлиши лозимлигини уқтириб ўтган эди. Албатта, мавжуд Конституция ва қонунлар доирасида фаолият кўрсатадиган бундай муҳолифат давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши билан ҳукумат ва унинг тизимларига ижобий таъсир ўтказиши турган гап.

Барча тараққий этган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бизда эса ҳали ОАВ жамиятда эгаллаши лозим бўлган мавқега чиқиб олган эмас. Бунинг сабаблари хусусида ҳозир батафсил тўхтаб ўтирмайман. (Бу ҳақда марказий ва маҳаллий газеталарда кўплаб мақолаларим босилган). Фақат айрим масалалар ҳақида сўз

юритмоқчиман. Энг муҳим муаммо, тегишли қонунлар бўлишига қарамасдан, идора ва ташкилотлардан керакли маълумотни олиш мушкуллигидир. Амалдорлар ҳали ҳам матбуот чиқишини ўзларига қарши қаратилган ўткир тиг деб ҳисоблашади. Кўпчилик биринчи раҳбарлар ўз идораларию ўз ҳудудларида шундай тартиб ўрнатилганки, унга биноан бирор бир соҳа мутасаддисининг улар ижозатисиз журналистга ҳеч қандай маълумот беришга ҳаққи йўқ. Демак, бундайлар ёпиғлик қозон ёпиклигича қолишига манфаатдор. Бу борада биз, журналистлардан, қатъиятлироқ бўлиш, ташаббускорлик талаб этилади.

Масаланинг бошқа томони матбуотнинг танқидий чиқишини ўта салбий қабул қилиш ёки умуман менсимаслик, эътиборсиз қолдиришдир. Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Фақат битта характерли мисол билан чекланмоқчиман. 1998 йилнинг 30 январида «Самарқанд» газетасида Шаҳар ариғининг аянчли аҳволи ҳақида таҳлилий мақола чоп этган эдик. Мақолада муаммони счиш хусусида қатор таклифлар ўртага ташланиб, бирор-бир фалокат юз беришини кутмасдан уларни бажариш мақсадга мувофиқлиги уқтирилган эди. Газетанинг бу чиқиши шундан кейин бўлиб ўтган шаҳар фаоллар йиғилишида маъқулланган эди. Лекин, афсуски, деярли ҳеч нарса ўзгармади. Фақат «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган мақола орқали туман ё шаҳар доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган масала бутун республикага маълум қилинди. Ҳозир эса Озод, Андижон, Самибоев кўчаларининг Шаҳар ариғига тугаш қисмида яшовчи аҳоли ҳар кунлик хавф билан кун кечирмоқда. Атрофдаги хонадонларни, 52-мактаб, болалар боғчасини сув босгандан кейин тегишли чоратадбир кўриладими? Нега биз олдин ўзимизга сунъий равишда қийинчиликлар яратамизу кейин уларни «қаҳрамонларча» енгишга ҳаракат қиламиз. Касофат юз бергандан кейин эса қанча одам жазоланади...

Оммавий ахборот воситаларининг дадил чиқишларини таъминлаш, янграган ҳолис ва амалий танқидни «ҳазм» қила билиш нуқсонларнинг газак олиб кетиши олдини олади, энг асосийси, биринчи раҳбар ва унинг командасини «навбатдан ташқари сессия»дан сақлаб қолади.

ОАВ ҳақидаги мулоҳазаларим якунида АҚШ Мустақиллик Декларацияси муаллифи Томас Жефферсоннинг қуйидаги сўзларини келтирмоқчи эдим: «Мабодо, биз газеталарсиз ҳукуматга ёки ҳукуматсиз газеталарга эга бўлишимиз кераклигини ҳал этиш менга қолганда, мен бир зум ҳам иккиланмай охиригини танлаган бўлардим».

Шундай қилиб, бизда жамоат назоратининг ўрнатишнинг шарт-шароитлари мавжуд. Фақат айрим ташкилотлар ўз фаолиятининг бу йўналишини кучайтириши, биргаликда ўзлари таяниши лозим бўлган куч – аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам амалий иш олиб борилиши зарур.

... Аслини олганда, ҳар биримиз, қайси лавозимда бўлишимиздан қатъи назар, қонунга бўйсиниб яшаганимизда, ҳамма ишда тартиб-қоидага амал қилганимизда, ижро интизомини қон-қонимизга сингдирганимизда, ҳаммаси рисоладагидай бўларди, ортиқча гапга ҳожат қолмасди.

«Самарқанд», 2000 йил 1 апрель.

ЭЪТИҚОД БУТУНЛИГИ

Ўт ақидалар, ҳар хил экстремистик гуруҳлар таъсиридан сақланиш гарови

Тошкентда содир этилган мудҳиш февраль воқеаларига ҳам яқинда бир йил бўлади. Юрагимиздаги тинчлик ва осойишталикка, умумхалқ овози билан сайланган Президентимизга, мавжуд давлат тузимимизга қарши қаратилган ўша кўпоровчилик ҳаракатини кўпчилигимиз кутилмаган бир ҳодиса сифатида қабул қилган эдик. Аксарият дастлаб «йўғ-с, бизда бунақа ишларнинг бўлиши мумкин эмас», деб содир этилган воқеаларнинг моҳиятинию сабабини англамаган эди.

Портлашдан кейин кўп вақт ўтмасдан Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган йиғилишида мудҳиш воқеаларга муносабат билдириб, Юртбошимиз ана шу нохуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканлигини таъкидлади. Ўшанда давлатимиз раҳбари оғохликка даъват этиб, ҳар қандай кўпоровчиликка барҳам беришга ва уларнинг олдини олишга қаратилган қатор вазифалар белгиланган эди. Ана шу вазифалар Самарқанд вилоятида қандай бажарилмоқда?

Яқинда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида тилга олинган факт ва рақамлар кишини ўйлантиришга мажбур қилади, ёшларимизни ақидапарастлар, турли диний-экстремистик гуруҳлар таъсирига кириб кетмасли учун нималар қилиш лозимлигини чуқур ўрганиб чиқишга ва аниқ самара берадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ундайди. Мана ўша рақамлар. Вилоятда «Хизбут таҳрир» диний-экстремистик оқими аъзолари 700дан ортиқ бўлиб, Ургут туманида 499, Самарқанд шаҳрида 54, Самарқанд туманида 34, Пастдарғом туманида 29 нафари аниқланган. Улар бошқа туманларда ҳам бор. Улар 188 жойда таълим ва тарбия олганлар. Гуруҳ аъзоларининг уйларида катта миқдорда бузғунчилик ғоялари синдирилган китоблар, тузимимизга қарши қаратилган варақалар, аудио ва видеокассеталар топилган.

Хўш, нега ёшларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган муқаддас динимиздан бошқа йўлга, ақидапарастликка кириб кетишди?

Нега хориждан келган ташвиқотчилару ёлловчилар таъсирига берилди? Бунга фақат таклиф этилаётган пул, моддий манфаатдорлик сабабми? Йўқ, бунинг бош сабаби кўпчилик ёшларимизнинг эътиқодисизлигида. Таълим-тарбия бўшаштириб юборилганлиги, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги пастлиги, исломий кадриятлардан узоклашиб, ўн йилликлар давомида даҳрийликнинг тарғибот қилиниши оқибатида аҳоли эътиқоди сусайди. Муқаддас динимиз ҳақида, унинг асослари тўғрисида на мактабда, на оилада бирор-бир аниқ гап эшитмаган ёш йигитни ҳар қандай йўлга бошлаш, айнан шу исломдаги энг тўғри йўл деб ишонтириш жуда осон эмасми? Агар ўша йигитнинг кучли эътиқоди бўлса, тўғри йўлдан хабардор бўлса, уни пул эвазига ҳам, куч ишлатиш воситасида ҳам ақидапарастлик домига тортиш мумкин бўлмасди. У ҳеч вақт ўз Ватанига, ота-онасига қарши бормасди.

Ҳозирги вақтда олдимизда янги мафкура, янги ғояни аҳолимиз онгига сингдириш, барчада, айниқса, ёшларда мустаҳкам эътиқодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа турибди. Маънавий-маърифий, мафкуравий ва маданий ишлар борасида мавсумбозлик баҳридан ўтиш керак. Ҳар бир раҳбарга фақат иқтисодий кўрсаткичлар учун эмас, ана шу соҳаларда ҳам қандай фаолият кўрсатаётганлигига қараб, у бошқараётган жойдаги муҳитга қараб баҳо бермоқ лозим. Маънавий-маърифий ишларнинг узлуксиз тизимини яратиш хусусида қайғурмоқ зарур. Президент И. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлагандек, «ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт».

Ўтган йили август ойида маънавият ва маърифат кенгашлари тузилган эди. Вилоят, туман ва шаҳар миқёсида уларга биринчи раҳбарлар бошлиқ этиб сайланган эди. Мана, олти ой ўтибдики, улар ўзларини кўрсата олишган эмас. Нима бўлганда ҳам, маънавият, маърифат, мафкура соҳасида, демакки, комил инсонни тарбиялаш борасида аниқ натижаларга эришмасак, бошқа бирор соҳада сезиларли ютуқни қўлга киритишимиз муаммо бўлиб қолаверади.

Ана шу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар эса беҳисоб. Улар қаторига етарли миқдорда ва нисбатан арзонроқ нархларда китобу рисолалар нашр этиш, газеталарнинг, радио эшиттиришларию телекўрсатувларнинг кўпроқ хонадонларга кириб боришига эришиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш ва бу ишларга обрўли, чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга инсонларни жалб этиш каби ишлар киради. Шунингдек, халқимизга ҳозирда мавжуд иқтисодий қийинчиликларнинг асл сабабини тушунтириш, сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, иқтисодий қарам бўлиб қолган давлатлар мисолида истиқлолнинг машаққатли йўллари ҳақида очик ва ҳақ гапни айтиш зарур. Ишнинг яна бир муҳим жиҳати турли даражадаги амалдорлар фаолиятининг мутаносиб бўлишига боғлиқ. Яъни ҳар бир раҳбар ходимнинг сўзи ва иши бир хил бўлишига эришмоқ даркор. Акс ҳолда жамиятда иккиюзламачилик, ўзибўларчилик, сохтакорлик илдиз отиб кетаверади, беғамлик, лоқайдлик кайфияти ҳукмрон бўлади ва бу иллатлардан қутулиш оғир кечади.

Агар аниқ амалий ишлар билан маънавиятимизни юксалтириб борсак, ҳеч қандай ёт ақида вакиллари, бузғунчию ғаламислар ёшларимизни йўлдан оздиrolмайди.

«Фидокор», 2000 йил 15 февраль.

РАҲБАР КИМ ОЛДИДА МАСЪУЛ?

Ушбу саволга тўғри ва аниқ жавоб топган амалдоргина ўз вазифасини тўлақонли бажара олади

Барча даврларда, ҳар қандай тузумда, буни хоҳлаймизми йўқми, объектив равишда кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилган ва шундай бўлиб қолаверади.

Ҳозирги кунга келиб раҳбарликнинг барча бўғинларида кадрлар муаммосига рўбарў келинганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айрим лавозимларга ўнлаб, ҳатто юзлаб номзодлар ичидан муносибини топиш қийинчилик билан кечаётганлигини ҳар замонда эшитиб турибмиз. Мисол тариқасида телевидение сабаб кўпчилигимиз кўз олдимизда содир бўлаётган вилоят ҳокимларининг тез-тез алмаштирилаётганлиги масаласини олиб кўрайлик. Вилоят ҳокими ким, деган саволга биз бемалол «навбатдан ташқари сессиялар орасидаги ҳукмдор», деб жавоб беришимиз мумкин. Афсуски, бундай сессиялар жуда тез – ҳар 2-3 йилда бўлиб турибди. Қуни кеча халқ депутатлари Қашқақадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам ташкилий масала кўрилди. Бундан олдинги сессия икки йил аввал, ундан ҳам олдингиси икки ярим йил аввал бўлиб ўтган эди. Демак, 4,5 йил ичида буниси учинчи сессия. Бизнинг шароитимизда вилоят биринчи раҳбари қанчалик катта ваколатга эга эканлигини инобатга олсак, уларнинг тез-тез алмашиб туришининг салбий оқибатлари ўз-ўзидан равшан бўлади. Чунки янги ҳоким ўз командасини тузади, одатда бўлим ва бошқарма раҳбарларини, йирик корхонаю ташкилотлар раҳбарларини, туман ва шаҳар ҳокимларини алмаштиради. Ҳар 2-3 йилда бундай ўзгариш бўлиб турган вилоятда мунгазам ривожланишни, собитқадамлик билан олдинга қараб боришни кутиш мумкинми?

Ўзи яхши раҳбар, бошқарув сирларини пухта ўрганган, замонавий раҳбар қандай ва қасрда тайёрланади? Бу саволга жавоб анча мушкуллик тундиради. Хабарингиз бор, авваллари ўта сиёсийлашган ёшлар ташкилоти бўларди. Яхши ўқимаса ҳам фаол жамоатчи сифатида ўзини кўрсатган, катталарнинг берган топшириқларини бажариб борган, ушбабурон, русчада тили бийрон йигит-қизлар секин-аста, поғонама-поғона кўтарилиб борарди. Каттароқ лавозимга чиқиб олиб, у ердан урилганда ҳам бундайлар учун настрокда раҳбарлик курсиси топиларди.

Чет элда эса турли даражадаги раҳбарлар тайёрлашнинг ўзига хос тизими шаклланган. Аксар ҳолларда сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, бошқарув тизими бўйича олий маълумотга эга бўлиб, ўз амалий фаолияти билан кўпнинг назарига тушган, сайлов кампаниялари чиғириғидан ўтганлар сиёсат соҳасида фаолият кўрсатишади, яъни губернатор, бургомистр, мэр ва бошқа вазифаларда ишлашади. Йирик тармоқларни эса махсус билимга эга, алоҳида тайёргарликдан ўтганлар бошқарадилар.

Масалан, Исроил университетларида «Бошқарув ва иш юритиш», «Саноатни бошқариш», «Тиббиёт муассасаларини бошқариш», «Фирма ва корхоналарини бошқариш», «Бошқарув ва назорат тизимлари назарияси» каби ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрланади. Бизда эса яхши ўқитувчи олдин мактаб директори, кейин маориф тизимига раҳбар этиб тайинланади. Худди шундай малакали врач поликлиника ё касалхона раҳбари, соғлиқни сақлаш бўлими ё бошқармаси бошлиғи бўлиб, вазирликда масъул лавозимларда (вазир вазифасида ҳам) ишлаши одат тусига айланган. Лекин доим ҳам яхши врач ёки ўқитувчи яхши бошлиқ бўлолмайди. Аксинча, кўплари хўжалик ишлари билан ўраллашиб, ўз касбий малакаларини йўқотиб боради. Бу ҳолда жамият малакали мутахассисдан ажраладию, лекин қутилган раҳбарга эга бўлмайди. Албатта, бу қоидадан истисно ҳолатлари ҳам бор. Лекин бу умумий манзарага унчалик катта таъсир қилмайди.

Афсуски, ҳали бизда бошқаришни жуда жўн тушунадиганлар, раҳбарликка фақат курси ва мансаб сифатида баҳо берадиганлар кўпчилиқни ташкил этади. Бундайларнинг тасаввурича, ишни одам эмас, мансабнинг ўзи олиб боради, лавозим бўлса бас. Ана шундай психология, эскича қарашлардан озод бўлиш қийин кечмоқда.

Шўро замонида суяклари қотган раҳматли дадамнинг гапларини эслайман. «Чўпни ҳам курсига ўтқазиб, галстук тақсангу костюм кийгизиб қўйсанг, ишни уддалаб кетавери», дердилар киноя билан. Ўша даврда бирор бир лавозим деб «дипломатлар» қўлма-қўл ўтишини, уларнинг қалинлиги мансабнинг катталигию мойилигига мутаъосиб равишда тенг эканлиги ҳақида бот-бот эшитиб турардик.

Энди билсак, бошқарувнинг ўзи катта бир илм экан. Келинг, бу ҳақда ушбу фан тилида икки оғиз сўз юритайлик.

Жамиятни илмий бошқариш одамларнинг субъектив фаолиятини ижтимоий тараққиётнинг объектив эҳтиёжлари билан мослаштириш

жарасини ўз ичига олади. Бундай бирлик стихияли тарзда, ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бошқарув органлари доимий равишда ўзларининг сарфлаган кучлари ва қўлга киритган натижаларини таққослаб ва баҳолаб боргандагина кўзланган натижага эришишади.

Бошқаришнинг функциялари куйидагилардан иборат: қарор ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш, режалаштириш, уюштириш, тартибга солиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш. Булар ҳаммаси биргаликда бир бутун бошқариш мажмуини ташкил этади.

Демак, бошқаришнинг замонавий тамойилларидан хабардор бўлган янги тишдаги раҳбарларни тайёрлаш анча куч, маблағ ва вақт талаб этаркан.

Шунингдек, сиёсий арбобларни шакллантиришда нодавлат ташкилотлари, турли ихтиёрий бирлашмалар, уюшмалар, партияларнинг мавқеи каттадир. Айниқса, сиёсий партияларда турли лавозимларда ишлаб, доимий равишда топшириқларни бажариб турган, курашларда тобланганлар бошқарувнинг амалий мактабини ўташади. Давлат ва ҳукуматдаги энг юқори лавозимларга ҳам у ёки бу партия вакилининг ўтиши бежиз эмас.

Баъзи давлатларда партияларнинг кадрларни тайёрлаш борасидаги вазифаси қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Германиянинг сиёсий партиялар ҳақидаги қонунининг 2-моддасида партиялар жамият иши учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир фуқароларни тарбиялайди, деган сўзлар битилган бўлса, Мексиканинг шундай қонуннинг 20-моддасида партиянинг фуқароларни социал фаоллигини ва демократик иштирокини таъминлаши кўзда тутилган.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фақат кадрларни «обитоби»га етказиш мактаби бўлмасдан, шу билан бирга масъул лавозимларда, айниқса, давлат тузилмаларида ишлаётган раҳбарлар фаолияти устидан назорат ўрнатиш воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Назорат бор жойда, фаолияти аҳоли кўз ўнгида кечаётган раҳбар албатта орқа-олдига қараб иш тутайди, кеккайиш, ғўдайиш дардига мубтало бўлишдан ўзини сақлайди. Бундайларга «доимо димождор юриш ўртаҳошликнинг ниқоби, холос» деган Ф. Вольтернинг сўзларини эслатиб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Асли ўзи пастдан назоратнинг йўқлиги амалдорларни ғафлатга қўймоқда. Улар фақат ўзидан юқори лавозимда бўлганлардан хайиқади,

«тепа»га қараб иш тугади. Тўғри-да, вазифага тайинланишидан бошлаб курсида қанча ўтириши, тақдири фақат ўзидан баландрок мансаб соҳибига боғлиқ бўлганда, нима ҳам қилсин? Сайландими, тайинландими – барибир, «паст»дагилар ҳеч нарса қилолмайди, уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Афсуски, бундай қарашлар нафақат амалдорлар, балки кўпчилик фуқароларнинг онгига қаттиқ ўрнашиб қолган. Шу боис бўлса керак, ким нима сабабдан ишдан четлаштирилди, қайси мезонлар асосида янги раҳбар тайинланди, алоҳида бир тармоқни ўрта-миёна бошқариб келаётган одам қатта туманда ёки шаҳарда ҳокимлик қила оладими, қаби саволлардан жамоатчилик беҳабар қолмоқда. Кейинги пайтларда ишдан четлаштирилган айрим раҳбарларнинг ўзлари ҳам бу ҳолнинг сабабини билолмасдан овора бўлиб юришибди. Жамоат назорати ўрнарилганда, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги юқори бўлганда бунга йўл қўйилмасди. Ошкоралик таъминланган бўларди. Орқаваротдан эмас, очиқ-ойдин, жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали ким кимнинг жиънию, кимнинг поччаси эканлиги айтиларди. Ёки, аксинча, нима учун, қайси сабабларга кўра тайинланган раҳбар айнан шу лавозимга лойиқ деб топилганлиги маълум қилинарди. Демак, бу даражага эришиш аҳолининг сиёсий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни талаб этади. Шундай бўлганда раҳбар ким олдида масъул эканлигини аниқ тасаввур этиб ишлайди.

Кадрлар муаммоси билан боғлиқ ушбу мақоламини XV асрда Самарқандда туғилган Хўжа Аҳрори Валининг энг яқин муридларидан бири ва Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг муриди ва устози Мавлоно Муҳаммад Қозининг «Ҳукмдорга ўғитлар» рисоласидан олинган қуйидаги сўзлар билан яқунламоқчиман: «Даврон подшоҳлари ва ҳокимларининг аксари фоний дунёнинг бевафо давлатига мағрур бўлиб, ҳавоий нафслари учун ўз динини вайрон қиладилар ва беномусликлари туфайли иймонни шамолга учирадилар. Бундан Худо сакласин. Бугун ишон-ихтиёр сенинг қўлингда экан, шунга саъй-ҳаракат этгинки, токим дунёвий давлатта махлиё бўлиб, охират учун эзгулик урунини экишдан ғофил бўлмагин. Ҳақ йўлидан юриш савобини ва адолат учун хизмат қилишни ғанимат деб билгин».

«Фидокор», 2000 йил 7 октябрь

БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР

Жамиятимиз барча соҳасини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқароли жамиятига ўтиш тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш қатор таркибий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Бу йўлда бошқарув тизимини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш борасидаги ишларнинг муҳимлигини қайд этиш лозим. Парламент ислоҳатидан бошлаб маҳаллий ҳокимият тизимини ўзгартиришгача бўлган вазифаларни ўзига қамраган ишлар барча бошқа соҳаларга ижобий таъсир ўтказиши турган гап. Ушбу мақолада бу катта муаммонинг фақат бир йўналиши – маҳаллий ҳокимият тизимини ислоҳ қилишнинг айрим томонлари устида сўз юритмоқчимиз.

Гап фақат раҳбарнинг шахсиятидами?

Республикаимиз Президенти И.Каримов халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида (1998 йил, ноябрь) сўзлаган нутқида «минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати қанча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди, очкўзлик гирдобига, таъмаги рлик комига тушади», деган эди. Ўз фикрини давом эттириб давлатимиз раҳбари бирор бир лавозимга ё вазифага тасдиқлашдан олдин шахснинг фаолияти ўрганганда – дупна-дуруст одам, етарли билимга эга, ҳаракатчан бўлиб чиқади, ҳатто эртага масжидга имомликни тавсия қилса ҳам бўлади, дея қуйидаги хулосани билдирган эди: «Лавозимга ўтиргандан кейин эса кўпи билан бир-икки йил ишлайди, сўнг мутлақо ўзгариб кетади». Дарҳақиқат, шундай. Ҳар 2-3 йил ичида ҳокимларнинг алмашаётганлиги бунинг яққол исботидир. Нега шу ҳол такрорланмоқда, деган савол атрофида мулоҳаза юритиб, айримлар бу ҳолни ўша амалдорларнинг фақат шахсияти билан боғлашади. Яъни шахсий кусурлар, характеридаги камчиликлар катта амалдорга адолат юзасидан иш кўришга йўл бермайди, курси уни бузади, деган фикрни олға суришади улар. Тўғри, одамнинг шахсиятига кўп нарса боғлиқ. Лекин нега қатор лавозимларда ишлаб, ўзини ижобий томондан кўрсата олган одам ҳоким бўлгандан кейин кўп ўтмай

муғлақо ўзгаради? Бунга аввало анча чуқур илдизга эга бўлган ижтимоий сабабларни кўрсатиш ўринлидир.

Биринчи навбатда бу – ҳокимлар қўлида катта ваколатлар тўлланганлиги ва улар фаолияти назоратдан четда қолганлигининг оқибатидир. Айни пайтда вилоят ҳокими куйидаги тўрта ваколатга эга: марказий давлат ҳокимиятининг вилоятдаги вакили, ижроия ҳокимиятининг бошлиғи, халқ депутатлари Кенгашининг раиси, вилоятда иқтисодий фаолиятнинг раҳбари. Натижада биринчи раҳбарнинг барча соҳани бир хилда самарали бошқариш имкони бўлмайди. Бошқа томондан эса, ҳақиқий назорат бўлмаганлиги сабабли кейинги йилларда кўпгина вилоятларда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларда (баъзи вилоятларда 5-6 йил ичида икки-уч марта) тилга олиб ўтилган салбий ҳолатларга йўл қўйилади.

Барча бўғиндаги ҳокимлар фаолияти самарадорлигини белгилайдиган асосий омил иқтисодий кўрсаткичлар бўлганлиги боис улар бор кучлари билан ишлаб чиқариш соҳаларида режани бажаришга интилишади. Туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг маҳаллий ҳокимият ваколоти доирасига кирган ва бевосита ҳар бир фуқаро турмуши билан боғлиқ ҳаётини муҳим масалаларни бажаришга етарли вақти қолмайди. Бу соҳалар – уй-жой қурилиши, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, коммунал хизмат, сув ва иссиқлик таъминоти, йўллар қуриш ва уларни таъмирлаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

Яна шуниси борки, санаб ўтилган ушбу соҳаларнинг кўпчилигини бошқариш вазифаси марказдан вилоятларга берилди. Бу, ўз навбатида, янги вазифаларни юқори савияда бажаришга лойиқ давлат хизматчиларини тайёрлашни, етарли миқдорда маблағ ва техника воситалари билан таъминлашни талаб этади. Буларнинг ҳаммасини самарали бошқариш биринчи раҳбардан катта куч, омиқдорлик ва вақтни талаб қилади.

Шаҳар ва қишлоқларимиздаги кўпгина кўчаларнинг, йўлларнинг ночор аҳволи, ёзда сув, қишда иссиқлик етишмаётганлиги, айрим шаҳарларда жамоат транспорти ва ободончилик ишлари эътибордан четда қолиб кетганлиги биринчи раҳбарнинг бундай «майда-чуйда» ишлар билан шуғулланишга вақти етишмаётганлиги билан ҳам боғлиқ эмасми? Масалан, бу йилги қиш (2000-2001 йил мавсуми — **Нашириёт**)

Самарқанд вилоятида деярли тайёргарликсиз кутиб олинганлиги боис газ босимининг ўта пастлиги туфайли аҳолининг катта қисми азият чекди, бир неча кун мактаблар, болалар боғчалари ишламади, ҳатто туғруқхона ёпиб қуйилди. Аҳволнинг бундай бўлишига вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳамма айб газ идоралари раҳбарлари бўйнига юклатилди. Лекин улардан талаб қиладиганлар шунга олдинроқ қўл уришса бўлмасмиди? Ахир, ёз ўтиб, куздан кейин қиш келиши ҳаммага аён-ку!

Бундан ташқари, жойларда муаммолари ҳал бўлмаган фуқаролар марказий идораларга, оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилиш ҳоллари камми? Буни ҳам маҳаллий раҳбарларнинг фуқаролар олдида масъулият сезмаётганлиги ёки эътиборсизлиги ёки керакли ваколатга, молиявий имкониятга эга эмаслиги оқибати, деб баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият ташаббусни қўлга олиб ижтимоий масалаларга эътибор қаратганда, бу ижобий натижалар билан яқунланаётганлиги ҳақида қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, кейинги ойлarda Самарқанд шаҳрида жамоат транспортининг қайта тикланиши, кўчалар ахлатлардан тозалана бошланганлиги, Самарқанд туманида ҳар ҳафтада бир кун ҳокимлик ва туманнинг мутасадди раҳбарларининг қишлоқ ва маҳаллаларга чиқиб, фуқароларни барча масалалар бўйича қабул қилишлари натижасида юқори ташкилотларга шикоятларнинг камайгани ва масала жойида ҳал этилаётганлиги ёки Андижон, Марғилон каби шаҳарларнинг гулу гулзорга айлангани ана шундай мисоллардандир.

Ҳокимнинг бир йўла ижроия ҳокимият раҳбари ва халқ депутатлари Кенгаши раиси вазифаларини бажариши каби биздаги тажриба чет элда ҳам мавжуд. (Яқин вақтгача Францияда префект ана шундай икки вазифани бажарарди). Лекин бунда сезиларли фарқ борлигини таъкидлаш жоиз. Биринчидан, улардаги раҳбарни марказий ҳукумат эмас, маҳаллий Кенгаш тайинлайди. Иккинчидан, таклиф ва тавсиялар Кенгашга ёки халқ вакиллари кўмитасидан (уларни кўмита мутахассислардан олади) ёки мэр маҳкамасидан (агар мэр тўғридан-тўғри сайловлар орқали сайланган бўлса) келиб тушади. Учинчидан, бу раҳбарнинг асосий вақти ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида бажарадиган вазифаларга сарфланади.

Ўзаро чеклашлар ва мувозанат ўрнатиш – зарурат

Ҳокимларнинг бир йўла ижроия ҳокимият ва вакиллик органи раҳбари ҳамда марказий ҳукумат вакили вазифасини бажариши ҳокимиятнинг уч бўғинининг бир-биридан ажралиши тамойилига тўғри келмайди.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси саволларига берган жавобда жамиятда адолат тамойили бузилаётганлигининг сабаби ҳақида фикр юритиб, бу кўп ҳолларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни сууистеъмол қилишга интилиши, чунки мансабдорнинг бундай қилиши учун кутқу соладиган омиллар кўпчилигини уқтирган ва қуйидагиларни таъкидлаган эди: «ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган». Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган воситалардан бири эса, Юртбошимизнинг фикрича, «бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул – ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишhini амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. У уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим».

Айни пайтда бизда амалда бўлган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун 1993 йилнинг 3 сентябрида қабул қилинган эди. Ўтиш даври шароитида кучли марказлашган давлат барпо этиш жойлардаги маҳаллий ҳокимият тизимини мустаҳкамлашни, марказда қабул қилинадиган қарору фармонларнинг жойларда ижросини зудлик билан таъминлашни тақозо этган эди. Эндиликда парламентнинг ислох қилиниши муносабати билан маҳаллий ҳокимият тизимида ҳам ўзгаришлар киритиш ва бунда ҳокимиятнинг уч бўғинининг бир-биридан ажратиш тамойилини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан ўзаро чеклашлар ва мувозанат ўрнатиш орқали бошқарув жиловни бирор-бир тармоқ қўлида ҳаддан зиёд мужассамлашувининг

олди олинади. Ушбу йўналишдаги ислохотларни бошқа сиёсий институтлар - партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш натижасида жамиятда манфаатлар мувозанатини шакллантиришга эришиш мумкин.

Давлат бошқарув тизимини такомиллаштиришда ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Чет элнинг тажрибасидан келиб чиқадиган энг муҳим хулосалардан бири шуки, бундай ислохотни қисқа муддатда ва фақат юқоридан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бу ниҳоятда катта муддат талаб қиладиган ва кенг халқ оммаси билан муҳокамага лойиқ жиҳдий вазифадир. Масалан, Буюк Британияда ҳукумат ваколатларининг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларига узагиш бўйича ўтказилган ислохот 1966 йилдан 1974 йилгача, яъни 8 йил давом этган ва кенг муҳокама қилинган. Францияда ҳам ўта марказлашган ҳукумат XX асрнинг 80-йиллари давомида қайта таркибий ўзгаришларни амалга оширди.

Бизда ҳам бундай ўзгаришлар маълум муддатни талаб этади. Мазкур жараёнга фуқароларнинг иштирокини таъминлаш учун дастлаб бу ишга уларнинг дахлдорлиги ва манфаатдорлиги нимада эканлигини англаб етишига, демократия пастдан — оиладан, маҳалладан, тумандан бошланади, деган ақидани чуқур ўзлаштиришига эришмоқ даркор. Фақат шу орқалигина аҳолининг кенг қатламлари масала муҳокамасига фаол қатнашишларини таъминлаш мумкин. Гап шундаки, демократияни фақат қонун йўли билан таъминлаш мушкул. Аҳолининг ўзи уни хоҳлаши ва унга интилиши лозим.

Хар қандай улуғ иш биринчи қадамдан бошланишидан хабардормиз. Бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳам ишчи гуруҳлари тузиш, улар томонидан муқобил лойиҳалар ишлаб чиқишдан бошланиб, лойиҳаларни кенг муҳокама этиб, қабул қилингандан сўнг тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бу борада айрим мулоҳазаларимни билдирмоқни лозим топдим.

Ўзини ўзи бошқариш фақат маҳалла эмас

Ўтган йили «Аксилмарказлаштириш–маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларнинг негизи» мавзусига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этган эдим. Шунда Швейцария ва Германиядан келган мутахассисларнинг фикрлари диққатимни тортган эди. Ўзини ўзи бошқариш деганда улар бизга ўхшаб фақат маҳалла даражасидаги бошқарувни эмас, балки туман, шаҳар ва вилоят миқёсидаги маҳаллий бошқарувни тушунишар экан. Ўша мутахассисларнинг фикрича, маҳаллий бошқарув давлат бошқаруви эмас, муниципалитет ёки вилоят даражасида ўзини ўзи бошқарув бўлмоғи керак. Давлат ули фақат молиявий томондан таъминлаб туради.

Маҳаллий ҳокимият органиари давлат олдида эмас, фуқаролар олдида, маҳалла, туман шаҳар, вилоят Кенгашилари олдида жавобгар бўлишлари зарур. Улар ҳар бир шахс ҳақида қайғуришлари керак: болалар боғчаси, мактаб, тиббий муассасалар, савдо нуқталари борлиги ва қандай фаолият кўрсатаётганлигидан доимо хабардор бўлиб туришсин. Яна шуниси диққатга сазоворки, Германияда жойларда йиғилган солиқларнинг 30 фоизи, Швейцарияда 60 фоизи ўша жойнинг ўзига қолдирилар экан.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқори даражадаги маҳаллий ва ҳуқуқий ўзини ўзи бошқарув тизимига эга давлатлар бошқарув ҳокимияти ўта марказлашган давлатларга нисбатан тезроқ ва яхшироқ ривожланади.

Европа мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлиги демократиянинг ривожланиши сифатида баҳоланмоқда. Чунки аслида демократия пастдан юқорига тараққий этиб боради. Тарихан демократиянинг ўзи ҳам шаҳарларда эъ бошланган ва кейин умуммиллий даражага етган. Шунинг учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар қандай демократик тузумнинг асоси ҳисобланади. Айнан ана шу сабабли энг нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи фуқароларнинг маҳаллий бошқарув органларига фаол иштирокини кўллаб-қувватлашмоқда. Жамият аъзоларининг шахсий ёки умумий иштирокисиз қабул қилинаётган қарорлар нодемократик эканлиги уқтиришмоқда.

Ушбу масаланинг қанчалик муҳимлигига 1985 йилда Европа Иттифоқи томонидан «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида Европа хартияси» қабул қилинганлиги ва ўтган йили БМТнинг «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бутунжаҳон хартияси» ишлаб чиқилганлиги ҳам гувоҳлик беради. Бутунжаҳон хартиясида ҳатто маҳаллий демократия жамиятда шаффофлик, яъни бўлаётган барча ҳаракатлар, воқеа ва ҳодисалардан фуқароларнинг хабардорлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш воситаси эканлиги уқтирилди. Бунда назоратнинг яқиндан туриб амалга оширилиши ва фуқаролар томонидан мунтазам текшириб туриш жараёни самарали натижа бериши назарда тутилган.

Бундан 200 йилдан сал олдин АҚШда айтилган куйидаги сўзларга эътибор қаратинг: «Озодик бўлмаса–бахт-саодат йўқ, Конституцияга риоя қилинмаса–ўзини ўзи бошқариш йўқ, ахлоқ-одоб бўлмаса–Конституцияга риоя қилинмайди ва мустаҳкам барқарорлик ҳамда итоаткорлик бўлмаса мазкур улкан афзалликларнинг бирортаси ҳам юзага чиқмайди».

Келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, ўзини ўзи бошқариш тизимини кучайтириш учун биз ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибасини ўрганиш имконига эгамиз. Албатта, бу тажрибани ўзимизнинг шароитимизга мос келадиган томонларинигина жорий эта оламиз.

Биздаги мавжуд бошқарув тизимини такомиллаштириш жараёнида вилоят, туман, шаҳар даражасида сиёсий раҳбарлик ҳокимдан тўласинча сайлаб қўйиладиган вакилларга берилиши мақсадга мувофиқ. Халқ депутатлари Кенгашлари ўз ваколатидан тўла фойдаланишига эришмоқ даркор. Кенгаш ўз раисини ўзи сайлаш ҳуқуқига эга бўлиши ҳоким ижриоя ҳокимиятнинг раҳбари сифатида асосий эътиборини аҳолига яқин бўлган кундалик ишларни бажаришга қаратадиган бўлсин. Ҳоким маҳаллий Кенгашга ҳисобот бериш ва унинг фаолияти бошқа амалдор ва сиёсатчиларники каби шаффоф бўлсин, яъни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилсин.

Марказдан маҳаллий бошқарув органларига вазифаларни бериш давомида ҳозирча мавжуд икки томонлама ҳисобот тартибига ҳам ўзгартириш киритмоқ зарур. Чунки вазирлик ва бошқа марказий

идораларнинг вилоятлардаги бошқарма ва бўлимларининг ҳам юқоридаги идорага, ҳам ҳокимликка ҳисобот бераётганлиги айрим мутахассисларнинг фикрича, «ортиқча харажатларга олиб келмоқда ва жавобгарликни тақсимлашда тартибсизликка йўл қўйилмоқда». Аввалгилардек асосий эътибор назоратга қаратилмоқда. Шахсий масъулият ва жавобгарлик даражаси сустроқ. Бу йўналишда яқинда Буюк Британияда янгилик жорий этилди. Мингтақаларда вазирлик бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштирувчи мансабдор шахс тайинланадиган бўлди.

Шунингдек, марказий бошқарув аппарати тизимининг жойларда кичикроқ шаклда такрорланишига ҳам барҳам бериш вақти келгандир. Кўп ҳолларда марказдаги бўлимлар вилоятда, вилоятдагиси туман ва шаҳарда айнан такрорланмоқда. Масалан, Самарқанддек нисбатан кичик шаҳарда вилоят, шаҳар ва учта туман ҳокимликларида деярли бир хил бўлимлардан ташқари кўп сонли худди шундай ҳоким ўринбосарлари мавжуд. Бундай тизимни ихчамлаштириш маблагни тежашдан ташқари кадрлардан самарали фойдаланиш имконини яратади.

... Бундан қарийб минг йил олдин Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» китобининг «Бир кишига икки амал бермаслик ва амалларни лойиқ ва покдил кишиларга бериш ҳақида» деб номланган 42-фаслида шундай сўзлар битган. «Агар икки амал бир кишига берилса, бир иш доимо охиригача бажарилмаган ёки камчилик билан амалга оширилган бўлади. Сабаби бир киши икки амалга керагича кўнгил бермайди ва текширганда шу амаллардан кўп камчиликлар топилади, киши маломатда қолади». У яна ёзади: «Душманликнинг энг ёмони шундаки, бир кишига ўнта вазифа бериб, баъзиларга бир амал ҳам бермайди. Шу мамлакатда одамлар маҳрум бўлиб, четда қолганлар кўпаяди. Амал ва вазифаларни эса содиқ кишиларга бериш керак, токи мамлакатга завоқ етмасин».

«Моҳият», 2001 йил 10, 16, 23 март.

ФАҚАТ ОБ-ҲАВО АЙБДОРМИ? *ёки пахтачиликнинг ночорлигига журналистларнинг бетарафлиги ҳам сабабчи эканлиги хусусида*

Пахтачиликнинг бу йилги аянчли ахволини фақат сув танқислигига боғлаш адолатдан бўлмаслиги ўтган ҳафта Тошкентдаги Оқсарой қароргоҳида бўлган йиғилишда алоҳида таъкидланди. Айрим камчиликларнинг илдизи жойларда ишнинг яхши ташкил этилмаганлиги, ҳужасизлик, лоқайдликка бориб тақалиши уқтирилди.

Йиғилишда ва унинг эртаси куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида Самарқанд вилоятида ҳам соҳадаги ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги танқид қилинди.

Куни кеча «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Андижон тажрибаси» мақоласида ушбу вилоят пахтакорлари ютуғининг асосий омилли ҳатто плёнка остида чигит экишда ҳам эмас (бу кўзга ташланиб турган афзаллик), балки одамлар тафаккуридаги ўзгаришдadir, деб жуда тўғри қайд қилиб ўтилганди. Одам тафаккури эса фақат реал воқелик асосида ўзгаради. Уни чақирику даъватлар билан, қуруқ ваъда ва дўғу пўписа билан ўзгартириб бўлмайди.

Аслида ҳамма нарсани манфаат бошқаради. Нега пахтакор деҳқон агротехника қондаларини вақтида бажармайди? Нега терим пайтида (айниқса, биринчи теримдан кейин) далада шаҳарлик хашарчилардан бошқа киши қолмайди? Деҳқонга қилган меҳнати учун ўз вақтида ҳақ берилиб борилдими? Нега деҳқонда хўжайинлик ҳисси шаклланмаяпти? «Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак», деган нақддан пахтакор беҳабарми? Деҳқон бевосита бажариш лозим бўлган ишни «ташкил этиш» ва назорат қилиш учун кўйлаб идораларнинг мавжудлиги, бу борада ҳукуматнинг қарорлари қабул қилиниши нотабийий ҳол эмасми? Ахир, ерда ишлаш, ҳосил олиш, бундан манфаат топиб, ўзини, оиласини, бугун эл-юртни таъминлаш асл деҳқоннинг асосий муддаоси, бош мақсади, ҳаёт тарзи бўлиб

келган-ку! Ҳозир ҳам ривожланган мамлакатларда аҳвол айнан шундай эканлигидан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган нисбатан кам сонли фермерлар бутун бир мамлакатни боқиб, чет элга маҳсулот чиқараётганидан беҳабармизми? Уларнинг тажрибасини ўрганиш шунчалик мушкулми? Ёки бу сони ва шакли ўта кўп бўлган мутасаддиларга манфаат келтирмайдими?

Қишлоқ аҳлининг, пахтакорларимизнинг тафаккурида ўзгариш юз бераётган экан, бунинг сабабларини чуқур таҳлил қилдикми? Бундан тегишли хулоса чиқардикми?

Бу ва шу каби саволларга ҳолис жавоб топиш керак. Аччиқ бўлса ҳам, кимларгадир ёқмаса ҳам, жавоб топиш керак. Бу борада биз, журналистлар зиммамизда ҳам улкан масъулият ётибди. Кўп ҳолларда мавжуд вазиятдан хабардор бўла туриб, ҳақиқатни ёзмаймиз. Кўрқамиз. У катталарга маъқул бўлмаслигини биламиз. Лекин бир вақт келиб ўша камчилик бизнинг чиқишимиз туфайли тугатилсаю, ишнинг ривожи таъминланса, бундан ҳамма, бутун жамият, ўша мутасадди раҳбарлар ҳам манфаат кўришини инобатга олмаймиз. Ҳолис ва одил раҳбар бундай пайтда (журналистнинг чиқишидан кейин унга танбеҳ берилган бўлса ҳам) оммавий ахборот воситасини ўзининг яқин кўмакчиси, маслаҳатчиси деб билиши, «набатдан ташқари сессия»дан сақлаб қолувчи восита деб ҳисоблаши керак. Бу, Президентимиз бир неча марта таъкидлаган, ОАВ томонида жамоат назорати ўрнатилишини таъминлайди.

Бу бир томондан. Бошқа томондан эса, биз ўз чиқишларимиз орқали ислоҳотларнинг моҳияти, мулк шаклини ўзгартирган хўжаликларда деҳқон қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги билимларни фуқароларимиз онгига етказишимиз, уларда ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини тарбиялашда бевосита илтироқ этшимиз зарур.

Ўзим гувоҳи бўлган бир ҳолатни келтирай. Шу йили октябрь ойининг бошларида Ўзбекистон туманида ҳашарда бўлган талабаларга раҳбарлик қилаётган дўстлар – домлалардан ҳол-аҳвол сўрагани боргандик. Кеч соат 7лар эди. Домлалар «штаб» ўтказиб, далага чиқмаганларни, жуда оз пахта терганларни муҳокама қилишаётган экан. Ўшанда 2-3 соат давомида кўп нарсанинг гувоҳи бўлдим. Улар ҳақида газетада мақола ёзмоқчи эканлигимни айтганимда, домлалар

«нима қиласиз, фойдаси йўқ. Ҳамма жойда аҳвол шу. Буни ҳамма биллади. Фақат ўзингизни ёмон отлик қилганингиз қолади», деб маслаҳат беришди ва «ўтган йилгиси сабоқ бўлмадимми?» деб қўшиб қўйишди. Шунда каминида ўзини-ўзи сақлаш инстинкти ишлаб кетди ва «иссиқ сутдан оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади» қабалида иш тутишга мажбур бўлдим.

Ҳаши индаллосини айтганда, жамиятда туб ўзгаришлар жараёни кечаётган бир пайтда, эскилик ва янгилик ўртасида кўз илмас пинҳоний, аёвсиз кураш бораётган шароитда, манфаатлар тўқнаш келган пайтда журналист, умуман, ўзини зиёли, шу азиз юртнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг бефарқ четда кузатувчи бўлиб туриши жинойи лоқайдлик деб баҳоланса тўғри бўларди. Бундай иродасизлик, фақат ўз тинчини кўриб иш юритмоклик ўша эскича ишлаб келаётганларнинг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарча эмас. Улуғ Шекспирнинг сўзларини эслайлик: Фақат ўзи учун яшаш инсонликнинг сунистеъмом қилишдир.

«Фидокор», 2000 йил 31 октябрь.

ФИКРНИНГ ЭРКИН ПАРВОЗИ

Ёхуд олий таълимимизнинг келажакдаги андозаси яратилаётган маскан

Ҳамма замонларда шундай шахслар бўлганки, уларнинг хаёли ўз даврига нисбатан анча илгариларга парвоз қилган. Уларнинг айримлари – Афлотун, Фаробий, Мор, Кампанелла ва бошқалар – «идеал» жамият ҳақида ўзларича хаёлот дунёсига чўмган бўлсалар, баъзилари – Роберт Оуэн кабилар – янги жамият ҳақидаги ўз тасаввурларини ҳаётга жорий этиш мақсадида янгича қишлоқлар ва ташкилотлар тузишган.

Албатта, ҳар қандай янгилик аввал янги фикр сифатида пайдо бўлади. Янгиликни амалга ошириш давомида ҳаётнинг ўзи унинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада бўлишини таъминлаш борасидаги янги фикр вужудга келиб, амалга тадбиқ этилаётган даргоҳлардан бири Самарқанд давлат чет тиллар институти эканлигини тан олмасдан илож йўқ.

Ҳар гал ана шу институтда бўлганимда бу билим маскани мамлакатимиз олий ўқув юртлари учун эталон даражасига кўтарилиб бораётганлигига ишончим орта боради. Ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан институтда амалга оширилган ишларни кўриб, олий ўқув юртларимиз ҳақидаги тасаввурим билан солиштираман ва ҳайрон қоламан. Ўзимга-ўзим савол бераман: нахотки икки ярим йил ичида шунча иш қилиш мумкин бўлса? Ҳа, мумкин экан. Агар раҳбар янгиликка қараб интилса, янги фикрини ҳаётга татбиқ этаолса, ишбилармон, ўз ишига содиқ ва фидойи бўлса, атрофига ҳамфикрларини тўплай олса. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, институт ректори Юсуф Нсёматович Абдуллаев ана шундай раҳбарлардан.

Фикрлаш доираси кенлиги, ўз халқига содиқлигию Ватан келажакига мустаҳкам ишончи билан ажралиб турадиган бу ориф инсон чет тиллар институтини жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган даражага кўтариш ниятида астойдил жонбозлик кўрсатмоқда.

Институтда ўқиш ва ўқитиш ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида сўз юритишдан олдин тез кўзга тушадиган унинг ташқи кўриниши тўғрисида тўхталиб ўтсак. Чунки инсон ҳақида ҳам, бино, буюм, умуман, ҳар бир нарса тўғрисида даслабки таассурот унинг ташқи кўриниши – суратидан, кейин сийратидан вужудга келади.

Институтнинг биноси, йўлаклар, дарсхоналар, мажлислар хонаси, меҳмонларни қабул қилиш хонаси, ректор қабулхонаси ва иш хонаси дид билан жиҳозланган. Зинадан учинчи қаватга кўтарилганда ажойиб манзара гувоҳи бўласиз. Доимо бўш турган майдончада самарқандлик рассомларнинг кўرғазмаси ташкил этилган. Расмлар вақти-вақти билан алмаштириб турилади.

Нафақат театр, институт ҳам кийим остигидан бошланишини профессор Ю.Абдуллаев тез-тез такрорлаб туради. Бирор кишини, хоҳ талаба бўлсин, хоҳ домла сиз институт биноси ичида устки кийим ёки телпак, шляпада кўрмайсиз. Бинода чекишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳамма ёқ тоза-озода, саранжом-сарипта.

Муҳит тарбиялайди, деганда ёлғиз таълим-тарбияни ташкил этишнинг моҳияти, ички мазмуни эмас, балки юқорида биз айтган сурати ҳам назарда тутилади. Икки томон бир бирини тўлдириб, замонавий, юқори малакали, юксак дидли мутахассис тайёрлаш учун муҳит яратилади.

Институтга мамлакатимиз олий ўқув юртларидан ташриф буюрган меҳмонлар бу ердаги шароитни кўриб унга ҳавас қилишади, унинг таржибасини ўрганиш ва кенг тарқатиш диққатга моликлигини таъкидлашади.

1997 йилнинг март ойида СамДЧТИда «Хорижий таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг дунё тажрибаси» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Анжуманнинг ҳар бир иштирокчиси ўз маърузасини институтдан ғоятда ажойиб таассурот олганлиги тўғрисидаги сўзлар билан бошлаганди ўшанда. Тошкент жаҳон тиллари институти олимнинг қуйидаги сўзларини йиғилганлар ўз дил сўзлари сифатида олқишлар билан кутиб олишди: «институт билан танишиб гўёки чўлу биёбонлардан юриб, сўлим гўшага киргандай бўлдим».

Энди таълимнинг йўлга қўйилиши борасидаги ишларнинг айрим жиҳатлари ҳақида.

Дастлаб фақат инглиз, француз, немис тиллари ўқитилган институтда ҳозирги кунга келиб араб, форс, турк, корейс, итальян тиллари ўрганилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, итальян тили Марказий Осиёда биринчи бўлиб шу ерда ўқитила бошланди. Яқин келажақда япон, испан, ҳинд, урду тиллари ҳам ўқитилади.

Чет тилларни ўрганиш замирида, - дейди Ю.Абдуллаев, – катта маъно ётибди. Тиллар – халқаро алоқаларнинг кучли воситасидир. Улар орқали биз жаҳон тажрибасини ўрганишга, илғор технологияларни эгаллашга муваффақ бўламиз.

Шуниси диққатга сазоворки, Самарқанд чет тиллар институти фаолияти туфайли мамлакатимизга катта миқдордаги чет эл сармояси кириб келмоқда. Чунки фақат инглиз, француз, немис тилларини ўқитиш учун бюджетдан маблағ сарфланмоқда. Бошқа тилларни ўрганиш эса иккинчи тил сифатида хорижий давлатлар томонидан инвестиция қилинмоқда. Мисол тариқасида Корея Республикаси билан муносабатларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Корейс бўлими институтда бундан бир ярим йил олдин очилган эди. Бу орада Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари жаноб элчи бошчилигида институтга ташриф буюришди. Улар бу ерда амалга оширилаётган ишлар кўлаמידан қониқиш ҳосил қилишди ҳамда йигит-қизларимизнинг корейс тилини пухта ўрганишлари учун ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини уқтиришди. Чунки давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг чуқурлашиб бориши, корейс халқининг тили, маданияти, урф-одатини яхши биладиган мутахассислар зарурлигини тақозо этиши ҳар икки томонга кундек равшан.

Апрель ойининг охирида институт ректори Ю.Абдуллаев Корея Республикасида бўлиб қайтди. Сеул яқинидаги Хасио университети билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди. Шартнома талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашилишни, ахборот олиш ва малака оширишни, умуман кенг соҳада ҳамкорлик қилишни кўзда тутади.

Шу йилдан бошлаб ҳар йили корейс бўлимининг иккинчи курсидан икки талаба Хасио университетига ўқишга юборилади. Улар иқтисод, ҳуқуқ, халқаро муносабатлар каби муҳим ихтисослар бўйича 3 йил ўқиб, жаҳонда тан олинган корейс дипломи билан қайтиб келишади. Агар университетда ҳар бир талабанинг ўқиши 14-20 минг АҚШ доллари туришини ҳисобга олсак, ҳар йили 2 талабанинг ўзи мамлакатимизга қанча инвестиция киритиши ўз-ўзидан маълум бўлади-қолади.

Кўпгина мамлакатларда бўлиб, у ерларда таълим тизимининг йўлга қўйилиши билан яқиндан таниш бўлган профессор Ю.Абдуллаев барча соҳаларда бўлгани каби бу соҳада ҳам чет эл тажрибасини кўр-кўрона жорий қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Масалан, АҚШ университетларида ҳафтасига 12-14 соат дарс ўқитилади. Қолган вақт студент мустақил ўқиб ўрганади. У ерда индивидуализм кучли, Жанубий Корея студентлари эса ҳар куни 8-10 соат дарс ўқийди, сўнгра кутубхонага бориб яна мустақил тайёргарлик кўради. Биз ҳам бу ва бошқа йўналишлар бўйича ўз йўлимиздан боришимиз лозим. Бунда, албатта чет эл тажрибаси асқотади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти айни пайтда бевосита халқаро алоқаларни йўлга қўйган. Корея бўлиמידан ташқари Туркия билан ҳамкорликда бўлим очилган бўлиб, уни тўла жиҳозлашни Туркия томони амалга оширди. Магбуот клубини АҚШ дарсликлар, видеофильмлар, лугатлар билан таъминлади. Германия ва Франция билан маданият ва тил марказлари очиш мўлжалланган. Институтда АҚШдан 8 нафар, шуниингдек, Германия, Швейцария, Туркия, Корея, Франциядан келган олимлар дарс ўтишмоқда.

Ҳозиргача бажарилган ишлар устига мўлжалланган режалар амалга ошса, Юсуф Неъмаговичнинг институтни халқаро талаблар даражасига жавоб берадиган билим масканига айлантиришдек эзгу нияти амалга ошишига ҳеч шубҳа йўқ.

«Самарқанд», 1997 йил 23 май.

ЖАМИЯТ ХИЗМАТИДАГИ ОЛИМ

Профессор Карим САИДОВнинг босиб ўтган йўлига, айниқса кейинги йиллардаги фаолиятига назар солиб, бир дониманднинг қўйидаги сўзларини эслаш ўринли деб биламан: «Олим асосан жамият хизматкоридир: унинг олимлиги ҳам, бошқа табақа вақилига қараганда устунлиги ҳам жамият туфайлидир ва у жамият учун яшаши керак».

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўтиш даврига хос қийинчиликлар, қарама-қаршиликлар, баъзан яққол кўзга ташланадиган, баъзан эса кўринмас зиддиятлар бўлиши табиий. Ана шундай шароитда одамнинг асл қиёфаси намоён бўлади, десак муболаға бўлмайди. У ҳа, деб қийинчиликлар ҳақида гапиряптими ёки уларни енгиб ўтиш учун бирор-бир ҳаракат қиляптими, ўз интилиши билан атрофдагилари юрагига далда бўлмоқдами ёки турмушнинг майда-чўйда ташвишлари билан ўралашиб қолиб, фақат нолийдими?

Бундай пайларда жамиятнинг келажаги кенг қамровли фикрлашга қодир, дадил ҳаракат қилиб, орқасидан бошқаларни эргаштириб, уларга тўғри йўл кўрсата оладиган одамларга боғлиқ эжанлигига бу кўҳна тарих гувоҳ. Бизда ҳам айни пайтда фидойи, заҳматкаш инсонлар борлиги улкан бахтимиздир. Улар нафақат раҳбар-йўлбошчилар орасида, балки турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган замондошларимиз, жумладан, олимларимиз ичида ҳам мавжуд.

Мен билган ана шундай олимлардан бири Карим Саидович Саидовдир. У киши иқтисод фанлари доктори, профессор, А.Навоий номидаги СамДУ иқтисодиёт факультетининг декани.

Ўзининг етмишинчи баҳорини қаршилаётган таниқли олим, иқтидорли ташкилотчи, ажойиб инсон Карим Саидов ҳақида қанча илиқ гаплар айтилса, шунча оз. Ушбу мақолада эса мен домланинг кейинги 5-6 йил ичида қилган ишларини қаламга олмақчиман. Булар айнан ўша юқорида таъкидланган мамлакатимизнинг ўтиш даврида бажарилган ишлар бўлиб, Карим Саидовичга инсон, олим ва ташкилотчи сифатида холис баҳо беришга мезон бўла олади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида «бозор иқтисодиёти» тушунчаси тез-тез тилга олинадиган бўлган эди. Кўпчилик унинг

мазмун-моҳиятини англамасдан ҳам қўлларди. Ўша пайтларда камина Самарқанд телевидениеси билан ҳамкорлик қилиб, турли мавзуларда кўрсатувлар тейёрлардим. 1992 йилнинг баҳори эди. Профессор К. Саидовга «Бозор иқтисодиёти нима?» деган мавзуда суҳбат ўтказиш ниятим борлигини маълум қилдим. Домла рози бўлдилар. СТВ орқали ушбу мавзуда иккита суҳбатимиз намойиш этилди. Ўша вақтда кўп мингли томошабинлар олдига чиқиб, ушбу янги мавзунини оддий, раво тилда тушунириб бериш ҳамма олимнинг ҳам қўлидан келмасди ва бунга журъат ҳам қилолмасди. Профессор К.Саидов билан ўтказилган суҳбатларимиз-дан сўнг айрим таниш-билишларимиз, «биз бозор иқтисодиётини ўзимизнинг Сиеб бозоридай тушуниб келган эканмиз, бу умуман бошқа нарса экан, энди тушуна бошладик», деб очиқ тан олишганди ўшанда.

Шундан сўнг олим жамиятимизда бозор иқтисодиёти психологиясини шакллантиришда жонбозлик кўрсатиб, ушбу муаммога бағишлаб СТВда 40дан ортик суҳбатлар ўтказди.

Ўтиш даврида мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшаётган фидойи инсонлардан бири деб Карим Саидовични тилга олганимда, у кишининг иқтисодий билимлар тарғиботчиси сифатлари билан бирга янги йўналиш бўйича кадрлар тайёрлашдаги хизматларини ҳам назарда тутган эдим.

Домланинг ташаббуси билан бозор муносабатларини чуқур биладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлигини англаган ҳолда СамДУ амалий математика факультети қошида 1992 йилда умумиқтисодий фанлар кафедраси очилди. Беш нафар аъзоси бўлган кафедра ўқув режасига 47та ўқув фани киритилганди. Ўша йили янги ихтисосликка 33 талаба қабул қилинди. Улардан 28 нафари 1997 йилда университетни битириб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Ўтган йили эса университетда иқтисодиёт факультети очилди ва унга ҳақли равишда профессор К. Саидов декан этиб тайинланди.

Мамлакатимиз учун умуман янги йўналишлар – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, оила иқтисодиёти, туризм иқтисодиёти ва уни ташкил этиш ва бошқалар бўйича ўқув дастурларини тузиш, ушбу ўқув фанларини юқори савияда ўқитишни

уюштириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун Карим Саидовичдек олим ва ташкилотчининг меҳнати зарур эди. Тунни кунга улаб, янгиликдан чўчимасдан заҳмат тортиб ишлаши, атрофига ўз маслақдошларини тўплаганлиги домла бошлаган ишнинг муваффақиятини таъминлади.

Янги йўналишлар бўйича ёшлардан кадрлар тайёрлаш профессор К. Саидов фаолиятининг бир томони. Олдинги йилларда олий маълумот олиб, турли соҳаларда, айниқса бошқарув аппаратида ишлаётган мутахассисларнинг бозор муносабатлари қонун-қоидаларини эгаллашлари зарурлигини домла чуқур англади. Шу туфайли ҳам университет қошида бозор иқтисодиёти учун бошқарув кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш «Менежер» мактабини очишга ташаббускор бўлди. 1996 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган ушбу мактабга профессор К.Саидов раҳбарлик қилмоқда. Бу давр мобайнида мактабни Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ходимлари, корхона раҳбарлари, мактаб директорларидан 250 киши битириб чиқди.

Аввал бошидан «Менежер» мактабининг аҳамиятини англаган ҳолда АКШнинг Евразия фонди Карим Саидович тақдим этган иккита лойиҳани қўллаб-қувватлади. Дастлабки лойиҳа бўйича мактабга 1500 доллар ажратилди ва бу маблағга китоблар, ўқув қўлланмалари сотиб олинди. Иккинчи лойиҳа учун эса қарийб 23 минг доллар ажратилди. Ушбу маблағга компьютер, бошқа техник жиҳозлар харид қилинди, қолгани ўқиш жараёнини ташкил этишга сарфланди.

Профессор К. Саидовнинг бевосита раҳбарлиги ва иштиокида ТАСИС дастури ҳисобидан шахримизда халқаро бизнес мактаби очилди. Биринчи марта 9 ойлик курсни 49 киши битирди. Уларга Англиянинг Ковентри университети сертификати берилди.

Иқтидорли олим сифатида профессор К.Саидовнинг номи илмий жамоатчиликка яхши маълум. Ушбу газета мақоласи доирасида олимнинг 40 йил давомида чоп этилган 250дан ортиқ илмий ишлари, жумладан, 4та монографияси, раҳбарлиги остида ҳимоя қилинган 10та номзодлик диссертацияси, 30дан ортиқ халқаро илмий анжуманларда иштирок этгани каби фактларни кенг шаҳрлаб беришнинг имкони йўқ. Фақат бир мисол билан чекланмоқчиман.

1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб

халқаро илмий анжуман ўтказилган эди. Унда профессор К.Саидов Амир Темури даврининг иқтисодий тизими ҳақида маъруза қилганди. Маърузадаги чуқур илмий таҳлил, масала моҳиятининг очиб берилганлиги анжуман ташкилотчиларига маъқул бўлди. Қарим Саидович К.Аденauer фонди томонидан таниқли олимлар Азамат Зиё ва Темури Широнови билан бирга Германияга илмий сафарга таклиф этилди. Олимларимиз Бонн ва Берлинда ташкил этилган учта катта учрашувларда, баҳс-мунозараларда иштирок этиб қайтишди.

Ҳа, профессор К.Саидовнинг илмий салоҳияти муносиб тан олинган. У 1997 йилда БМТ таркибидаги халқаро ахборотлаштириш академиясининг ҳақиқий аъзоллигига сайланди ва шу академиянинг Самарқанд бўлими вице-президентиدير.

Устоз доимо янгилик излайди, ҳали маълум бўлмаган соҳаларда қалам тебратди, бошқаларни ҳам шунга жалб этади. Масалан, Самарқандда халқаро туризм бўйича очик иқтисодий ҳудуд тузиш масаласи вужудга келиши билан, унинг раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи ҳудуднинг концепциясини яратди, дастури ва низомини ишлаб чиқди. Шунингдек, домла бошчилигида СамДУда иқтисодий назария фанининг муҳим соҳаси бўлган аҳолининг турмуш даражасини ўрганиш бўйича илмий мактаб фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мақолада тилга олинган хислатлар Қарим Саидовични инсон, олим, ташкилотчи сифатида характерлаб берса-да, улар денгиздан бир томчи, холос. Ишончим комилки, ҳали устоз ҳақида жуда кўп ва хўб сўзлар айтилади. Энг асосийси, ҳали домла бардам ва тетик. Ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаётган профессор Қарим Саидовга оила аъзолари, дўсту биродарлари ва шогирдлари бахтига соғ-саломатлик тилаб, фанимиз ривожини, Ватанимиз равнақини йўлидаги ишларига омадлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

«Самарқанд», 1998 йил 21 май.

ТЕСТ АДОЛАТ МЕЗОНИ, АММО...

«Илтимос тизими»нинг қулаши

Тест адолат мезони эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Айниқса, жамиятимизнинг, тўғрироғи ҳар биримизнинг ҳозирги маданий ва маънавий даражамиз, иқтисодий аҳволимиздан келиб чиқадиган бўлсак, кириш имтиҳони учун тестдан бошқа адолатни таъминлайдиган усул йўқ.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул имтиҳонлари жараёнидаги «илтимос тизими» чуқур илдириш отган бўлиб, худди абадий давом этадигандай эди. Фарзанди мактабни битириб, ўқишни давом эттирмакчи бўлган ҳар бир ота-она, ҳар бир оила унинг домига тушишга, унинг ёзилмаган қонунларига итоат қилиб, уларни бажаришга маҳкум этилган эди.

60-йилларнинг ўрталаридан шаклланиб келган «илтимос тизими»ни ичидан билганлигим сабабли унинг қулаши ватанамиз тараққиёти учун муҳим омил бўлиб хизмат қилганлигини яхши англайман. Бу – жамиятимизнинг маънавий покланиши йўлида муҳим қадам бўлди.

Ҳар бир янгилик ўзининг турли қирраларини намоён қилиб боради. Хусусан, вақт ўтиши билан бу қирралар ёрқинроқ кўринаверади. Шунда янгиликнинг ижобий томонларини янада мустаҳкамлашиб, улар такомиллаштирилади. Салбий томонларидан қутулиш учун тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади. Тест ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида тестнинг айрим ислох талаб жиҳатлари кўзга ташлана бошлади. Унинг ана шу томонларини чуқур ўрганиб, ўзгартириб бориш, адолат мезони сифатидаги ролини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтидорли ёшлар – юрт келажаги

Кириш имтиҳонларида тестнинг жорий этилиши жамиятимизда янги ижтимоий гуруҳ – «репититор»ларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Агар авваллари, «илтимос тизими» даврида йигит-қизларнинг олий ўқув юртига кириши асосан ота-оналар «тайёргарлиги»га боғлиқ бўлса, энди уларнинг ўзлари бир неча ой давомида махсус тайёргарликдан ўтадиган бўлишди. Бундай тайёргарликсиз, мактабдан тўппа-тўғри келиб тест синовидан муваффақиятли ўтиш оғир бўлиб қолди. (Айрим махсус лицей ё коллежнинг битирувчилари бундан мустасно). Энди мактабни бир-икки йил олдин битириб, тайёрловчи ёрдамидан фойдаланганлар ҳам олий ўқув юртига кириш имкониятига эга бўлди. Боз устига барча фанларни яхши ўзлаштириш зарурати қолмади. Эътибор фақат қабул имтиҳони блокига кирган ўқув фанларига қаратиладиган бўлди. Масалан, гуманитар фанлари бўйича бирор-бир ихтисосни танлаган ёшлар фақат тарих, она тили ва чет тилини ўрганса kiffoя. Бу бир томондан.

Бошқа томондан, ўртамиёна хотирага эга ёшлар ҳам тестга тўғри жавоб топа олишмоқда. Яъни уларнинг фикр юритиш, ўз фикрини тўғри, ҳар томонлама асосланган ҳолда баён қилиш қобилияти инобатга олинмай қолинди. Ваҳоланки, билимни эгаллашдан мақсад уни ҳаётга татбиқ этишдир. Аммо фикрлаш қобилияти бўлмаган шахс ўз билимидан амалда фойдалана олмайди. Бундай одамни бир олим сузишга ярамайдиган, ичи қийма ва зираворлар билан тўлдирилган балиққа ўхшатган эди. Т. Эдисоннинг таъбири билан айтганда «цивилизациянинг энг муҳим вазифаси – инсонни фикрлашга ўргатишдир».

1997 йилнинг март ойида Самарқанд давлат чет тиллар институтида «Хорижий таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг дунё тажрибаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтган эди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни танлаш маркази директори, профессор Б. Қодиров барча тараққий этган мамлакатлар зукко болаларни, истеъдодли ёшларни танлаб олиб ўқитиш орқасидан ривожланишнинг юқори босқичига чиқишга муяссар бўлишганини таъкидлади. Фақат педагогик билимга қараб ўқишга қабул қилиш ўзини оқламайди. Қобилиятли, истеъдодли, зехни юқори, зукко ўғил-қизларни танлаш лозим. Истеъдод масаласи – юртнинг келажаги масаласидир, деб уқтирди профессор Б. Қодиров.

Чет элда бу масалага қандай ёндашишаркан, деб «Исроилда олий таълим» китобини ўқиб чикдим. Маълум бўлишича, Исроил университетларининг кўпчилигига кириш учун психометрик тестдан

муваффақиятли ўтса кифоя экан. Фақат конкурс катта бўлган факультетларга кириш имтиҳонлари тошширлар экан.

Психометрик тест беш қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми билимнинг маълум соҳасини ёки қобилиятни текширишга қаратилгандир. Булар – ўқишга кирмоқчи бўлганларнинг матни тушуниш қобилияти, она тилида лугавий-фразеологик заҳираси (матнда қолдириб кетилган сўз ёки иборани тўғри топиб қўйиш талаб этилади), мантиқий фикр юритиш қобилияти, оддий математикани билиши, инглиз тилини қай даражада эгаллаганлигидир.

Кўриниб турибдики, бундай тест ёрдамида абитуриентнинг фақат билими эмас, қобилияти ҳам текширилади.

Бизда қўлланилиб келинаётган тестлар асосан абитуриентнинг хотирасини текширишга қаратилганлиги билан бирга, айримларида юзаки, масаланинг туб моҳиятини очиб бераолмайдиган саволлар киритилган.

Бир неча йилдан бери ҳам абитуриентлар, ҳам университетнинг 1 ва 2-курс талабалари билан ишлаётган СамДУ доцентлари М. Худойбердиев ва Б. Эргашевнинг бу борадаги фикрлари билан қизикдик. Мана уларнинг хулосаси:

– Ҳозирги тестлар ёшларнинг интеллектуал қобилиятини аниқлайди, деб бўлмайди. Тестлардан кириш имтиҳонларининг дастлабки босқичида – абитуриентнинг у ёки бу соҳага лаёқати бор-йўқлигини текширишда фойдаланиш маъқул.

Кўпчилик тестларнинг тўғри жавобини белгилаш учун чуқур билим шарт эмас. Масалан, фалон урушда қайси томон ғалаба қозонган, деган саволга тўғри жавоб берган одам масаланинг асл моҳиятини – нима сабабдан айнан шу томон ғалаба қозонганини билиши шарт эмас. Яъни, юзаки жавоб билан, чуқур фикр юритмасдан имтиҳондан ўтиб кетилади.

Бундан ташқари, тест саволларида ноаниқликлар ҳам учраб туради. Масалан, «Москва университети нечанки йилда ташкил этилди?», деган саволнинг 5 та жаоби ичида тўғри жавоб, яъни 1755 йил санаси кўрсатилмаган. Ёки «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бобида республикамизнинг давлат рамзлари ҳақида сўз юритилади? деган саволнинг жавоблари ичида «1 боб» деган тўғри жавоб йўқ. Булар балки матбаа хатосидир. Лекин, барибир,

ЎҚУВЧИЛАР ОЛИМПИАДАСИ: АДОЛАТ БОШ МЕЗОН БЎЛСИН

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида мактаб ўқувчиларининг ўқув фанлари бўйича олимпиадалари атрофида носоғлом муҳит вужудга келганлиги ҳақида гап-сўзлар юрарди. Шу йилнинг 7 январь куни олимпиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтган эди. Шундан сўнгра ҳар хил «миш-миш»лар янада кучайди. Аҳволга ойдинлик киритиш мақсадида журналистик текширув ўтказдик.

Олимпиада бўлиб ўтгандан кейин уч кун ўтиб, ишчи хонамга Самарқанд шаҳар 1-физика-математика лицейининг ўқувчи ва ўқитувчилари кириб келишди. Улар физика ва математика ўқув фанларидан ўтказилган олимпиада давомида хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини уқтириб, ўз эътирозлари битилган иккита аризани тақдим этишди.

Аризалардан биринчисида таъкидланишича, лицей ўқувчиси Жафар Ҳодизода 11-синф учун берилган математика тестларидан 9 тасида хатолик мавжудлигини аниқлаган. Бу ҳақда у ёзма равишда компьютер хонаси мугасаддиси О. Кожевниковага мурожаат этган. Алоҳида варақча хато тестларини кўрсатиб, тўплаган балларига 9 балл қўшишни сўраган аризасини унга илова қилган. Ж.Ҳодизода аввалги йиллар халқаро олимпиадаларда қатнашиб, маълум тажрибага эгаллиги туфайли қоида бўйича йўл тугган. Лекин аризасига жавоб ололмагач, ҳали олимпиада давом этаётган кеч соат 8 ларда ҳакамлар ҳайъатига мурожаат қилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси (ХТБ) вакили Б.Асроров ва ҳакамлар ҳайъати раиси З.Маликов эртаси куни бошқармага келишни тайинлаган. Эртага, яъни 8 январда тестлар мутахассислар иштирокида текширилганда, ўқувчи Ҳодизода кўрсатган тестлардан бештаси хато эканлиги ўз тасдиғини топган. Лекин унинг тўплаган балларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаси инобатсиз қолдирилган.

Олимпиада якунига бўйича Ж.Ҳодизода 70 балл тўплаб иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни олган оқдарёлик ўқувчи 73 балл тўплаган. Олимпиаданинг республика босқичида қатнашиш учун эса 76 ва ундан юқори балл тўплаш керак. Демак, вилоятдан олимпиаданинг сўнгги босқичида математикадан ҳеч ким қатнашмайди. Олимпиада ташкилотчиларининг айби билан йўл қўйилган хатонинг жабрини

нега ўқувчилар тортиши керак экан? Бу хатони кеч бўлса ҳам ариза берилган куни тузатиш мумкин эмасми?

Ана шу саволларни вилоят ХТБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, олимпиада ташкилий кўмитаси раиси Б.Сафаровга берганимда, у киши Ж. Ҳодизода ўз аризасини ҳакамлар ҳайъатига эмас, бошқармага ўша куннинг ўзиёқ етказиши кераклигини уқтирди. Раҳбарнинг бу фикрига эътироз билдиришга тўғри келди. Чунки ўқувчи олимпиада куни, у ҳали тугамасдан аризасини вилоят ХТБнинг масъул ходимига топширган. Ходим аризани вақтида ўз раҳбарларига етказмаган бўлса, бунга ўқувчи айбдорми? Бу биринчидан. Иккинчидан эса, умумтаълим фанлари бўйича олимпиада ҳақидаги Низомнинг 4-бандида ҳакамлар ҳайъати «қатнашчиларни синов натижалари билан таништиради ва эътирозларини кўриб чиқади», деб ёзиб қўйилган. Демак, Ж.Ҳодизода ҳакамлар ҳайъатига ариза орқали ўз эътирозини баён этиб, тўғри йўл тугган. Ва, аксинча, савол туғилади: ҳакамлар ҳайъатининг вазифасини ўз зиммасига олган вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари бу ўринда ҳақми?

10-синф ўқувчилари ўртасида физикадан ўтказилган олимпиадада эришган натижасидан норози бўлиб, 1-физика-математика лицейи ўқувчиси Заррух Ҳалимов ва унинг ўқитувчиси физика-математика фанлари номзоди Х. Абдукаримова мурожаат қилишди. Улар Заррух ёзган ишини кўрсатишларини сўраб ташкилий кўмитага ариза ёзишган экан. Уларнинг бизга ёзган арзномасида шундай дейилган: «Олимпиада натижаси соат 16.30 да эълон қилинди. Лекин соат 19.30 гача ҳар қанча уринмайлик, аризамиз адолат комиссиясида кўрилмади. Ариза билан адолат комиссияси раиси Б.Дониёровга, вилоят ХТБ бошлиғи А.Бекмуродовга, комиссия аъзоларига мурожаат этганимизда, улар у ёки бу баҳоналар билан апелляцияга қўйишмади».

Арзноманинг охирида шундай саволлар ўртага ташланган: 1. Олимпиада низоми бўйича у неча соат давом этиши керак? Наҳотки, замонавий компьютерлар воситасида 15-20 нафар ўқувчининг билимини текшириш шунчалик қийин бўлса? Узоқ туманлардан келган ўқувчилар борлигини ҳисобга олиш керак эмасми?

2. Натижадан қониқмаган ўқувчилар ўз ишларини кўришга ҳақлими? Ҳақли бўлишса, нега бунинг бажарилиши назорат қилинмайди?

3. Умуман, фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилишидан мақсад

Олимни ўқув юртлиридаги имтиҳон ва синовларда тестдан фойдаланишининг айрим салбий оқибатлари ҳақидаги фикрлар билан таништирдим. Масалан, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Пиримкуловнинг қайд этишича, ўқув сессияларида тестнинг қўлланиши талабаларни «соқов» қилиб қўйди. Энди уларнинг амалий машғулотларга, синову имтиҳонларга қўллаб китоб ўқиб, ўрганиб, тайёргарлик кўриши шарт эмас. Имтиҳон бўладиган фандан икки юзта тест тайёрланиб, олдиндан талабаларга маълум қилиниши туфайли, кўпинча жорий ва оралиқ назоратлар ҳам ана шу усулда ўтказилиши оқибатида талаба фақат назоратга ҳозирлик кўради. У ҳам бўлса юзаки тайёргалик кўриб боради.

Техника фанлари номзоди, Самарқанд давлат мейморчилик-қурилиш институти доценти А. Хўжаевнинг фикрича, имтиҳон ва синовларда қўлланилаётган тест ёрдамида бўлажак муҳандиснинг иш жараёнида юз бериши мумкин бўлган турли ҳолатлардан муваффақиятли чиқишини қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаш мумкин эмас. Муҳандисда фикр юритиш қобилияти баланд бўлиши керак, у ўз ишига ижодий ёндашиши лозим.

Ўқув сессиясида тестнинг жорий қилинишидан мақсад имтиҳон ва синовларни қабул қилишдаги таъмагирликни йўқотиш эди. Афсуски, бу иллат таг-томири билан тутаганича йўқ.

Ушбу фикрлар билан танишгандан сўнг профессор Б. Турсунов яна айтган сўзларини такрорлаб, тестдан ижобий натижа кутишдан аввал уни тузиш ва ундан фойдаланишни яхшилаб ўрганиб олиш кераклигини уқтирди. Сўзининг исботига оддий мисол келтирди. «Кўричак касаллиги бошланганда одамнинг қайси аъзоси оғрийди?» деган саволга «оёқ, қўл, кўз, қорин, бош» жавоблари ёзиб қўйилган бўлса, талаба албатта тўғри жавобни тезда топади. Агар жавобларда қориннинг турли қисмлари кўрсатилган бўлса, талаба бироз ўйлайди. Лекин жавоблар янада аниқроқ бўлиб, уларда қориннинг кўричак касаллиги бошланишида оғрийдиган яқин нуқталар кўрсатилганда, талаба ўқиганларини, амалиёт вақтида кўрганларини эслашга, фикр юритишга мажбур бўлади. Умуман, Баҳрон Саломовичнинг таъкидлашича, тестни имтиҳондан олдин талабалар ўртасида синаб кўриш лозим. Тузилган тестнинг қанчалик оғир ёки енгил эканлиги

у ўқув дастурини қай даражада ўзида мужассамлаштирганлигини, уни тузишда у мўлжалланан гуруҳ талабаларининг савияси қанчалик инобатга олинганлигини аниқлаб олиш зарур.

Тест жорий этилгандан кейин ҳам имтиҳон ва синовларда таъмагирликнинг давом этиши, уни қўллашда кучли назорат йўқлиги натижасидир. Жорий назорат, оралиқ назорат ўз навбатида кафедра, деканат, ректорат томонидан қатъий назорат қилинмоғи лозим. Талабага қўйиладиган балл камида 2та дафтарда (домланинг ўзида ва кафедрада) қайд этилиши ва сабабсиз уларга ўзгартириш киритилмаслигини таъминлаш зарур.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, тест тузувчининг ўзи тестнинг қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши, тестология бўйича маълумотга эга бўлиши даркор.

Мана, азиз муштарий, тест ва уни қўллаш ҳақидаги турли хил фикрлар билан танишиб чиқдингиз. Биз бу борада ўз қарашларимизни баён қилишда, бошқаларнинг фикрини келтиришда ҳолисона ёндашишга интилдик. Мақсад битта: тестнинг адолат ва ҳақиқат мезони сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун унинг айрим томонларининг такомиллаштирилишига эришиш. Бунга кенг жамоатчилик, биринчи навбатда соҳа мутасаддилари масъулдирлар.

«Самарқанд», 1997 йил 6 июнь.

тестларда юзаки характерга эга саволлар анчагина. Лекин акси ҳам учрайди. Айрим саволларни на ўрта мактаб китобида, на олий ўқув юртлари дарслигидан топиш мумкин. Биз ўзимиз қидириб жавобини тополмаган саволлар бор. Ўқувчи уларни қаердан топади?

Домлаларнинг ушбу фикри устида мулоҳаза юритиб кўриш фойдадан холи эмас.

Ўқишга қандай кирди экан-а?

Кейинги йилларда амалда қўлланиб келинаётган кириш имтихонларининг мукамаллик даражасини шу кунларда таҳсил олаётган студентлар савиясидан аниқлаш мумкин. Афсуски, улар орасида лаёқатсиз, зўрга имтихон ва синовлардан ўтиб келаётганлари йўқ эмас. Ўзим дарс бераётган гуруҳларда ҳам бундайлар бор. Бошқа домлалар ҳам бу хусусда куйиниб гапиришадими-да, ҳайрон бўлиб савол беришади: «Бундайлар тест билан қандай қилиб ўқишга кирди экан-а?»

Бу хусусда фикримизни давом эттиришдан олдин кириш имтихонларининг мавжуд тартиби билан боғлиқ яна бир масалага эътибор қаратишни лозим топдик. Олий, ҳатто ўрта махсус ўқув юртларига асосан шаҳар мактабларини битирган йигит-қизлар киришмоқда. Эртага улар қишлоққа ишга боришадими? Қишлоқларни мутахассислар билан таъминлаш қандай ҳал қилинади? Мамлакатимиз келажагини ўйлайдиган бўлсак, бу саволларга жавоб беришдан қочмасдан, аксинча, тезроқ ушбу масалани ҳал қилиш йўлини ахтаришимиз керак.

Бу борада Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори профессор Ю. Абдуллаев билан суҳбатлашганимизда, у киши куйидаги таклифни киритди:

– Хар йили 20га ўқув фани бўйича олимпиадалар ўтказилади. Агар туманда голиб чиққан ўқувчилар имтихонсиз олий ўқув юртига қабул қилинса, ҳар йили 20 нафар қишлоқ йигит-қизлари студент бўлиш шарафига эришарди. Ўқишни битириб, ҳеч бўлмаганда 15 нафари қишлоққа қайтарди-ку!

Ушбу таклифни Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ўрганиб чиқишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тестологиядан хабардормисиз, домла?

Мақолани ўқиётган айримларда муаллиф тестга қарши экан, деган фикр келмаслиги учун яна бир бор такрорлайман: жамиятимизнинг ҳозирги маънавий ва маданий даражаси ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий аҳволдан келиб чиқадиган бўлсак, яқин келажак давомида тестдан бошқа адолатли усул йўқ. Қабул имтиҳонлари учун ҳам, ўқув жараёнидаги назорат воситаси сифатида ҳам.

Фақат мавжуд тестларни янада такомиллаштириш ва қабул имтиҳонларида ёшларнинг қобилияти, зехнини текширишга қаратилган тестлардан фойдаланиш талаб этилади, чамаси.

«Тестларни такомиллаштириш» деганда уларни тузишда илмий ёндашиш зарурлиги назарда тутилмоқда. Бу соҳада чет эл тажрибаси асқотиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда тест назарияси бўйича махсус фан – тестология шаклланган бўлиб, тест тузиш, ундан фойдаланиш масаласи бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Тест психология, педагогика, социологияда кенг қўлланиб келинмоқда.

Илмий асосда тузилган тест синовдан ўтаётганларнинг фақат билиминигина эмас, балки уларнинг мустақил фикр юритиш ҳамда ўз билимларидан назарий ва амалий вазифаларни ечишда фойдаланиш қобилиятини аниқлашга ёрдам беради.

Хўш, республикамызда тест тузаётганлар ичида неча киши тестологияни чуқур ўзлаштирган? Бундайлар, ҳар ҳолда жуда озчилик бўлса керак. Самарқандда шундай олим борлигини яқинда тасодифан билиб қолдим. Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида тиббиёт институтига бориб, институт проректоридан тест ҳақидаги фикр-мулоҳазасини билмоқчи бўлдим. Бу вазифада ишлаётган тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳрон Турсунов вақтида тест назариясини ўрганган ва бу борада анча-мунча билим ва тажрибага эга экан. Олим билан суҳбатимизнинг ўзи катта мақола бўлади. Бу ерда фақат шуни таъкидламоқчи эдикки, Баҳрон Саломовичнинг фикрича, агар тест илмий ёндашув асосида тузилса, у назоратнинг нафақат ҳозиргидай зарурий, балки самарали воситаси ҳам бўла олади.

нима: иктидорли ўқувчиларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлашми ёки «ғолиб» туман, мактаб, лицейларни аниқлашми?

Албатта, бу долзарб саволларга жавоб қайтариш лозим. Масала билан чуқурроқ танишар эканман, жавоблардан кўра саволлар кўпайгандан кўпайдики, асло камаймади. Нафақат физика ва математика, бошқа ўқув фанлари бўйича ҳам ўтказилган олимпиадада кўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Улар шунчалик кўпки, билмасдан содир этилганлигига ишониш қийин. Яна ўтган йилги аксарият хатолар бу йил ҳам такрорланган. Мана, ўзингиз танишиб, хулоса чиқаринг.

Химия фанидан дастлаб бир ўқувчи ғолиб деб эълон қилинган. Иккинчи ўринни олган ўқувчи норозилик баён қилганда, ҳакамлар ҳайъати унинг ишини текшириб, уни биринчи ўринга лойиқ деб топган. Сўнгра яна ўз қарорини ўзгартириб ҳакамлар ҳайъати дастлабки хулосаси тўғри эканлигини маълум қилган. Ғолибни эълон қилиш жараёнидаги бошбошдоқликдан ташқари яна қатор кўпол хатоликларга йўл қўйилган. Низомга зид равишда ҳайъат таркибида олимпиада қатнашчиси – ўша биринчи ўрин берилган ўқувчининг ўқитувчиси бўлган. Яна. Низомга кўра ҳакамлар ҳайъатининг умумий сони беш кишидан иборат бўлмоғи керак. Химия фанидан ҳакамлар ҳайъатига саккиз киши киритилган ва ўқувчилар кўрсатган натижани баҳолашда улардан олти нафари қатнашган. Бундан ташқари, ҳайъат раиси Ж. Эшонқуловнинг таъкидлашича, 7 та тест хато тузилган экан.

Тарих фанидан 11-синф ўқувчилари учун энг юқори балл 100 эмас, 96 бўлиши керак эди, – деди биз билан суҳбатда шу ўқув фани бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ж.Тўқсонов. – Чунки икки тест нотўғрилигини ҳайъатимиз аъзолари тан олишди. Шундай экан, биринчи ўринни олган ўқувчи қандай қилиб 98 балл тўплаганлиги кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, аксарият ўқувчилар 20-30 балл тўплади, холос.

Чизмачилик ва техникавий чизмачилик ўқув фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг ҳакамлар ҳайъати раиси Д.Эргашевнинг уқтиришича, тестларда хатоликлар мавжуд бўлган. Айниқса, чизиқларнинг бир-бирига қўшилиб кетганлиги ўқувчиларни қийнаган. «Ҳайъат раиси сифатида олимпиадани ташкил этиб, ўтказиш жараёнига мени иштирок эттиришмади, – деди қуюниб Д.Эргашев,

– уни вилоят ХТБдан қўйилган назоратчи (мутахассислигини биолог деб айтди) бошқарди».

Француз тилидан ҳакамлар ҳайъати раиси З.Кимнинг фикрича, тестлар жуда оддий бўлиб, оғзаки жавоб учун олдиндан муқобил матнлар тузилмаган экан. «Яхшиямки, бир кун олдин тестларни менга кўрсатишди. Жуда кўп хатоларини аниқлаб, тузатишлар киритдим,» – деди Зоя Александровна.

Она тили ва адабиётдан ҳам 11-синфлар учун тузилган тестлар ичида 3 та хато тест аниқланиб, барча қатнашчиларга 6 баллдан қўшилган.

Айниқса, маориф соҳасида бундай хато ва камчиликларнинг биттаси ҳам кўплик қиларди. Нега шу аҳвол ҳар йили такрорланмоқда? Бундан ким манфаатдор? Ҳамма агар ҳолис бўлиб, билмасдан хато қилинганда ўтган йилги аҳвол такрорланармиди?

Мана, қўлимда ўтган йилги олимпиада натижаларининг вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти томонидан тайёрланган таҳлили. Уч варақ компьютерда терилган матнда йўл қўйилган камчиликлар санаб ўтилган. Жумладан, олимпиада топшириқларига оид барча маълумотларнинг махфийлиги таъминланмаганлиги, тест калитидан айрим қатнашчилар олдиндан хабардор қилинганлиги мисоллар билан кўрсатиб берилган. Масалан, 10-синфда химия фанидан ўтказилган олимпиада хусусида шундай фикр билдирилган. «50 та тест саволларидан 20 га яқин тенгламаларни умуман ўқиб бўлмайди. Бундан ташқари, 10-синфда органик химияни ўқитиш энди бошланганди. Тест саволларининг 70-80 фоизи эса шу ўқув фанидан тузилган эди. Ваҳоланки, аксинча бўлиши, яъни тестларнинг 70-80 фоизи аорганик химиядан тузилиши шарт эди». Яъни, ўқувчилар ҳали таниш бўлмаган мавзулар бўйича тест ечишларига тўғри келган. Шунга қарамасдан, биринчи ва иккинчи ўринни олган ўқувчилар 50 та тестнинг барчасига «тўғри» жавоб қайтарган. Тестда хато бўлишига қарамасдан, ўқувчилар тўғри жавоб топган бошқа ҳоллар ҳам мавжуд.

Ўтган йилги хато ва камчиликлар тасодифий бўлмаслигини самарқандлик ўқувчиларнинг олимпиаданинг республика босқичида кўрсатган натижалари яққол намоён эди. Яъни, очиқроқ айтадиган бўлса, вилоят олимпиадасида ўқувчилар ўртасида ҳалол кураш учун

имкон яратилганда ва энг кучлилар объектив тарзда сараланиб мусобақага борилганда, кўрсатилган натижа шунчалик аянчли бўлмасди. Республика олимпиадасида қатнашган 18 нафар иштирокчидан фақат бир нафари биринчи, яна бир нафари иккинчи ва икки нафари учинчи ўринни эгаллаган. Ахир, Самарқанд вилоятининг салоҳияти ва имкониятига мос эмаслиги кундек равшан-ку! Энг асосийси, нега ана шу натижадан хулоса чиқарилмади?

Бу йилги вилоят олимпиадасининг дастлабки таҳлили қатор саволларни ўртага ташламоқда. Барча вилоятларда олимпиадани ташкил этиш ва ўтказишнинг илмий ва услубий томонлари мутахассис ва керакли базага эга бўлган педагогик ходимлар малакасини ошириш институти (ВПХМОИ) томонидан амалга оширилади. Нега Самарқандда бу ишлар тўла вилоят халқ таълими бошқармаси ўз зиммасига олган? Институт мутахассислари томонидан тузилган тестлар инobatта олинмаган ва кимларнидир ёрдамида бир вариантда тузилган, муқобил тарзда тайёрланмаган тестлардан фойдаланилган. Хато тестларнинг кўшиги шундан эмасми? Ваҳоланки, ўқувчилар олимпиадаси ҳақидаги Низомнинг 2.17-бандида «учинчи босқич тест-синов топшириқлари ва амалий вазибалар муқобил тарзда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошида тузилган ижодий гуруҳлар томонидан тайёрланади», (таъкид бизники – Т.Р.) деб белгилаб қўйилган. Нега энди ВХТБ ва ВПХМОИ ўртасида охириги йиллар мобайнида давом этиб келаётган келишмовчилик ва низолардан беғуноҳ ўқувчилар азият чекиши керак экан?

Олимпиадани ўтказишда нега Самарқанддаги олий ўқув юртлири базаси инobatта олинмади ва қатта шаҳарнинг 15 та жойида ўтказишди? Назорат сустиги шундан эмасми? Айрим ҳолларда у жуда чўзилди. Масалан, 11-синфларда математика бўйича 34-ўрта мактабда ўтказилган олимпиадада компьютерлар етмаганлиги боис ўқувчилар уч гуруҳга бўлиб синовга киришди ва қарийб кеч соат 9 гача овора бўлишди.

Ҳакамлар ҳайъатига малака ошириш институти мутахассислари ва олий ўқув юртлири олимлари киритилган бўлса-да, нега олимпиадани ўтказиш давомида ВХТБ назоратчилари унинг ваколатини ўз зиммаларига олишди?

Лицейлар ўқитувчиларининг фикрича, олимпиада ташкилотчиси бўлган вилоят халқ таълими бошқармаси уларнинг ўқувчиларига ўта салбий муносабатда бўлган. Бу мактаб ва лицей ўқувчилари ўртасидаги рақобатга носоғлом муносабат натижаси, деб изоҳлашади улар. Юқорида келтирилган фактларга мана, яна бир қўшимча. Самарқанд кооператив институти қошидаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Алишер Восиев туғилганлиги ҳақида гувоҳномаси йўқлиги учун олимпиадага киритилмаган. Ваҳоланки, унинг қўлида лицей маъмурияти тасдиқлаган сурати бор маълумотнома ва туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси бўлган. Шу лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Ж.Узоқов негадир 10-синф ўқувчилари рўйхатига киритилган.

Қўп йиллар давомида ўқувчилар олимпиадасида қатнашиб, унинг паст-баландикларидан хабардор кишиларнинг фикрича, тест-синов ишларини ҳалоллик ва адолат билан баҳолаш ҳамда барча маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун тест саволлари ва унинг калити бошқа-бошқа қўлларда (масалан, бири ҳакамлар ҳайъати раиси ёки ВХТБда, иккинчиси ВПХМОИда) сақланиши лозим.

Нима бўлганда ҳам, ҳалоллик ва адолат барча соҳаларда, айниқса, мурғак, пок қалб эгалари бўлган фарзандларимиз – ўқувчилар билан боғлиқ барча ишларда бош ва ягона мезон бўлмоғи шарт.

Самарқанд вилятида ўтказилган ўқувчилар олимпиадаси яқунлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигида обдон таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилади, деб ишонамиз.

Ҳа, айтганча. Вилоят халқ таълими бошқармаси бўйича 10 январь куни эълон қилинган буйруқ асосида олимпиада ўтказишда қатнашган бошқарманинг бир гуруҳ масъул ходимлари йўл қўйган камчиликлари учун жазога тортилди. Лекин уларнинг хатоси асосан техник характерга эга эди. Вилоят олимпиадасини тайёрлаш давомида, стратегияни белиглашдаги қўпол хатолар учун, ўтган йили натижадан хулоса чиқармаганлиги учун ким жавоб беради? Шунинг учун ҳам вазирликнинг хулосаси зарур.

«Фидокор», 2001 йил 1 февраль.

ТАДБИРКОРГА НИМА КЕРАК?

Уларни «қонунсизликдан ҳимоя қилиш
фавқулодда муҳим вазифа»дир, деб таъкидлади
Президент Ислоҳ Каримов

Тараққиёт, янгилик ҳар доим қийинчиликлар билан ўзига йўл очиб борганлигига бу кўҳна тарих гувоҳ. Саноатда тўнтариш ясалаётган бир даврда янги яратилган техника ва механизмларга қарши чиқишлардан, улуғ мутафаккирларнинг таъқиб қилинишидан, хур фикрларни, янги ғояларни тарғиб этувчи китобларнинг таъқиб этиб, ёндириб юборилганлигидан мактаб дарсликлари орқали танишимиз. Лекин ҳеч қандай куч тарих ғилдирагини тўхтатолмади. У баъзан тез, баъзан суст, гоҳида йиқилиб, гоҳида сурилиб олдинга қараб ҳаракат қилаверди. Шундай бўлаверди ҳам.

Афсуски, тарихнинг ана шу сабоғини ҳамма ҳам ўзлаштиролмади. Бундайлар асосан фақат мактаб эмас, ундан ҳам юқорироқ таълим ва илм даргоҳларида ўқиб, лекин уқимаган, амалнинг катта ё кичик курсисини эгаллаб турган мансаб эгалари эканлиги янада ачинарлидир.

Мана, ўзингиз кўринг. Мустақилликка эришганлигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президент Ислоҳ Каримов янги мулк шаклига ўтиш, мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий омили эканлигини таъкидлаб келмоқда. Бу йўналишда қатор фармону қарорлар қабул қилинди, керакли қонунчилик асоси яратилди. Албатта, маълум ижобий ўзгаришларга эришилди. Аммо...

Ана шу «аммо» деганимизни шарҳлаб кўп гап айтиш мумкин, ҳаётини мисоллар эса ғиж-ғиж. Масаланинг моҳиятини эса Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида Юртбошимиз айтган қуйидаги сўзлари аниқ ифодалаб турибди: «Бизнинг, балки, энг заиф томонимиз шуки, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни талаб даражасида ривожлантира олмаётимиз». Бу ҳолнинг сабабини давлатимиз раҳбари бирма-бир очиб берди. Банклар, назорат органлари махсус ташкил этилган турли палатаю уюшмалар, фондлар ё ишламаяпти ёки бюрократик идораларга айланиб қолган. Мажлисида, шунингдек, тадбиркорлар, мулк эгалари

синфини шаклантириш ҳам ҳозирча ҳукуратимиз ва маҳаллий ҳокимликларнинг бош мақсади ва вазифасига айланмаётганлиги танқид остига олинди.

Самарқанд вилоятида ҳар 90-100 оилга битта тадбиркор тўғри келади. Вилоятда кичик ва ўрта корхоналар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмида 15 фоизга ҳам етмаяпти. Энди ўзингиз таққосланг: АҚШда фақат кичик корхоналарнинг сони 18 миллиондан ортиқ бўлиб (республикамизда кичик ва ўрта бизнес субъектларнинг сони 5,5 мингга), улар саноат маҳсулотининг 48 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Биз ҳам ана шундай натижаларга эриша оламиз. Ахир, халқимиз меҳнатқаш, ҳеч қандай ишдан, қийинчиликлардан қўрқмаслигини биламиз-ку! Ўша шўро тизимидаги қулоқ қилишлар, ҳар қандай ташаббуснинг пайини қирқиб, уздабурон одамларни чайқовчи, «буржуй»га чиқариб қўйилганлиги, ҳаммани қашшоқлик асосида «тенглаштириш»га бўлган интилишларнинг салбий таъсири бор, албатта. Лекин ота-боболаримиз қонида бўлган тадбиркорлик, ишбилармонлик исиз йўқолиб кетмади. Бу хислатлар генлар орқали аجدодлардан авлодларга ўтганки, уни ҳеч қандай «пролетарларча ҳужум» йўқотиш қудратига эга эмас. Ахир, бундан бир ярим минг йил аввал Самарқандда бўлган Хитой сайёҳи боболаримиз болага 5 ёшидан бошлаб савод ва савдо-сотик илмини бир йўла ўргатишга киришганларини кўриб бежиз ҳайратга тушмаган эди-да!

Шундай экан, кейинги ўн йил мобайнида мавжуд объектив ва субъектив қийинчиликларга қарамадан тадбиркорликда маълум ютуқларга эришган юртдошларимиз фаолияти юқоридаги фикримизни исботлаб турганлиги эмасми? Ҳа, Президентимизнинг «мен тадбиркорларнинг бош ҳимоячиси» деган сўзларига ишонган ташаббускорларнинг янги авлоди бюрократик тўсиқларни енгиб, қўлидан нима келишини исботлаб турибди. Бундайларнинг сафи янада кенгайиши, уларнинг юрт ободлиги ва фаровонлигига қўшаётган ҳиссасини янада ошишининг фақат битта шарт бор – уларга халақит бермаслик керак. Шунда улар ўзиниям боқади, бизни ҳам боқади. Фақат алоҳида шахс, алоҳида оила бой бўлгандагина бугун мамлакат бой бўлиши мумкин. Тадбиркорлик йўлида тўсиқ бўлаётганлар бу ҳақиқатни тушунсалар-да, «ўзим бўлай, фарзандим бўлсин, жияларим бўлсин, ҳамма мустақил бўлиб кетса, мен кимдан оламан» деган

тайёр ошга баковулик психологиясидан фориғ бўлишолмаяпти. Буни давлатимиз раҳбари очик айтди: «Одамларга тидбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкети, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмағирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устиндан жинойи иш қўзғатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда».

Энди оёққа тураётган тидбиркорлар, ҳатто ўз вақтида иш ҳақи, акциялари дивидентини ололмаётган, ишчилари сони қисқариб бораётган корхоналар ҳам турли тидбирлар учун пул ўтказишга мажбур. Тўғри, футбол ҳам, ободончилик ишлари ҳам, шифохоналар ҳам, турли даражадаги фестиваллар, хайрия тидбирлари керак. Лекин уларга маблағ ўтказиш ихтиёрий бўлиши зарур эмасми? Қўйиб берилса, ўша корхоналар, хусусий тидбиркорлар бойиб, ўзини ўнглаб, оёққа мустаҳкам туриб олса, юртимизга, халқимизга уларнинг ўн чандон ортиқроқ фойдаси тегади.

Кичик корхона очиш, ҳатто уни ёпиш учун қанча вақт, маблағ ва асаб сарф қилинади. Кўпгина ташкилотларга бориш, уларнинг рўйхатида туриш керак. Гувоҳнома, лицензиялар учун пул тўлаш зарур. Шу сарсончиликларнинг ўзи одамни ҳар қандай янги ишдан бездириб қўяди. Мана бир мисол. Танишларимдан бири кичик корхона очатуриб, туман солиқ инспекциясига ИНН рақамини олиш учун 9 марта (!) боришига тўғри келган.

Дарҳақиқат, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тидбиркорлик йўлидаги ғовлар ҳақида кўп гапириш, кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин, ачинарлиси шуки, буни ўша мутасадди раҳбарларнинг ўзлари ҳам билишади. Энди гапга берилмасдан, амалий ишга ўтиш зарур. Президентимиз таъкидлагандек, «бугунги кунда тидбиркорлик субъектлари қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди». Ана шу вазифа қанчалик тез бажарилса, шунча тез мамлакатимиз тараққий тонади.

«Самарқанд», 2000 йил 25 февраль.

НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ КОРХОНАЛАР

Ҳа, давлат рўйхатидан ўтиб, амалда эса фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналарни шундай таърифлаш мумкин. Афсуски, уларнинг сони оз эмас. Фақат Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг деярли ярми фаолият кўрсатмаяпти. Шу муносабат билан ўз-ўзидан иккита савол тугилади: Нега эзгу ният билан ташкил этилган корхоналар ишламаяпти? Нима учун аросатда қолганлари йиллар давомида ёпилмай келинмоқда?

Биринчи саволга жавоб бериш учун кенг мушоҳада юритиш, чуқур таҳлил талаб этилади. Ушбу муаммонинг ўзи алоҳида мавзу. Чунки минглаб корхоналарнинг ишламаётганлигини фақат маблағ етишмаслиги, айримларнинг тадбиркорликда тажрибаси ёки укуви йўқлиги билан изоҳлаш унча ҳам адолатдан бўлмаса керак. Корхоналарнинг 50 фоизга яқини ишламаётган экан, бу ҳолнинг илдизини чуқурроқ ахтармоқ лозим. Бизнингча, бу муаммони таҳлил этишда жойларда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг эмин-эркин ривожини учун қай даражада шарт-шароит яратилганлигини, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун қандай амалий ишлар қилинаётганлигини обдон ўрганмоқ зарур. Чунки ҳар қандай фаолият унга мос муҳит ташкил этилгандагина самарали бўлмоғи мумкин. Тадбиркорлик ҳам бундан мустасно эмас.

Кўриниб турганидек, корхоналарнинг қарийб ярми ишламаётганлиги, яна қанчасининг ўта суст фаолият кўрсатаётганлигининг сабабини таҳлил қилиш учун битта мақола камлик қилади. Шунинг учун бу муаммони ёритишни бошқа сафарга қолдириб, ҳозир нима учун кўп йиллардан бери ишламасдан келаётган корхоналар ёпилаётганлиги сабабини устида тўхталасак.

Республикаимиз ҳукуматининг 1999 йил 3 июлда қабул қилган махсус қарорига биноан савдо соҳасида 3 ой, бошқа соҳаларда 6 ойдан ортиқроқ фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тугатиш талаб этилади. Ваҳоланки, бизда 2-3, ҳатто 6-7 йилдан бери ишламаётган корхоналар мавжуд. Четдан қараганда уларни тугатиш учун кўпгина ташкилотлар ҳаракат қилаётгандек. Булар – ҳокимликлар қошидаги

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда тугатиш комиссиялари, солиқ инспекцияси... Амалда-чи? Ҳамма оғирлик қандайдир сабаб билан иши юришмаган тадбиркорнинг гарданига келиб тушмоқда. Бундайларнинг гапига қараганда, корхонани ёпиш учун уни очишга писбатан ўн чандон оғир. Қўллаб маълумотнома талаб этилади: банкдан, солиқ инспекциясидан, йўл бошқармасидан, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимидан ва ҳоказо. Бу ташкилотлар шаҳар ё туман марказининг турли бурчакларида жойлашган. Баъзан бир-икки борган билан ишингиз ҳал бўлмайди: ё бошлиқ жойида йўқ, ё маълумотнома ёзиб берувчи ходим «иш билан чиқиб кетган», ё керакли бланка тутаб қолган. Бундан ташқари, яна газетага эълон бериш зарур. Ишламаган, корхона ташкил этиш давомида анча маблағи кетган, орзуси амалга ошмаган одам корхонани ёпиш учун яна қанча вақт ва пул сарфлайдими? Мангикан олиб қараганда бу унга керакми? Аслида корхона ҳеч қандай молиявий операция ўтказмаганлиги ҳақида банкдан олинган маълумотнома асосида ёпилса, тўғрироқ бўларди. Унинг раҳбари муҳр ва тамгани топширганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатни келтирса kiffoя.

Бу таклиф яқинда ташкил этилган ёки эгаси, манзили аниқ бўлган кичик корхоналарга тўғри келади. Лекин аксарият кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фақат номи маълум. Уларни низомида кўрсатилган манзилдан топиш амри маҳол. Эгаси ёки раҳбари номнишонсиз бўлиб кетган, айримлари чет элга кетиб қолган. Бундай шароитда асосий оғирлик солиқ инспекциялари зиммасига тушмоқда.

Ишламаётган корхоналар тугатилиб, вилоят ё туман «кўрсаткичларини яхшилаш» топшириғини олган солиқчилар ўз асосий ишларига путур етказиб бўлса-да, ана шундай қўшимча иш билан овора. Улар фақат керакли ҳужжатлар тўплашга қанча куч ва вақт сарфлашмоқда. Мабодо, кўп йиллардан бери фаолият кўрсатмаётган корхонани ёпиш учун барча керакли маълумотлар тўпланиб бўлганда ҳам ишнинг якуни бир муаммога бориб тақалиб қолмоқда. Корхонани тугатиш ҳақида газетага бериладиган эълоннинг пулини ким тўлаши масаласи ҳал бўлмаяпти. Солиқ идораларининг бюджетида бу мақсад учун маблағ ажратилмаган экан. Ҳар сафар бирор бир фирмани «смаган сомсага пул тўлаш»га мажбур қилиб, газета эълони учун пул тўлаттириш ўнғайсиз бўлса. «Айрим ҳолларда

жонимизга текканидан мажбур бўлиб, эълоннинг пулини ўзимиз тўлаяпмиз», деган солиқчилар ҳам бўлди. Лекин бу муаммони ҳал этиш йўли эмас-ку! Хўш, нима қилмоқ керак?

Бировларнинг корхонасини ёпиш илинжида югур-югурдан «сочи оқарган» солиқ идоралари ходимларининг фикрича, бу ишга оддийроқ ёндашса бўлади. Барибир, 3-4 йил ва ундан кўпроқ муддатда «жонсиз» ҳолатда қолиб келаётган корхоналардан уларнинг қарзини (солиқдан, турли ташкилотлардан қанча қарзи бўлганда ҳам) ундириш амалда мумкин эмас. Фақат эгаси аниқ бўлганларни қонун асосида жавобгарликка тортиб, қолганларини туман солиқ инспекцияси тавсияси билан тугатиш мақсадга мувофиқ эмасми?

Келгусида «ўлик» кичик корхоналар камроқ бўлиши учун мутахассислар бир қатор таклифларни ўртага ташламоқда. Мана, улардан айримлари.

Корхонанинг шакли ва фаолият турига қараб дастлабки ойлардаги фаолияти учун старли миқдорда низом жамғармаси бўлишни талаб қилмоқ зарур. Ҳозиргидай фақат низомда кўрсатиш билан чегараланмасдан, ҳисоб рақамига маблағ туширгандан сўнггина ишлашга руҳсат бериш лозим.

Ҳар йилнинг бошида корхоналарни қайта рўйхатдан ўтказиш керак. Шунда корхоналар катта қарз билан дом-дарақсиз йўқолиб кетмайди.

Чет элга ишга кетаётганлардан солиқ идорасидан қарзи йўқлиги ҳақида маълумотнома талаб қилиш зарур.

Бу ва бошқа таклифлар пухта ўрганилиб, мақбуллари ҳаётга жорий этилса, юқорида тилга олинган муаммо тезроқ ҳал бўлармиди?!

Аслини олганда, кичик корхоналарнинг очилиши ва ёпилишига табиий жараён сифатида, одатий ҳолдек қараш лозим. Чет элнинг ривожланган мамлакатларида бунга ўрганиб қолишган: бир кунда қанча корхона рўйхатга олинса, деярли шунчаси тугатилади. Бу йўсинда иш тутилиши эса аҳолининг қонунни қанчалик ҳурмат қилишига, умуман олганда, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

«Фидокор», 2001 йил 9 январь.

ЭРКИН МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ – УМУМБАШАРИЙ ТИНЧЛИККА

Бу дунёда ҳамма нарса нисбий, десак хато қилмаган бўламиз. Буюк испан рассоми Салвадор Дали ҳатто «мен нисбатан ақллиман. Ҳа, ҳа, фақат нисбатан», деган экан. Катта ва кичик, кенг ва тор, баланд ва паст тушунчалари ҳам нисбийдир.

Инсониятнинг дунё ҳақидаги тасавури ҳам асрлар давомида ўзгариб борган. Дастлаб ғорлардан кўним топган ва ўрмонларда ов қилиб кун ўтказган ибтидоий одам ўз қабиласи аъзоларидан бошқа инсонларни тасаввур ҳам қилолмаган. Антик дунё вакиллари – римликлар ва юнонлар ўзларини ва танҳо ўзларини юксак маданият соҳиби деб ҳисоблаб, бошқа халқларга паст назар билан қараган ва уларни «варварлар» деб атаганлар.

Буюк географик кашфиётларгача ҳам ер юзида мавжуд ҳар бир цивилизация ўзини танҳо ва ягона жамият деб тасаввур қилган ҳамда бошқа халқларни паст маданиятли, ғайридин деб ҳисоблаган. Масалан, хитойликлар учун ўз дунёси олам узра ягона бўлиб кўринса, японлар ўз мамлакатларини «Худолар юрти» эканлигига қаттиқ ишонганлар, франклар эса ўзларини «сара халқ» деб аташга даъвогар бўлишган.

«Ҳақиқат Пиреней тоғларининг бу ёғида (яъни Франциядан бошланади, **таъкид бизники – Т.Р.**), гумрохлик – у ёғида», дейишган экан аввал Монтень, ундан кейин эса Паскаль. «Варварлар» ва ғайридинлар билан маданий алоқа ўрнатиш ҳақида гап бўлиши мумкин ҳам эмасди. Улар билан фақат куч орқали мулоқот қилиш мумкин, деб ҳисоблашган. Шу тўғрисида ўзлари мақбул кўрган йўл – босқинчиликни ишга солишган.

Кейинчалик одамларнинг дунё ҳақидаги тасавури кенгайиб борса ҳам, лекин уруш тилида муомала қилиш камаймади. Аксинча, уларнинг тури, сони кўпайгандан кўпайди: бойлик орттириш учун уруш, янги ерларни забт этиш учун уруш, ўз динига тортиш мақсашида уруш... XX асрга келиб инсоният ўзини ўзи маҳв этиш хавфини юзага келтирди. Бунга, бир томондан, замонавий қирғин қуролиларининг яратилиши, бошқа томондан, экологик мувозонатнинг бузилиши сабабдир. Бундан бир неча йил олдин академик Андрей Сахаров қуйидагиларни ёзган эди: «Биз, балки, аллақачонлар экологик

халокатга олиб борувчи йўлга кириб қолганмиз. Биз фақат бир нарсани – йўлнинг қанчасини босиб ўтганмиз, орқага қайтишнинг иложи бўлмаган хавфли чизигача қанча қолганлигини билмаймиз».

Энди охир-поёни йўқ, ҳадсиз бўлиб кўринган дунё нисбатан мўъжазгина эканлиги маълум бўлди. Космонавтлар сайёрамиз кичик бир шар шаклида эканлигини, у уларга ҳимояга муҳтождай бўлиб кўринганлигини таъкидлашади.

Дарҳақиқат, Ерни авайлаб-асраш зарурлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Бу юқорида тилга олинган иккита хавфдан ташқари яна дунёда аҳоли сонининг (биринчи навбатда тараққий этаётган мамлакатларда) муттасил ортиб бораётганлиги натижасида барча турдаги ресурсларга бўлган талабнинг ошаётганлиги, жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдаги улкан тафовутлар, миллионлаб одамларнинг очлик, қашшоқлик шароитида кун кечиришга мажбур бўлаётганлиги, турли касалликларнинг кенг тарқалиб бораётганлиги, кейинги йилларда наркотик моддаларга ружу қўйганлар сонининг ортаётганлиги каби омиллар билан ҳам боғлиқ. Албатта, иккита бир-бирига қарама-қарши бўлган системанинг тугатилиши, аниқроғи, «социалистик лагер»нинг тарих саҳнасидан қайтмас бўлиб тушиб кетиши қуролланиш пойгасига барҳам бериб, учинчи жаҳон уруши туғилиши хавфини камайтирди. Аммо ер юзининг турли ўлкаларидаги маҳаллий урушлар сонинининг кўпайиб бораётганлиги ташвишли ҳолдир.

Вужудга келган вазият жаҳон афкор оммасидан қўл қовуштириб ўтирмасдан, интеллектуал салоҳиятни, маданиятни ишга солиб, эскича қарашлардан, қилиплардан халос бўлишни талаб этмоқда. Энди асрлар давомида шаклланиб келган ва ҳар қандай мақсадга эришмоқ учун куч ишлатиш зарурлигига асосланган уруш маданияти масалаларни муроса йўли билан ҳал қилишга ундовчи тинчлик маданияти билан алмаштириш зарурлиги аён бўлмоқда. Чунки фақат мустаҳкам тинчлик инсон ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратиб беради. Фақат осойишталик шароитида инсоннинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг кафолати бўла олади. Энди хавфсизликка бўлган муносабатнинг ҳам ўзгариши зарур. Бу борада ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майорнинг қуйидаги

сўзлари диққатга сазовор: «Қуролли кучлар демократик барқарорликнинг қафолати бўлиб хизмат қилмоғи лозим, чунки биз эркинлиги бўлмаган тўла хавфсизлик тизимидан, хавфсизлиги бўлмаган тўла эркинлик тизимига ўтолмаймиз. Ҳарбий вазирликлар ва мудоффаа вазирликлари аста-секин тинчлик вазирликларига айланиши керак».

Зўравонликдан мурасага, уруш маданиятидан тинчлик маданиятига ўтиш фақат давлат ва ҳукуматлар эмас, бутун жамият, ҳар бир шахснинг бурчи, вазифаси бўлмоғи лозим. Фақат урушни, кўпол куч ишлатишни қоралашнинг ўзи старли эмас. Ҳозир амалий иш бажариш вақтидир. Биринчи навбатда, маърифат ва маданиятни кенг тарқатиш учун интилоғимиз зарур. Чунки улар шахснинг хатти-ҳаракатига бевосита таъсир қилувчи омиллардир. Маърифатли, маънавияти баланд инсон сабр-бардошли бўлади, бошқалар билан мурасада яшайди, қалбида бошқаларга нисбатан шафқат, меҳр-муҳаббат жўш уриб туради. Бундайлар ўз қадр-қимматини билади. Моддий даражаси имкон берса бошқаларни қўллаб-қувватлайди, ўз қобилигига ўралашиб қолмайди.

Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик. Жамият ана шундай саводли, юксак маънавиятга эга бўлган одамлардан ташкил топган бўлса, бундай жамиятда барча муаммолар мураса йўли билан ҳал этилади, низо-жанжалларга ўрин қолмайди. Бундай жамиятлар қанча кўп бўлса уларнинг ўзаро тил топишиб кетиши осонлашади. Уларда халқлар ва алоҳида шахслар доирасида ҳам мулоқот ўрнатиш енгиллашади. Ҳеч бир нарса одамлар ўртасидаги мулоқот ўрнини босолмайди. Ўзаро эркин фикр алмашиш орқали халқлар яқинлашиб бораверишади. Бир куни бориб улар орасидаги «темир девор» суғий яратилган тўсик бўлиб, одамзоднинг номукамаллиги даврининг асорати эканлиги маълум бўлиб қолади. Демак, «келажак авлодни урушнинг мусибатларидан халос этиш» (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставидан) ва «тинчликни ҳимоялаш ғоясини сингдирмок» (ЮНЕСКО Уставидан) учун халқлар, жамиятлар, алоҳида шахслар ўртасидаги мулоқот муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай мулоқотни таъминлашда ҳамда сабр-бардошлилик, адолат, тинчлик ва барқарорликни тарғиб қилишда эркин фикр

минбари бўлган оммавий ахборт воситаларининг роли ва мавқеи бекиёсдир. Ўз фикрини баён этиш эркинлиги халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларидан ва демократик жамиятнинг энг муҳим элементларидан бири ҳамда эркин, мустақил оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги ўз навбатида эркин ва очиқ жамият мавжудлигининг шартини ҳисобланади. Инсон ҳуқуқининг ана шу томони «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 19-моддасида, «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси»нинг 10-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Фақат эркин матбуотгина демократик жараёнларнинг ривожланиши, демократик тамойилларнинг чуқур илдиз отиши ва улардан ортга чекинмасликнинг кафолати бўлиб хизмат қилишини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Ўз фикрини кўркмасдан эркин айта олишга ўрганган шахсда фуқаролик мавқеи мустаҳкамланиб, сиёсий онги ўсиб боради. Бундай шахс атрофда бўлаётган воқеаларга бефарқ қараб турмайди. Ҳар қандай ноҳақликка қарши бемалол муносабат билдираверади, тинчлик ва осойишталикнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади.

Умуман, тинчлик маданиятининг қарор топиши серкирра жараёндир. Бу йўлда давлат арбоблари, олимлар, педагоглар, шоиру ёзувчилар, журналистлар, дин пешволари – ҳамма-ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи талаб этилади. Бунга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2000 йилнинг Халқаро тинчлик маданияти йили деб эълон қилиниши кучли тўртки бўлади, деб ишонч билдиришни истардим. Бундан кейин доимо, мунгазам равишда барча халқларнинг онига тинчлик маданияти ғояси сингиб борса, «ахир, биз инсонмиз-ку, наҳот бир-биримизни муомала ва мулоқот орқали тушунишимиз мумкин бўлмаса», деган фикр ҳар бир инсоннинг ҳаёт тарзига айланса, барча муаммолар тинчлик тилида ҳал этиладиган бўлади. XXI аср тинчлик маданияти таътана қилсин. Бунга қаттиқ ишониб, халқлар ва алоҳида шахслар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаб бораверайлик.

«Самарқанд», 2000 йил 24 ноябрь.

ТҮЙ ТАМИЗИ – ТҮЙЧИДАН

Кунлар исиб, бозор расталарида мева-чева кўпайиб қолиши билан юртимизда тўй мавсуми бошланади. Хўш, ҳозирги иқтисодий аҳвол инобатга олиниб тўй-маъракаларимиз кам харажатли, саранжому саришталли ўтказиладими ёки яна исрофгарчиликкаю ортиқча дабдабага йўл қўйиладими?

Ана шу муаммо ҳозирги кунда иқтисодий муаммо доирасидан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этаётганлигини ҳар биримиз чуқур англаб етишимиз зарур назаримда.

Ҳар бир шахс, ҳар бир оила ўзига тўк яшаса, бой бўлса, жамият ҳам, давлат ҳам бой бўлади. Бу ҳақиқат ҳозир кўпчиликка маълум. Оила фаровон яшаши учун даромад аниқ ҳисоб-китоб қилиниши, ортиқча харажатларга йўл қўйилмаслиги, йиллар давомида йиғилган маблағ бир кечада хўжакўрсинга, сохта обрўй олиш йўлида совурилмаслиги лозим.

Дабдабали тўйдан кейин олинган қарз туфайли оилада вужудга келган салбий психологик вазият, латта-путта учун қудалар ўртасида бўладиган низолар, тушунмовчиликлар, келин-куёв ўртасидаги араз, ёшлар тарбиясини бузадиган ҳолатлар (пул қистириш, катта миқдорда спиртли ичимликлар истеъмол қилиниши, шовқин-суроннинг тонгача давом этиши) – буларнинг ҳаммаси тўйларнинг ўша юқорида қайд этилган ижтимоий жиҳатини ташкил этади.

Асримиз бошидаёқ йирик маърифатпарвар Махмудхўжа Беҳбудий «халойиқни барбод эта турган тўйлардан» халос бўлиш ҳақида фикр билдирган эди. Беҳбудий бошқа миллатларнинг бойлари фақирлар ва етимлар учун мактаблар, дорилфунунлар солиб берадилар, замонавий касалхоналар очадилар, жамияти хайриялар тузадилар, стипендиялар тайинлайдилар ва миллат бундай ишлардан фахрланади, деб таъкидлаб, бизнинг бойлар жуфта оти, аробаси, тўйи ила фахрланишини алам билан ёзади.

Афсуски, шунча вақт ўтишига қарамасдан маърака тузишда ман-манликка барҳам берилмади. Ҳали ҳам тўйга қанча меҳмон келиб кетганлигию қанча мол сўйилганлиги, нечта қозон осилганлигию неча шиша спиртли ичимлик ичилганлиги, келинга нечта кўйлак

қилинганлиги билан фахрланадиганлар йўқ эмас. Айниқса, 70-80 йилларда тўй-маъракалар мазмуни ва ташкил этилиши жиҳатидан ўзгача тус олди. Улар катта дабдаба билан, ўзаро мусобақа ўйнагандай ҳашаматли, анъаналаримизу ислом дини талаблари ҳисобга олинмаган ҳолда ўтказиладиган бўлди. Бунга жавобан матбуотда тўй, тўйчи, тўйхўр мавзусида кўпшаб фикрлар билдирилди, маъракаларни ихчам қилиб, замонга мос ўтказиш борасида таклифлар киритилди. Аммо тўй-маъракаларни рисоладагидай ўтказилишига эришилмади. Тўйларимизни кўрган чет эллик миллионерларнинг «мен бундай тўй қилолмас эдим, қилмасдим ҳам», дейишганидан яхши хабардормиз.

Энди бизда ҳам ҳам бир сўмнинг қадрига етиш вақти келди. Пул қаердан келишию қаёққа кетишини ҳисоблаб сарфламасак, бўлмайди.

Никоҳ тўйи, суннат тўйи, аза маъракаларини ўтказишда тежамкорлик билан, урф-одатларимиз ва шарият талабларига таянган ҳолда иш тутсак, айти муддао бўларди. Аслида кўпчилик кам харажатли тўй тарафдори. Лекин «таниш-билишлар нима деркин», деган мулоҳаза бошқаларга эргашишга ундамоқда.

Халқимизнинг «Кўрпанга қараб оёқ узат» нақли авваллари ҳам тўй ҳақида ёзилган кўпгина мақолаларда тилга олинарди. Ушбу нақл айниқса шу кунларда долзарб янграмоқда. Чунки жамиятимиз ижтимоий табақаланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми жамиятимизда турмуш даражаси турлича бўлган аҳоли қатламлари шаклланмоқда. Бу эркин бозор иқтисодиётининг маҳсули. Ҳар бир шахс ўз қобилияти, ишчанлиги, меҳнатга муносабати, интеллектуал ва ўз касбини эгаллаш даражаси бўйича бошқалардан фарқ қиларкан, турмуш даражасида ҳам фарқ бўлади. Бу табиий ҳол. Лекин ижтимоий табақаланишдаги тафовут қанчалик чуқур бўлиши – бу бошқа масала.

Демак, даромадимиз бир-биридан фарқ қилар экан, буромадда ҳам фарқ бўлади. Кундалик рўзгоримизнинг ўтишию кийинишимиздан бошлаб тўй-маъракаларимизгача тафовут бўлади. Аммо...

Давлатманш одам оқил бўлса ўзаро рақобат шароитида, гоҳида таваккалчиликка бориб топган маблағини сохта обрўй деб бир кечада

совурмайди. Бундайлар доимо Бехбудийнинг сўзларини ёдга олиб турса, айни муддао бўларди.

Самарқанднинг никоҳ тўйида тўйгача 4-5 та тадбир ўтказилади. Шулардан энг каттаси фотиҳа тўйидир. Фотиҳа тўйига 100-120 аёл учун дастурхон тузатилади. Бошқа ноз-неъматлардан ташқари дастурхонга 4-5 хил иссиқ овқат тортилади, спиртли ичимликлар кўйилади. Албатта, хонандаю созандалар раққосаси билан ҳозир у ерда.

Аёллардан сўнг эркаклар йиғилади. Ҳар икки томондан шароитга қараб меҳмонлар сони ҳар хил – 50 дан 100 кишигача. Яна ўша тўкин дастурхон, ичимликлар, раққосаю пул қистиришлар.

Ахир, буларнинг ҳаммаси ортиқча харажат эмасми?! Кимга керак бунақа исрофгарчилик? Тўйни фақат яқин қариндошу кўникўшнилари билан, хоксорона дастурхон тузиб ўтказиш вақти келмадимикан?

Уйида бир коса шўрва билан қаноатланадиган одам тўйга борганда ўпқонга айланадими? Ҳадиси шарифда битилганки, «никоҳ тўйида бир кун зиёфат беришлик суннатдир, икки кунлиги фарздир, лекин учинчи кунга ўтиш риёкорлик ва хўжақўрсинга қилинган иш бўлади».

Умуман, тўйларимизни рисоладагидай қилиб ўтказиш борасида ҳар бир шаҳар ва туман миқёсида кенгашиб олиш, ман-манлик билан маърака тузганлар атрофида ижтимоий фикрни шакллантириш вақти аллақачон етиб келди.

Бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса тўйларни ортиқча чиқимсиз ўтказишнинг йўлини топса бўлади. Бу борада айниқса маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла оқсоқоллари, дин пешволари катта таъсир кучига эга. Улар кенг жамоатчиликка таяниб, суннат ва никоҳ тўйларини рисоладагидек ўтказиш зарурлигини, аза маъракаларнинг эса кўшлари умуман ортиқчилигини ҳар бир киши онгига етказиш ишини кучайтиришлари зарур. Ҳар маъракада қўй сўйиш, дастурхон безаш, биби халифа олдига пулу кўйлақлар кўйишнинг ислом ақидасига умуман дахли йўқлиги, марҳумга фақат Қуръони каримдан қилинган тиловатининг савоби тегишини ҳар бир мусулмон билиши ва бу талабга амал қилиши лозимлигини ҳам

юртдошларимизга тушунтириш лоимлигини ҳеч ким инкор этмаса керак.

Миллатнинг заковатию маданий ва маънавий даражасини кўрсатувчи белгилардан бири тўй-маъракаларнинг қандай тузилишидир. Агар бойларимиз бу борада камгарона йўл тутишса, бошқалар ўз имкон (ҳамён)ларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишса, у вақтда буюк келажагимизга муносиб иш тутган бўламиз.

Биз юқорида тўйларимизни саранжом-саришта ўтишида ҳокимликлар, оқсоқоллар, бутун жамоатчилик масъул дедик. Бу тўғри гап. Лекин ҳалқимизда «Қўй семизи - қўйчидан, тўй тамизи – тўйчидан», деган мақол борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Тамизли одам ижтимоий фикрни албатта инобатга олади, биродари қасдига, рақобат мақсадида маърака тузмайди, ғараз ва риёдан холи бўлади, хоксор бўлади.

Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз юртдошим?

«Самарқанд», 1997 йил 16 май.

МАДАНИЯТ ҶОҒИ – МУҚАДДАС ДАРҒОҲ

Ғаразғўйлик, ҳасад, фиску фасод, бировнинг устидан ёзиш – буларнинг ҳаммаси ўта пасткашлик, инсон деган улўф номга иснод келтирувчи хислатлар эканлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Биламизу, аммо айримларимиз бу нопок амаллардан ўзимизни тиёлмаймиз. Ваҳоланки, инсон характердаги бундай қусурларнинг оқибатини буздан икки минг йил олдин римлик донишмандлардан бири ўзининг қуйидаги сўзлари билан аниқ очиб берган эди: «Ғаразғўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар – ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликка муҳаббатни ҳам тортиб олади». Афсуски, бундай ноқасларнинг қасофати бошқаларга ҳам уради. Кўпинча бегуноҳ, ишчан ва талабчан раҳбарлар азият чекишади, иш жойидаги муҳит бузилади.

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси А. Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари санъати тарихи музейини, вилоятдаги бошқа музейларни ҳамда қадимий шаҳардаги жаҳонга машҳур тарихий обидаларни ўз ичига олади. Бу ерда 200 нафардан кўпроқ ходим меҳнат қилади. Улар музей экспонатларини ўрганиш, сақлаш, сонини кўпайтириш, асрий ёдгорликларни ажлодларга етказиш устида кундалик юмушлар билан банд. Аммо кейинги йилларда музей-қўриқхонадаги ижодий муҳитга путур етказиш ҳоллари кузатишмоқда. Ортиқча текшир-текширлар одамларни ишдан қолдириб, жамоада асабийлик ҳолатини юзага келтирмоқда. Маданият муассасида, маънавият ва маърифат ўчоғида бундай нохуш аҳволнинг юзага келишининг сабаби нимада? Бу савол, албатта, кўпчиликни қизиқтиради. Унга жавоб топиш мақсадида музей-қўриқхонада бўлиб, ҳужжатларни ўргандим, раҳбарлар ва ходимлар билан суҳбат қилдим.

1993 йилнинг сентябрида музей-қўриқхонага бош директор бўлиб келган Нўмон Маҳмудов бу ердаги камчилигу нуқсонларни, айримларнинг ўз вазифасига эътиборсизлигини кўриб, бундай аҳволга чидаб бўлмаслигини ҳаммага очиқ маълум қилди. Энг ачинарлиси шунда эдики, мавжуд тартиб, аниқроғи тартибсизлик, музей экспонатларининг беному нишон йўқолиб кетишига олиб келган.

Йиллар давомида экспонатларнинг бор-йўқлигини аниқлаб беришга имкон яратадиган кенг камровли рўйхатга олиш (инвентаризация) амалга оширилмаган. Ишга янги олинган моддий жавобгар шахс ашёларни ўша кунги ҳолатида, рўйхат билан қабул қилган. Бунда ишдан кетаётган ходим уларни қандай ҳолатда ўз ихтиёрига олгани, унинг ишлаган даври мобайнида буюмлардан қанчаси йўқолгану яна қанча янгиси қўшилганлиги негадир инобатга олинмаган.

Ўша 1993 йилнинг октябрь ойида ўтказилган чуқур инвентаризация бир қатор ашёларнинг йўқолганлигини кўрсатди. Бу факт бўйича ҳуқуқ-тартибот органилари томонидан жиноий иш қўзғатилган эди. Бунга айбдор деб топилган собиқ бош сакловчи суд томонидан тегишли жазога тортилди.

Янги бош директорнинг ишни ана шундай қаттиққўллик билан бошлагани ўзини шу вақтгача жуда эркин тутиб келган айрим ходим ва бўлим бошликларига ёқмади.

Шикоятчи, ичи қора одам ўзининг жирканч мақсадига эришиш учун ҳамма восита яхши деб ҳисоблар экан. Бўлмаса, ўн йиллар давомида йўқолган ашёларни Н. Маҳмудов бўйнига юклашармиди? Ахир, унинг ўзи ўз фаолияти билан ўша камчиликларни очилишига сабабчи бўлган эди-ку! Бу ташаббус жазоланишнинг намунаси эмасми?

Шуниси ачинарлики, айрим раҳбарлар шикоятлар бўйича чуқур текшириш ўтказмасдан, жамоа фикрини ўрганмасдан хулоса чиқаришади. «Шикоят тушаяптими, демак, бу ерда бир гап бор. Бошимизни ортиқча гавғодан қутқазмиш учун шу одамни алмаштирсак бўлгани», — қабилида фикр юритишади улар. Четдан туриб сувни лойқалаётганларга айнан шу керак эмасми?

Ҳар қандай шахсга унинг амалий фаолиятига қараб баҳо берилади. Агар у раҳбар бўлса, ўзидан олдингиларга нисбатан қандай ўзгаришлар қилганлиги инобатга олинади.

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Раҳимжон Қаюмовнинг таъкидлашича, 1994 йилгача А. Икромов номли Ўзбекистон ҳақлари санъати тарихи музейининг фақат 30 фоиз майдони фойдаланиб келинаётган эди. Шундан сўнги уч йил давомида музейнинг 5000 м² ҳажмдаги майдони тўла ўзлаштирилди. Яъни янги экспозициялар ташкил этилди.

Авваллари фондларда кўпчилик кўзидан панада бўлган тарихий ашёлар музей экспонатлари ичидан жой олди. Натижада музей мамлакатимиз музейлари орасида ўзлаштирилган фойдали майдони жиҳатидан биринчилар қаторига чиқиб олди.

Кейинги йилларда, шунингдек, Мирзо Улуғбек музейининг экспозицияси тўласича янгиланди. Садриддин Айний музейи таъмирланиб, қайтадан жиҳозланди, вилоят ўлкашунослик музейида тамоман янгиланган табиат бўлими ишга туширилди, тарих бўлими янада бойитилди, Алишер Навоий музейи ишга туширилди. Давлат музейи ходимлари ёзувчи Фотех Ниёзий, шоир Ориф Гулханий уй-музейларини ташкил этишда бевосита иштирок этишди. Албатта, бу ишларни амалга оширишда Маданият ишлари вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳомийлар четда қараб туришмади. Аммо бу ўринда музей-қўриқхона жамоаси ўз раҳбарларининг ташаббускорлиги билан барча ишларни масъулиятни англаган ҳолда амалга оширганлигини таъкидлаш жоиз.

Музейда илмий ва илмий-оқартув ишларини ўтказишда муҳим эътибор қаратилмоқда. Ходимларнинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ мақолалар тўпламлари нашр этилмоқда. 2000 йилнинг ўзида бу ерда 20 та кўргазма ташкил этилди. Шулардан 4 таси халқаро кўргазмалардир. Ноябрь ойининг бошларида «Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон музейлари» мавзусида халқаро семинар ўтказилади. Ушбу семинарнинг айнан Самарқандда бўлиб ўтиши ҳам бежиз эмас.

Музей жаҳонга йўл олишга интилмоқда. Бу йўналишда дастлабки кадамлар қўйилди. Музейнинг 130га ноёб экспонатлари ўтган йили АҚШнинг Пенсильвания штатида намойиш этилган бўлса, бу йил улар Ганновердаги «Экспо-2000» кўргазмасидаги Ўзбекистон Республикаси павильонини безаб турибди.

Айни пайтда Германия олимлари билан ҳамкорликда XVI-XIX асрларга оид қўлёзмалар каталогини тузиш бўйича иш олиб борилмоқда. Афросиёб музейидаги VII асрга оид деворий расмларни сақлаб қолиш борасида Франция олимлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. АҚШ элчихонаси билан қатор лойиҳаларни бажариш мўлжалланган.

Кейинги йилларда илмий изланишлар борасида рўй берган ижобий ўзгаришларга музейнинг санъатшунослик бўлими мудирини Зайнаб Иваницкая биз билан суҳбатда илиқ муносабат билдирди. 30 йилдан бери шу ерда фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали санъатшуноснинг ҳолисона фикрлари диққатга сазовордир. Ҳар қандай жамоада биринчи ўринда умумий иш манфаати туриши кераклигини уқтириб, Зайнаб Гаясовна музей экспозицияларининг янгилиги турилаётганлиги, илмий изланишларнинг жонланганлиги, чет эллик ҳамкорлар билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Албатта, 1999 йили содир этилган ўғирлик музей ходимлари учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Ўта моҳирона ишланган жул(отёпкич) ва бир нечта қадимий сўзана алмаштирилиб қўйилганлиги факти бўйича жиноий иш қўзғатилиб, айбдор деб топилган ходим ўз жазосини олди. Одиллик юзасидан шуни қайд этиш лозимки, қимматли экспонатлар алмаштирилганлигини музей раҳбарияти аниқлаб, тегишли органларга хабар етказган эди. Четдан туриб шикоят ёзганлар негадир бу фактни «унитишмоқда».

Умуман, қора ният билан ёзилган шикоятдаги фиску фасод вақт ўтиб ошкор бўлса-да, аммо бегуноҳ одамларга қанча озор етказди, жамоадаги муҳитга салбий таъсир қилади. Кўп ҳолларда «қўрқоқ олдин мушт кўтаради» қабалида иш юритувчи бундай кишиларнинг мақсади аниқ бўлса-да, айрим мугасадди раҳбарлар ўзларини ортиқча ташвишдан халос этиш учун ўшаларнинг чизган чизигига тушиб қолишади. Улар моҳир, ишчан, талабчан ва одил кадрни тарбиялаш ўз-ўзидан бўлмаслигини, бунга қанча вақт ва маблағ кетишини инобатга олишмайди.

«Фидокор», 2000 йил 9 ноябрь.

АЛЛОМАНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жаҳон халқларининг маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ислом ҳуқуқшунослигининг асосчиси Бурҳониддин Марғиновичнинг ҳижрий сана билан 910 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори алломанинг ҳаёти ва фаолиятига олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчиликнинг қизиқишини кучайтирди. Баҳс-мунозарага сабаб бўлган муаммолардан бири алломанинг қабри қаерда жойлашганлиги ҳақидаги масаладир. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раисининг ўринбосари, манбашунос олим, филология фанлари доктори Шухрат СИРОЖИДДИНОВ билан суҳбатда бўлдик.

– Шухрат Самариддинович! Сиз Бурҳониддин Марғиновичнинг қабрини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимлиги қошида тузилган махсус илмий гуруҳга раҳбарлик қилдингиз. Ана шу гуруҳнинг тузилиш ва амалга оширган ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Халқимиз учун азиз ва мўътабар бўлган Бурҳониддин Марғиновичнинг қабри жойлашган ер хусусида Хатирчи тумани жамоатчилиги, Марғилон ва Риштон зиёлилари томонидан турли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб келинаётганлигидан хабардормиз. Алломанинг қабри 1966 йилда Самарқанддаги Чокардиза қабристонидан Хатирчи тумани Эшмурод Абдиев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган қабристонга кўчириб келтирилганлиги ҳақидаги хабар, айниқса, кўнчилик мутахассислар каби бизни ҳам лол қолдирган эди. Бир томондан, мустабид совет тузумининг дин аҳлига беаёв уруш эълон қилган 60-йилларида юрак ютиб, шу ишга қўл урган фидойи инсонлар ҳам бор бўлганлигидан қувонсанг, бошқа томондан, суриб ташланган Чокардиза қабристонидан айнан ул улуг зотнинг суяклари қандай фарқлаб олинди экан? – деган шубҳа кўнгилга ғашлик солган эди.

Аслида қатор мўътабар манбаларда Бурҳониддин Марғинович Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристонида дафн қилинганлиги қайд этилган ва мазкур қабрнинг аниқ ўрни белгилаб қўйилган.

Юзага келган масалага аниқлик киритиш мақсадида Самарқанд вилоят ҳокимлиги томонидан таниқли олимлардан иборат гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳнинг Навоий вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда иш олиб бориши келишиб олинди. Дастлаб архив материаллари асосида Чокардиза қабристонида аллома қабрининг ўрнини аниқлашга киришилди. Шу асосда қуйидаги хулосага келинди:

1. Чокардиза қабристони 1946 йилгача тўлиқ сақланган.

2. 1946 йилда қабристон ўрни ака-ука Аронбоевлар томонидан ўзлаштирилиб, уй-жой қурилган. Қурилиш ишлари 1955 йилда ниҳоясига етган.

3. Бурҳониддин Марғиновичнинг қабри шу давргача, яъни, 1955 йилгача сақланган бўлиши мумкин, лекин 60-йилларнинг ўрталарида қабр бўлмаганлиги аниқ. Буни ўша йилларда ўрта ёшларда бўлган Чокардиза маҳалласи фуқароларининг эътирофидан ҳам билса бўлади.

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичи Хатирчи тумани Эшмурод Абдиев жамоа хўжалиги ҳудудидаги Хўжақул эшон қабристонида кечди.

– Тадқиқотнинг ана шу қисми ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади деб ишонаман. Шу хусусда батафсилроқ тўхтаб ўтсангиз.

– Бажонидил. Хўжақул эшон қабристонининг шарқий қисмида учта алоҳида қабр мавжуд. Уларнинг бирида ўрнатилган оқ мрамор тошга у Бурҳониддин Марғиновичга мансуб эканлиги ёзиб қўйилган. Ушбу қабр бу ерда қандай пайдо бўлган? Воқеага гувоҳ кишиларнинг айтишларича, бунга асли Намангондан бўлган, Қўқон мадрасасида таълим олган, 30-йилларнинг бошларида дин аҳлига нисбатан уюштирилган қатагон туфайли Хатирчига келиб қолган Атауллохўжа Абдулмўмин ўғли дахлдордир. Мулло Мўмин Бердиев деган сохта ном остида яшашга мажбур бўлган бу маърифатли шахс 1966 йилда Чокардиза қабристонини суриб ташлашга тайёргарлик кўриляётган бир пайтда Бурҳониддин Марғиновичнинг хоки (бир халтачада тупроқ, иккинчи халтачада суяклар)ни бир сигир пули эвазига сотиб олиб келган ва қишлоқдаги қабристонга қўйган. Бу Мулло Мўмин

бобонинг нақадар миллатпарвар, маънавияти юксак фидойи инсон эканлигидан хабар беради.

Албатта, қабристондаги суяклар Чокардизадан олиб келинганлиги эътироз уйғотмайди. Улар Чокардизанинг қасридан олинган, айнан Марғиновичга тегишлими, деган саволга жавоб тополмадик. Шу сабабли буюк аллома қабри деб атаб келинаётган қабрни очиб, ундаги суякларни антропологик тадқиқ қилишдан бошқа чорамиз қолмаган эди.

– Бу ишга кимлар жалб қилинди ва у қандай натижа билан якуланди?

– Қабрни очишда гуруҳимиз аъзолари ва антропологлар М. Хўжаназаров, Б. Матбобоев, С. Мустафоқулов, В. Шодиев иштирок этишди. Шунингдек, Самарқанд вилояти бош имом хатиби Усмонхон хожи Алимов, Навоий вилояти бош имом хатиби Зикриллахўжа хожи Болтаев, Хатирчи тумани ҳокими Э. Турдимов, оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳам ҳозир бўлишди.

Қабрдан учта бош суяги топилди. Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, улардан бири 50-60 ёшлардаги эркакка, иккинчиси 20-25 ёшлардаги аёлга ва учинчиси 45-50 ёшлардаги эркакка тааллуқли экан. Бир қабрда учта бош чаноғи бўлишини қандай изоҳлаш мумкин? Бу – суякларни сотган ўша одамнинг айби билан бўлган. Чунки у Мулла Мўмин Бердиевни халгачага солинган суяклар айнан Бурҳониддин Марғиновичники деб ишонтирган. Суяклар Хўжақул эшон қабристонига тун қоронғусида қўйилганлиги боис, сохтакорликдан ҳамма беҳабар қолган.

Демак, агар Бурҳониддин Марғиновичнинг 79 ёшда вафот этганлигини инобатга олсак, суяк қолдиқлари ул зотга тегишли эмаслиги маълум бўлади. Яъни, алломанинг қабри Самарқанддаги Чокардиза қабристонига бўлиб, хокини ҳеч ким, ҳеч қасрга олиб кетмаган. Ана шу хулосага келган илмий гуруҳимиз яна иккита тавсияни ўртага ташлади. Биринчидан, Хатирчи тумани аҳолиси томонидан 34 йилдан бери Бурҳониддин Марғиновичнинг қабри сифатида зиёратгоҳга айлантирилганлиги ва халқ қалбида чуқур ўрин олганлиги боис бу жойни алломанинг рамзий қабри сифатида қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Иккинчидан, мустабид шўро мафқураси халқимизнинг миллий-диний кадриятларини, кўп

минг йиллик тарихимизни йўқ қилишга уринаётган бир пайтда миллатнинг буюк даҳолари хокларининг таҳқирланишига чиқолмай, катта хавф ва машаққатлар эвазига уларни сақлаб олишга уринган фидойи инсон Атауллоххўжа Абдулмўмин ўғлининг ҳаёти ва фаолияти жиддий ўрганилиши ва тарғиб қилиниши лозим. Зотан, ана шундай одамлар туфайли 70 йиллик мафкуравий тазйиқ халқ қалбидаги эътиқодни сўндира олмади. Чунки буюк ўтмишимиздан фахрланиш туйғуси асли ана шундай миллатдошларимизнинг қалбидан алангаланиб турган ва халқнинг ўз миллий қадриятларига хурмат ҳиссини уйғотиб борган.

Илмий гуруҳимиз тадқиқотларининг асосий натижаси ҳақиқатнинг қарор топиши бўлди. Шу муносабат билан бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Қайси аллома қаерда туғилиб, қаерда дафн этилган, деб талашинишга ҳожат йўқ. Ўзбекистонимизнинг замини муқаддас. Унинг ҳар бир қарич ери қадамжо. Буюк шахслар мамлакатимизнинг фахри ҳисобланади. Миллатнинг бир бутунлиги ҳам, унинг куч-қудрати ҳам ана шу бирликни чуқур англаб яшашда эмасми?

«Самарқанд», 2000 йил 5 август.

САБОҚЛАР

Баъзи вилоятларда ҳокимларнинг икки-уч йилда алмашаётганлиги одатий ҳол бўлиб қолди. Ҳар сафар вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида катта умид билан сайланган раҳбар ўзига билдирилган ишончни оқламай, ўрнини бошқасига бўшатиб беради. Бир қатор вилоятларда бу ҳол кейинги 6-7 йил ичида икки-уч мартадан такрорланди. Биз бунга шунчалик ўрганиб қолдикки, ҳатто эътибор ҳам қилмаймиз, ЎзТВнинг «Ахборот» дастуридан «навбатдан ташқари сессия» бўлиб ўтганлиги ҳақида хабарни эшитишимиз билан «яна қайси ҳоким ишдан кетди экан-а», деб уни одатий бир воқеа сифатида қабул қиламиз. Аслида, бу шунчалик ҳам оддий ҳолатми? Тасоддифми? Менинмча, бундай дейиш масалага жуда содда, жўн қараш бўлар эди.

Ўтган ҳафта бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси материаллари билан танишар эканман, хаёлимни яна ўша саволлар банд этди. Ва беихтиёр 1998 йилнинг кузини эсладим. Ўшанда Навоий ва Самарқанд вилоятларида янги ҳокимлар қўйилган эди. Улардан биринчиси уч ярим йилга «дош берган» бўлса, иккинчиси ундан саккиз ой камроққа «чидади».

Вилоятда биринчи раҳбарнинг фаолияти қанчалик самарали бўлса, ҳаммамизга, унинг ўзига ҳам шунчалик яхши. Асосий масала уни ўраб олган муҳитда, унинг зиммасидаги ваколатларнинг ўта кўпчилигида, унинг фаолиятини пастдан, ҳеч бўлмаганда халқ депутатлари Кенгаши томонидан назорат қилиш механизми йўлга қўйилмаганлигида ва, ниҳоят, бошқарув тизимида шаффофлик, яъни очиқ-ойдинлик етарли эмаслигидадир.

Ушбу фикрни Навоий вилоятидаги сессияда келтирилган айрим рақамлар асосида изоҳлашга ҳаракат қилиб кўраман.

Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сонининг камайганлиги шу вақтгача конвертация соҳасида мавжуд бўлиб келган мавҳумлик билан боғлиқ эмасми? Бундан уч-тўрт йил олдин техника, технология олиб келган чет эллик фирмалар ҳар доим ҳам исталган вақтда ўзига тегишли маблағни қайтариб ола олдими? Турли даражадаги таъмагирлик-чи? Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида хавфсизлигимизга таҳдид солувчи реал манбалар

қаторида кўрсатиб ўтган коррупция ҳақидаги фикрлари ҳозиргача долзарблигини еўқотган эмас.

Умуман, чет эл инвестициясини жалб қилишни кучайтириш, сармоядор учун қулай шароит яратиб бериш учун нималар қилиш лозимлигини билиш мақсадида мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган кўшма корхона раҳбарлари билан очиқчасига мулоқот ўтказиш зарур. Уларнинг амалий таклифлари асосида бу йўналишдаги ишларни тубдан ўзгартириш талаб этилади, менимча.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳволни таҳлил қилганда, пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг пастлиги, фермер ва деҳқон хўжаликларида депсинишлар, 2 минг гектардан кўпроқ ер майдонининг экин экилмасдан қолиб кетганлиги, деярли шунча ер эса ҳисоботдан яширинганлиги, чигит экилган бир неча гектар майдондан умуман ҳосил олинмаганлигининг илдизига, бош сабабларига эътибор қаратиш лозим. Бу муаммолар у ёки бу кўринишда бошқа вилоятларда ҳам мавжудлигини назарда тутиб, шунга яраша хулоса чиқариш зарурдай, назаримда. Кўп ҳолларда ҳосил йингим-терими даврида катта куч сафарбар этилади, ҳолос.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим бўлган қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун биринчи навбатда деҳқоннинг, бевосита ерда ишлаётганларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга эришмоқ лозим. Улар билан йил бошида тузиладиган шартнома шартини тўла бажариш, жумладан ҳосилнинг режадан ортигини ишлаб чиқарувчининг ўзига қолдирмоқ зарур. Келинг, битта ана шу охириги шартнинг бажарилиши оқибатларини олиб кўрайлик. Ўзига қолдирилган, айтايлик, ғаллани деҳқон бозорга чиқариб сотади. Бозорда маҳсулот кўпаяди, демак нархи арзонлашади. Бу ҳол бошқа соҳаларга ижобий таъсир кўрсатади. Деҳқон эса пулини нима ҳам қиларди? Оиласига, хўжалигига керакли маҳсулот сотиб олади. Бу билан бошқа товарларнинг кўпайишига сармоя киритади. Давлатнинг ҳам тушим ва солиқ кўринишдаги даромади ошади. Ва, энг асосийси, деҳқоннинг меҳнатга бўлган муносабати ижобий томонга қараб ўзгаради. Қанча кўп ишласа, шунча кўп даромад қилишига у энди ишона бошлайди. Шундан кейин уни ишлашга мажбурлашнинг ҳожати қолмайди. Шудгорнинг сифатини

текширгани прокуратура, гўнг ташишни ташкил этишда ЙПХ, экинларни пайхон қилишнинг олдини олиш ва тайёр маҳсулотни омборга етказиш учун милиция ходимларининг ҳожати қолмайди. Вилоятдаги бошқа соҳа раҳбарлари вакил – «уполномоченный» бўлиб, хўжаликма-хўжалик юришлари, ўзлари билмаган соҳага аралашуви каби эски замондан қолган иллатга барҳам берилади. Ҳамма ўз ишини бажаради. Бундан бошқа соҳалар ҳам фақат ютади.

Навобий вилоятда эса пахта шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга берилиши лозим бўлган пахта ёғи, кунжара, шелуха номигагина тарқатиб берилган, холос. Сессияда бу хусусдаги аниқ рақамларни келтирар экан, Юртбошимиз ўртага шундай ҳаққоний саволни ташлади: «Ахир, вилоятнинг ўзида ҳам бевосита шу масалага жавобгар бўлган ҳокимлар бор, прокурор бор, турли идоралар бор. Хўш, булар қаёққа қараяпти ўзи?» Вилоятда ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни Президент И.Каримов халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги аҳвол мисолида очиб берди. Маориф соҳасидаги энг катта ва долзарб муаммо мактабларда ўқитувчилар етишмаслигидадир. Жуда бўлмаганда эски бинода ёки 2-3 сменада ўқитиш мумкиндир. Бунда таълим сифатига путур етиши аниқ. Лекин ўқитувчи бўлмаса, ҳеч қандай таълим бўла олмаслиги яна ҳам аниқроқдир. Фақат иккита ўқув фани ва жисмоний тарбия бўйича 790 нафар ўқитувчи етишмаслиги жуда аянчли ва зудлик билан чора кўришни талаб қиладиган бир ҳолдир. Бунинг асл сабабини аниқлаб, тегишли чора кўрилмас экан, бирор-бир соҳада ютукқа эришиш мушкул. Бу соҳада бошқа вилоятларда аҳвол Навобийдагидан яхшироқми?

Шу муносабат билан айни кунларда Самарқанд маорифчилари орасида тарқалган бир миш-миш устида тўхталмасдан бўлмайди. Гўёки мактаб ўқитувчиларининг бир ҳафталик ставкаси 50 фоизга ошиб, 16 соатдан 24 соатга етармиш. Агар шундай бўлса, дейишмоқда ўзим суҳбатда бўлган муаллимлар, мактабда ишлаш учун моддий жиҳатдан ҳеч қандай қизиқиш қолмайди. Бундан уч йил олдин синфдаги ўқувчилар сонининг оширилганлиги ўқитувчига (ўқувчиларга ҳам) қанча қийинчилик туғдирган эди. Энди дарс ставкаси оширилса...

Навбатдан ташқари сессияда тилга олинган бошқа хато-камчиликлар ҳақида сўз юритиб, қоридагидай ўзга вилоятлардаги аҳвол

билан қиёслаш мумкин. Мана, масалан, Юртбошимиз куйиниб гапирган раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш борасида мақтовга лойиқ ишлар қаерда рисоладагидек бажарилган ўзи?

Кейинги йилларда амалдорлар орасида одатий бир ҳолга кирган ўта бемаъни иллат – кўпчилик олдида бемалол оғзи шалоклик ҳам ўзини ҳокими мутлақ деб англаш оқибатидир. Бундан сал олдин, олий ўқув юртида ёки корхонага раҳбар бўлиб юрганида уятчанлик билан ном чиқарганлар ҳам биринчи раҳбар бўлиб олиши билан тез айнимоқда. Бошқа киши томонидан бошқа жойда айтилганда жавобгарликка тортишга тайёр турган ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари ҳам жим. Аслида, дўк-пўписа, ҳақорат ожизлик аломати эмасми? Қўрққан одам қулдай, онгсиз, азбаройи мажбур бўлганидан зиммасига юклатилган ишни номигагина бажаради-ку!

Бундан 500 олдин Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» рисоласида «одамзоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир», деб таъкидлар экан, мартабага эришган одамнинг суҳбатда амал қилиши зарур бўлган қоидаларни санаб ўтади. Мана, ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган ўша қоидалардан айримлари: «биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин... Олтинчидан, агар сўзнинг қиммати-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг униб чиқмайди».

Хар қандай амалдорнинг оёғи ердан ажралмаслигини таъминловчи, халқ хизматкори эканлигини доимо унга эслатиб турадиган восита бошқарув тизимидаги шаффофликдир. Яъни бу шундай шароитки, турли даражадаги раҳбарнинг фаолиятидан аҳоли хабардор бўлиб туради, унинг қилаётган иши парда ортида яширинмаган, очиқ-ойдин ҳолда ўтади. Хато қилса, нотўғри йўлга қадам қўйса, оммавий ахборот воситалари орқали ўша заҳотиёқ бутун мамлакатта ошкор этилади. Натижада нуқсонларнинг чуқур илдиз отишига йўл қўйилмайди. Афсуски, бизда маҳаллий ҳокимликларнинг бюллетени даражасига тушиб қолган вилоят, туман, шаҳар газеталари бошқарув тизимидаги

шаффофликнинг таъминлаш воситаси бўла олишмаяпти. Бу соҳага ҳам катта ўзгаришлар киритиш, ОАВни ҳақиқат ва адолат мезони асосида ишлашини таъминлаш, марказий газеталар, радио, ТВнинг вилоятлардаги журналистлари мақомини ўзгартириш, уларнинг жойлардаги ҳаққоний аҳволдан мамлакат аҳлини ўз вақтида хабардор қилиб туришини таъминлаши каби ўта муҳим вазифаларни бажариш вақти аллақачонлар етиб келган. Аксинча, асли вазиятни очиқ-ойдин танқид қилган, амалдорнинг эгаллаб турган вазифасига қарамасдан унинг ноҳўя хатти-ҳаракатини қаламга олган журналистни таъкиб қилган ёки шундай мақола чоп эттирган бош муҳаррирга таҳдид қилган ҳар қандай мансабдор шахс қаттиқ жазоланиши керак. Бундай раҳбарнинг телефон ҳуқуқидан фойдаланиб, кимларнидир ҳимоя қилиши илнжида юргизаётган фаолияти жамият ривожига тўғанок бўлаётган иллат сифатида баҳоланиши лозим.

Вилоятлардаги биринчи раҳбарлар кўп йиллар давомида самарали ишлаши юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида ўзини бахшида этиши, ўзини эл хизматтори сифатида чуқур англаши учун маҳаллий бошқарув тизимида туб ислоҳотлар ўтказиш шу куннинг талабига бўлиб қолган.

«Моҳият», 2002 йил 7 июнь.

УМРБОҚИЙ ОБИДАЛАР

*уларни асл ҳолатида авлодларга
етказиш хусусида айрим мулоҳазалар*

*Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий,
маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга
мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат
муҳофазасидадир.*

*Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 49-модда*

«Агар бир неча йил олдин бу ерга келганимда, бунчалик дабдабали бўлмаса-да, аммо асл нарсаларни кўриш менга насиб этарди», деб ёзган эди ўкинч билан бундан беш йил аввал чет эллик журналистлардан бири Гўри Амир макбараси ҳақида сўз юритиб.

Кейинги йилларда олимлар, мутахассислар, оддий сайёҳлар томонидан тарихий обидаларимизни таъмирлаш, тиклаш ва худудини ободонлаштириш борасида қилинаётган ишларга юқори баҳо берилмокда. Шу билан бирга, улар айрим ҳолларда бу ишларни бажариш давомида ўзини окламаган воситалар қўлланилаётганлигини, аждодларимиз мероси, жаҳон цивилизацияси дурдоналари ҳисобланмиш ёдгорликларнинг ўзига хослиги, яъни тарихий колоритини сақлаб қолишга ҳар доим ҳам етарли эътибор қаратилмаётганлигини афсус билан қайд этишмокда. Бу ҳақда матбуот ҳам бонг уриб турибди. Масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1996 йилда соҳа билимдонлари бўлмиш олимлар иштирокида давра суҳбати ўтказган эди. Ушбу соҳадаги муаммолар ҳар томонлама таҳлил этилган бир саҳифалик мақола ҳам эълон қилинганди ўшанда. Орадан икки йил ўтиб, «Халқ сўзи» газетаси ҳам «Ёдгорликларни тиклашга тўғри ёндашайлик» номли мақола чоп этган эди.

Хўш, шундан кейин нима ўзгарди?

Олимлар, мутахассислар, усталар фикр-мулоҳазасини ўрганиб, асрий обидаларга муносабат масаласида йиғилиб қолган муаммолар қаторида юқоридаги саволга ҳам жавоб қайтаришга ва айни пайтда кенг жамоатчилик диққат эътиборини бу муҳим масалага қаратишга ҳаракат қиламиз.

Мазмунми ёки шакл?

Тарихий обидаларимиз биз учун нафақат ота-боболардан қолган улкан мерос сифатида қадрли ва азиздир. Улар ўз замонаси ҳақида, ўша даврнинг илм-фани, санъати, меъморчилиги даражасида яшаган одамларнинг диди хусусида муҳим маълумотлар берувчи бирламчи манба сифатида ҳам қимматлидир. Шундай экан, ўтмиш ёдгорликларига «чирой» бериш илм-фанида кейинги пайтларда амалга оширилаётган ишлар илмий нуқтаи назардан қанчалик асосли? Тарихан ёндашиб қараганда, қилинаётган улкан сарф-харажатлар қанчалик ўзини оқлайди?

Хар бир тарихий обида маълум бир даврнинг маҳсули экан, ундан ўша замон руҳи «уфуриб» туриши керак эмасми? Ёдгорликларни темир, бетон ва бошқа қурилиш материаллари ёрдамида тиклаш уларни замонавийлаштириб, асл қимматини тушириб юбормайдими? Уларнинг теварак-атрофини ободонлаштириш мақсадида эски бинолар олиб ташланаётганлиги обидаларни «яккалатиб», ўз даврига хос бошқа бинолар билан бир бутунликни ташкил этиб турган уйғунигининг йўқолишига олиб келмайдими?

Ушбу саволлар билан дастлаб Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти тарихий ёдгорликларни таъмирлаш кафедраси мудирини тарих фанлари доктори, профессор Абдуғани Абдураззоқовга мурожаат этдим. Қирқ йилдан ортиқроқ вақт мобайнида моддий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари билан бевосита шуғулланиб келаётган ва бу соҳада кўнраб илмий тадқиқотлар олиб борган, янги таъмирлаш усулларини яратганлиги учун Ўта муаллимлик гувоҳномаси соҳибини бўлган олим мавжуд муаммо ҳақида батафсил, қўнрақлик билан сўз юритиб, жумладан, шундай деди:

— Албатта, ёдгорликларни хароба ҳолатида қолдириш уларга нисбатан ҳурматсизлик нишонасидир. Лекин уларни сақлаб қолишда замонавий фан ютуқларидан фойдаланиш зарур. Ҳозирча бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ёдгорликларга муносабат илмий меъёрларга жавоб бермайди. Илмий ишланмалар доимо ҳам инobatта олинмапти, деб бўлмайди. Бундан 6 йил аввал «ЎзАС» ҳафталиги ташаббуси

билан ташкил этилган давра суҳбатида бир қатор олимлар билан мен ҳам иштирок этган эдим. Ўшанда талайгина амалий таклифларни ўртага ташлаган эдик. Лекин улар эътиборга олинди деёлмайман. Негадир умумий ишнинг фойдасини кўзлаб таклиф берганларни ўз-ўзидан таъмирлаш ишларидан четлаштириш ҳоллари содир бўлмоқда.

Афсуски, ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклашда ишлати-лаётган материаллар ранги жиҳатидан мос келса бас, улардан фойдала-ниш одат тусига кириб қолган. Таркиби жиҳатидан-чи? Аслида фақат шаклига эмас, аксинча, кўпроқ мазмунига эътибор қаратмоқ муҳим.

Профессор А.Абдураззоқов суҳбатимиз давомида асрий обидаларимизни таъмирлаш(реставрация), тиклаш(реконструкция), бундай йўл тутишнинг иложи бўлмаганда, уларни сақлаб қолиш(консервация) масаласи устида ўз мулоҳазаларини билдирди. Олимнинг фикрича, ёдгорликларни чиройли қилиб номаълум рецептлар асосида таъмирлашдан кўра уларни консервация қилиш фойдалидир. Бугун амалга оширилаётган ишлар фаннинг бугунги куни маҳсули. Илм-фан ривожланиши натижасида ҳали шундай усуллар очиладики, ёдгорликларнинг ўша сақланиб қолган қисмидан катта маълумот олиш мумкин. Бу маълумотлар обидаларимизни юксакроқ асосда тиклаш учун асқотиши турган гап. Масалан, Бибиҳоним масжидини тиклаш давомида кўп қатламлари олиб ташланди. Ҳозир қайси жойи эски, қайсиси янги билиб бўлмайди.

«Самарқанд, Бухоро, Туркистон шаҳарларида ишлаб турган таъмирлаш устахоналари маҳсулотларини таҳлил қилиб кўрганганимизда, улар таркибида маълум фарқ борлигини аниқладик, — деди профессор А.Абдураззоқов. — Ушбу устахоналардан бирида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот(масалан, Самарқандда) бошқа шаҳарларда(масалан, Бухорода, Термизда), турли тарихий даврларга оид ёдгорликларда қўлланилмоқда. Яъни обидадаги асл материаллардан технологияси билан тубдан фарқ қилувчи, даври ва руҳи жиҳатидан ҳам бошқа-бошқа бўлган материаллар ишлатилмоқда. Бу — Навоий асарлари қўлёзмасининг кўринмай қолган жойларини тиклашда Пушкин асарларининг киритилиши билан баробардир».

Ушбу камчиликларни йўқотиш учун нима қилиш лозимлиги ҳақида сўраганимизда, олим энг муҳим вазифа эски технологияни

тиклашдан иборат эканлигини таъкидлади. У кишининг сўзларидан шуни англадимки, эски материалларнинг таркиби ҳозир мутахассисларга аниқ экан. Масалан, қадимий манбалар орқали бўёқларнинг таркибига тухумнинг оқи ва суг қўшилганлиги маълум. Лекин яна нималар ва қанчадан қўшилганлиги номаълум ҳамда буни аниқлашнинг иложи ҳам йўқ экан. «Жумладан, материалларнинг чидамлилигини ошириш учун ишлатилган органик бирикмалар қандай бўлганлигини билолмаяпмиз. Айримларининг изи бору ўзи йўқ. Юқори ҳарорат таъсири остида улар йўқолиб кетган», — дейди афсус билан профессор.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларида энг кўп фойдаланилаётган ғиштни олиб кўрганда, унинг ҳам рецепти маълум бўлган ҳолда таркибидаги хомашёнинг бир-бирига нисбати, пишириш муддати ва ҳароратини аниқлаш имкони бўлмаётган экан. Хатто хумдоннинг ҳар жойида ҳарорат ҳар хил эканлигини ҳисобга олишга тўғри келаркан.

Шу муносабат билан олимлар ва мутахассислар олдида турган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида суҳбатдошим шундай мулоҳаза билдирди: «Ёзма манбаларни, этнографик маълумотларни, архив материалларини, ёдгорликларнинг сақланиб қолган қисмини замонавий фан нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш зарур. Ана шу асосда тавсиялар ишлаб чиқиб, улардан амалга оширилаётган барча реставрация, консервация ва реконструкция ишларида фойдаланмоқ лозим.»

Ўтмиш хатолари сабоқ бўлмагач...

2001 йилнинг охирларида мамлакатимиз аҳлини қувонтирган хушxabар тарқалаган эди. Ўшанда, яъни декабрь ойида Самарқанд шаҳри ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди. Ушбу рўйхатдан ўрин олган 721та тарихий ва табиий ёдгорликлар умумжаҳон аҳамиятига эга бўлиб, ҳақли равишда дунё халқлари мулки ҳисобланади. Бу, шунингдек, ўша обидалар жойлашган мамлакат учун улкан шараф саналиши билан бирга, унинг зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

ЮНЕСКО ва бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан 1972 йилда қабул қилинган «Умумжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш ҳақида Конвенция»ни бажариш бўйича ишлаб чиқилган Қўлланмада маданият объектларининг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш ва чиқариш мезонлари аниқ белгилаб қўйилган. Қўлланмада Умумжаҳон

мероси рўйхатиغا киритилган иншоотлар ўз дизайни, тайёрланган материали, бажарилиш маҳорати ёки уни ўраб олган фон билан бир-бирига уйғунлиги жиҳатидан аслик ва яхлитлик мезонларини қондириши зарурлиги уқтириб ўтилган. Қўлланманинг айнан шу жойида Умумжаҳон мероси қўмитаси ёдгорликлар реконструкцияси ҳар қандай ҳақиқийлик даражасига бўлган даъвосига қарамадан, тахминлар асосида эмас, балки обиданинг аслига тегишли бўлган тўла ва мукаммал ҳужжатлар асосида бажарилган тақдирда мақбул ҳисоблашнишини таъкидлайди.

Умубашар мулки деб тан олинган ёдгорликларимизни (Самарқанддан ташқари Умумжаҳон мероси рўйхатиغا Хива шаҳридаги Ичан қалъа(1990й.), Бухоро(1993й.) ва Шаҳрисабз(2000й.) шаҳарларининг тарихий марказлари киритилган) сақлашда нафақат миллий қонунчилигимиз, балки халқаро талаб ва меъёрларни ҳам инобатга олишимиз зарур. Ана шу талабларнинг энг муҳими обидаларни асл ҳолатида сақлаш билан бирга уларнинг тарихан шаклланган ён-атроф билан уйғунлигини бузмаслик ҳамдир. Аслида обиданинг ўзи муҳофаза этилишидан ташқари, атрофи ҳам химоя ҳудуди саналади.

Афсуски, амалга оширилаётган ишлар давомида ушбу талаблар доимо ҳам инобатга олинмаяпти. Бир-бирига ўхшаш хатолар тақрорланмоқда. Авваллари йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кўп гапирилган бўлса-да, улардан тегишли хулоса чиқарилмаяпти. Улар негадир сабоқ бўлмаяпти.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Самарқанд шаҳрини «ободонлаштириш» ва унга «замоновий тус бериш» илминжида Регистон майдонига тугаш ҳудудда жойлашган бир қаватли уйлар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнида беш қаватли «қуттилар», мактаб ва музей бинолари қурилган эди. Улутбек замонида бунёд этилган деб ҳисоблашмиш ҳаммомнинг ўрнига ресторан қурилди. Ушбу биноларнинг ҳеч бири шарқ меъморчилиги талабига жавоб бермайди. Натижада учта мадраса ва Чорсу тимини ўз ичига олган ансамбль билан уни ўраб турган атроф ўртасидаги яхлит уйғунлик бузилди. Улар тарихий муҳитдан ажралиб қолди. Бу ерга келган сайёҳ замонавий шаҳардан бирданига ўрта асрлар ёдгорликларига кириб қолади. Боз устига улар XX аср усталари қўли билан, замонавий материаллар асосида тикланган.

Университет хибонидаги XIX асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган банк биноси олдида СамДУнинг химия ва физика факультетлари учун янги корпуси қурилди ва чиройли бинонинг олди тўсиб қўйилди.

Самарқанднинг эски шаҳар қисмида олиб борилган бу ишлар кейинчалик шаҳарсозликдаги жиддий камчиликлар сифатида қаттиқ танқид қилинган эди. Бу хатони тузатиш лозимлиги, энг асосийси, бундан кейин қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб боришда ўта эҳтиёт бўлиш зарурлиги таъкидланган эди.

Лекин, минг афсуски, кейинги йилларда айнан шундай камчиликлар яна такрорланди. Худди аввалгидек ободонлаштириш баҳонасида Гўри Амир ва Рухобод мақбаралари атрофидаги иморатлар бузиб ташланди. Уларнинг ўрни очик майдонга айлантирилди ва фавворалар бунёд этилди. Ундан ким ютди, ким манфаат кўрди? Буни билмадим-у, аммо шаҳар фақат ҳеч нарса ютмади, аксинча, кўп нарса ютқазди. Балки кўркамлик, ободлик ва шинамликини бошқача, «замонавийчасига» тушунадиганлар учун шаҳарнинг чиройи янада очилгандир? Лекин тарихий муҳитнинг бузилганлиги, улкан ёдгорликнинг атрофдан ажралиб, «яккаланиб» қолганлиги обиданинг ва бутун шаҳарнинг тарихий қимматига салбий таъсир етказгани-чи? Бунинг жавобини ким беради?

Соҳа мутахассислари билан бу борада суҳбатлашганимда, улар «бизнинг гапимизни ҳеч ким қулоққа илмайди, биз қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қилдик, лекин амалдорларга бир нарса деб бўлармиди», деб жавоб қайтаришди. Улардан бирининг таъкидлашича, авваллари сайёҳ Гўри Амир мақбараси томон бораётиб, иморатлар ичидан унинг фақат гумбазини кўрарди. Бу гумбаз уни ўзига оҳағрабодай тортарди ва сайёҳ унга қараб ошиқарди. Тор кўчалар орқали мақбарага яқинлашганида унинг кўз олдида маҳобатли ёдгорлик гавдаланарди. Бу ҳар қандай кишига сеҳрли бир манзара сифатида, ўзгача таъсир қиларди. Энди-чи? Узоқдан Гўри Амирни кўриб турасиз. Янги майдондаги фавворалар суви таъсири остида деворларига нам ўтган Рухобод мақбараси ёнидан эски бинолар ўрнида очилган катта кўча билан унга қараб бораверасиз. Унга яқинлашганингиз сари ёдгорлик ўз маҳобатини йўқотиб, ерга кириб бораётгандай кўринади сизга. Бунинг сабаби шундаки, кўчанинг сатҳи обида асосига қараганда анча

баланд. Илгарилари бир қаватли бинолар қуршовида у салобатли кўринарди.

Мутахассислар эътирозига сабаб бўлган яна бир «ободонлаштириш» иши шаҳарнинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб ҳудудидан автомобиль йўлининг ўтказилиши бўлди. Олимлар қаршилигига қарамасдан, амалдорлар босими остида шаҳар бош меъморининг лоқайдлиги натижасида муқаддас тарихимизни том маънода оёқ ости қилган лойиҳа амалга оширилди. Ҳа, бу ерда «оёқ ости қилинди» деган сўзлар фақат кўчма маънода эмас, тўғри маънода ҳам ишлатилмоқда. Чунки кўча остида икки ярим минг йиллик шаҳар ва унинг тилсимотлари ётибди. Ушбу йўл қурилишига қарши чиққан, лекин бундан фақат раҳбарларга ёмон кўриниб, ҳеч нарсага эришолмаган археолог-олим Муҳаммаджон Исомишдиновнинг ичи тўла дард. Аввалги лойиҳа бўйича жарлик орқали ўтиши керак бўлган йўл нега қадимги шаҳар устидан ўтказилганлигини олим ҳеч тушунолмаётган, ҳазм этолмаяпти.

Бу хатони ким ва қачон тузатади? Ана шундай хатолар «шодаси»дан нега хулоса чиқарилмаяпти? Мана, шу кеча-кундуздаги ишлардан бир мисол. Ҳозир шаҳарнинг Эски ва Янги қисмлари чегарасида — Университет хиёбонида кўп қаватли меҳмонхона қурилмоқда. Унинг макетини кўрган одам саноат корхонаси бунёд этилмоқда, деб ўйлайди...

Негадир бу кўҳна шаҳарда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари вақтида 1982 йилдаёқ ташкил этилган Самарқанд бирлашган тарихий-меъморчилик музей-қўриқхонаси мавжудлиги инобатга олинмаяпти. Қадимги Самарқанд ўрни Афросиёб, Темур ва темурийлар даврида вужудга келган Эски шаҳар ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида барпо этилган европача қисмлардан иборат музей-қўриқхонада бажариладиган ҳар қандай иш олдиндан вилоят тарихий ёдгорликларни сақлаш инспекцияси билан келишиб олинishi керак. Масалан, агар бирор-бир бино қурилаётган бўлса, баландлигининг қанча бўлиши, ёдгорликларнинг олдини тўсиш-тўсмаслиги, ўз ташқи кўриниши жиҳатидан обидаларга мос келиши, атроф-муҳит билан уйғунлиги даражаси инобатга олинishi керак. Аммо, ушбу инспекция бошлиғи Майсара Набирасванинг тан олиб

уқтиришича, уларнинг фикри доимо ҳам ҳисобга олинавермайди. Бунинг натижасида жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда.

«Эндиги вазифамиз, кеч бўлса-да, йўл қўйилган хатоларни тузатишимиз, жаҳонга асл Самарқандни қайтаришимиз зарур», — дейди биз билан суҳбатда М. Набираева. Унинг сўзларига қараганда, Самарқанд ҳар ярим йилда бир марта ўзини Умумжаҳон мероси рўйхагига лойиқ эканлигини исботлаб туриши керак экан. «Ушбу рўйхатга кириш ўта мушкул, лекин ундан чиқиб кетиш жуда осон», — қўшиб қўйди суҳбатдошим.

Яна бошқа бир камчиликка Сиёб деҳқон бозори кенгайтирилиши вақтида йўл қўйилди. Мумкин бўлмаган даражада баланд қилиб мрамор ва қора ойнадан бунёд этилган бино ва равоқ шаклидаги иншоот шаҳарга Тошкент йўлидан кириб келувчилар диққатини ўзига жалб этиб, шундайгина унинг орқасида жойлашган Бибиҳоним масжиддан эътиборни чалғитади. Бу иншоотларни лойиҳалаштирган, уни қурган ва бунга рухсат берганлар ҳам ўзларини малакали, зўр мутахассис деб санашлари турган гап. Шундай бўла туриб, нега бунга йўл қўйилди экан-а?

Самарқанди азимнинг ўзи, ундаги турли даврларда бунёд этилган ёдгорликлар қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатиб турибди-ку! Битта мисол. Регистондаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари Улуғбек мадрасасидан икки аср ўтгач қурилганига қарамадан, улар бир бугун ансамблини ташкил этиб турибди. Улар бир-бирига шунчалик уйғунлашганки, билмаган одам уларни бир вақтда барпо этилган, деб ўйлайди. Афсуски, XX аср бинолари ҳақида бундай деб бўлмайди. Шу ўринда Бухоро шаҳри икки минг йил давомида бир бутунлик мезони асосида ривожланиб борганлигини эслатиш ўринлидир.

Бундан кейин хатолар такрорланмаслиги учун ҳар бир ёдгорликнинг паспорти, кенг маънодаги маълумотномаси тузилиши, олим ва мутахассислардан иборат кенгаш тузиб, бажариладиган ҳар қандай ишни унинг розилиги билан амалга ошириш амалиётига ўтиш керакдир?

Шу ўринда кадрлар тайёрлаш борасида икки оғиз сўз. Айни кунларда таъмирлаш соҳасига раҳбарлик қилаётганлар орасида меймор-реставратор ихтисоси бўйича махсус тайёрланган олий маълумотли мутахассис йўқ экан. Улар, узокқа борса, қурувчи умумий ихтисоси бўйича таҳсил

олганлар эмиш. Меъмор- реставратор билан бир қаторда муҳандис-реставраторлар тайёрлаш шу куннинг энг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олиши керак. Амалга оширилаётган ишларга бевосита раҳбарлик қиладиган(прораб даражасидаги) мутахассисларга талаб катталигига қарамасдан, улар ҳозиргача умуман тайёрланмас экан. Олий таълим тизимида ҳатто бундай ихтисоснинг ному нишони ҳам йўқ экан. Соҳада энг кўп талаб этиладиганлар таъмирловчи усталар бўлиб, уларни тайёрлаш учун махсус коллежлар зарур. Улар учун ўзимизнинг меъморчилигимиз асосида дарсликлар, қўлланмалар яратиш шу куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб турибди.

«Уста учун ишнинг сифати муҳим»

Моддий маданият ёдгорликларининг умрбоқийлигини сақлаб қолиш йўлида амалга оширилаётган ишларга билдирилаётган эътирозларни таъмирлаш соҳаси мутахассислари қандай қабул қилишмоқда? Уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаси билан танишиш мақсадида ҳозирги кунда «Меъмор-96» акциядорлик жамияти деб аталаётган Самарқанд махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармасида бўлдим. Жамият раисининг муовини Мўсинжон Ҳошинов ва бош муҳандис Ҳодихон Ақобиров билан суҳбатлашдим.

Етмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу корхонанинг малакали усталари Самарқанддаги барча обидалардан ташқари Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарларда ҳам қатор тарихий иншоотларда олиб борилган таъмирлаш ва тиклаш ишларида иштирок этиб келишмоқда. Улар ҳар йили 200-250 миллион сўм ҳажмида иш бажаришаётган экан.

«Меъмор-96» АЖ қошида ишлаб чиқариш цехи мавжуд бўлиб, у таъмирлаш ишларида қўлланилаётган сопол, мармар ва бошқа материалларни тайёрлаб бермоқда. Ҳ. Ақобиров бу ҳақда сўз юритар экан, «биз қадимий рецептлар асосида ишлаймиз. Масалан, қошшларни эскиларига қараб, уларнинг ранги, сифатига мослаб, аслига яқинлаштириб чиқараямиз. Маҳсулотларимизни қўллашдан олдин кўп марта талаб синовлардан ўтказамиз», — деди.

Ёдгорликларнинг йўқолиб кетган қисми номатълум бўлган ҳолда уни асл ҳолига ўхшатиб тиклашга қандай эришилаётганлиги хусусида

сўрадим суҳбатдошларимдан. Уларнинг гапларига қараганда, обидаларни таъмирлаш ёки тиклаш бўйича барча ишлар лойиҳаси Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси буюртмаси билан Ўзбекистон Таъмиршунослик институтининг Самарқанд вилоят филиали томонидан тайёрланаркан. Улар томонидан бажарилаётган ишлар лойиҳага қанчалик мос эканлигини вилоят ёдгорликларни сақлаш инспекцияси назорат қилиб тураркан. Агар лойиҳадан биро-бир чекиниш аниқланса, инспекция ходимлари ишни тўхтатишлари мумкин экан.

Суҳбатдошларимдан ёдгорликларни тиклаш қанчалик илмий асосда олиб борилмасин, уларни асл ҳолатига келгириш мумкин эмаслиги, ундан кўра бор ҳолатича сақлаб қолиш — консервация қилиш маъқул эмасми, деб сўрадим. Бунга жавобан улар қуйидагиларни уқтиришди: «Ёдгорлик тикланмаса, ёмғир, қор, шамол ва бошқа табиий омилилар таъсири остида тўла бузилиб кетади. Масалан, Бибихоним масжидининг пештоқи ва гумбази қулаб тушиш ҳолатида эди. Реконструкция орқали уларнинг асл кўриниши ҳам тикланди, ҳам бузилиб кетишдан сақланди».

Замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш обидаларнинг тарихий аҳамиятини камайтирмайдими, деган саволимга Ҳодихон Ақобиров «агар Амир Темур даврида арматура бўлганда, албатта ундан фойдаланишарди», деб жавоб қайтарди.

Анчадан буён тилимнинг учида турган саволни беришдан ўзимни тиёлмадим: «Ушбу масала бўйича олимлар ва мутахассислар билан суҳбатлашганимда, улардан айримлари тиклаш ишлари таъмирлаш корхонаси учун яхшигина даромад манбаи эканлиги учун ҳам улар бундан манфаатдор, деб айтишди. Ҳозир ўзларинг тан олганларингдек, йилига 250 миллион сўмгача иш бажараётган экансизлар. Юқоридаги фикрлар тўғрими, бунга нима дейсизлар?» Суҳбатдошларим бу гаплар ҳақиқатдан йироқ бўлиб, усталар учун энг асосийси бажарилаётган ишларнинг сифати эканлигини таъкидлашди.

Шундай экан, нега бўлмаса ёдгорликларнинг таъмирланган ёки тикланган жойи нисбатан қисқа муддат ичида бузилиб кетмоқда?

Ушбу суҳбатда кўтарилган муаммолар хусусида ёдгорликларда кўп йиллардан бери бевосита ишлаб келаётган усталар фикри билан

қизикдим. Бу ҳақда сўз юритишдан олдин ана шу соҳада илмий-тадқиқот олиб бораётган ҳамда кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган олимнинг мулоҳазаларини келтирмоқчиман.

Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти проректори, меъморчилик фанлари доктори, профессор Муҳаммад Аҳмедов суҳбатимизнинг аввалидаёқ тарихий обидаларимизда цемент ва темир-бетон маҳсулотларидан фойдаланишга қарши эканлигини билдирди. Гап бу қурилиш материалларининг ўша замонда бўлганида ишлатилини ёки ишлатилмаслигида эмас. Биз улар ишлатилмаганлиги фактидан келиб чиқишимиз лозим. Ахир, иншоотни мустаҳкамловчи бошқа воситалар бўлган-ку! Ҳозирда ҳам уларнинг аксариятидан фойдаланиш имкониятига эгамиз. Масалан, биз қоришмада цемент ёки гипс ишлатамиз. Цемент реакция бериш хусусиятига эга. У намни ўзига тортиб, кейин уни ташқарига беради. Ўрта асрларда эса ганч ишлатилган ва унинг турлари кўп бўлган. Агар ганчхоқ қоришма учун ишлатилган бўлса, гулганч пардозда, унинг қир теган тури бинонинг сувга чидамлилигини ошириш мақсадида ишлатилган.

«Лекин бу гаплардан обидаларни таъмирлашда замонавий материаллардан фойдаланиш мумкин эмас, деган хулоса чиқмаслиги керак, — деди профессор М. Аҳмедов. — Масалан, Улугбек мадрасасининг минорасини тиклашда унинг пойдевори асосига темир-бетон ишлатилди. Бу ўзини оқлайди. Лекин обидалар пештоқи реконструкциясида ушбу материалларнинг қўлланилишини тўғри деб бўлмайди». Олимнинг уқтиришича, Бибиҳоним масжидининг пештоқини тиклашда темир-бетондан фойдаланилганлиги унинг вазни оғир бўлишига олиб келган. У ҳозирча турган бўлса-да, вақт ўтиши билан оғирлик таъсири остида иншоот деформацияга учраши мумкин. Бу худди мункайиб қолган мўйсафиднинг елкасига ёш йиғит кўтара оладиган юкни ортиш билан баробар.

Реставрациями ёки консервация? Қайси усулдан фойдаланиш маъқул? Бу саволга жавобан олим ўзини обидаларимизни консервация қилиш, яъни таъмирлаш билан чекланиш тарафдори эканлигини таъкидлади. «Меъморчиликда консервациянинг ҳам, реставрациянинг ҳам бир қанча турлари бор. Улардан ижодий фойдаланиш ёдгорликларимизни асл ҳолатида сақлаб қолади, бузилиб кетишининг

олдини олади» — деди суҳбатдошим.. Масалан, нам ўтказмайдиган ҳар хил плёнкалар қопламаси мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш мумкин. Энг асосийси, бу ишга бир ёқлама ёндашмаслик лозим. Олиму мутахассислар фикрига қулоқ солиш зарур.

Профессор М.Аҳмедов жуда мажбур бўлган ҳоллардагина реконструкция усули ўзини оқлаши мумкинлигини уқтирди. Тиллакори масжиди гумбазнинг тикланиши ана шундай мисоллар сирасидан. Чунки гумбаз йўқлигида бино ичига сув кирарди. Шу билан бирга, гумбазнинг бунчалик оғир бўлишига йўл қўймаслик лозим эди.

Шу муносабат билан Гўри Амир мақбарасидаги икки миноранинг тикланишини олиб кўрайлик. Аслида минора масжидда бўлади, мақбарада эмас. Вақтида бу ерда мавжуд бўлган минора кейинчалик бузилиб кетган Муҳаммад Султон хонақоҳи ва мадрасасига тегишли бўлган. Энди эса негадир фақат миноралар тикланди. Ахир, мақбарага уларнинг дахли йўқ-ку? Буни тушунолмасдан мутахассислар елка қисишмоқда.

Шошилган ишнинг пушаймони кўп

Энди усталар фикрига қулоқ солайлик. Уларнинг сўзларини тинглаб, юқорида, кичик сарлавҳада келтирилган халқ мақолини эсладим. Ушбу мақолнинг асрий обидаларни сақлаш муаммосига қандай дахли бор, демокчимисиз? Келинг, усталарнинг сўзларига қулоқ тутаёлик-да, сўнгра ўзимиз хулоса чиқарайлик.

Бажарилаётган ишларнинг сифати наслигини тан олган ҳолда, усталар кўп нарса уларга боғлиқ эмаслигини, қўйиб берилса обидаларни аслидай қилиб таъмирлаш қўлларидан келишини таъкидлашди. Бунинг учун, биринчидан, қўлланилаётган материалларни тайёрлаш давомида технологик жараёнга тўла амал қилиш, иккинчидан, таъмирлаш ва тиклаш ишларида белгиланган муддатга риоя қилиш, шонма-шондорликка йўл қўймаслик талаб этилади.

Усталардан авваллари ота-боболаримиз томонидан ёдгорликларни қуришда ишлатилган материаллар қандай тайёрланганлигини билиб олдим. Мана, ўша маълумотлардан айримлари.

Маълум бир иншоот қурилишидан олдин қанча материал кераклиги ҳисоб-китоб қилиниб, уни тайёрлашга киришилган. Масалан,

керакли ёғочнинг тури ва миқдори аниқланиб, дарахтлар кесилган ва сувга ташлаб қўйилган. Ёғоч сувга тўйгач, уни олиб бир неча йил давомида яхшилаб қуритишган. Шундан кейингина у ишлатилган. Керакли туپроқ эса доимо бир жойдан олинган ва таркибига ортиқча аралашмалар бўлмаслигига ҳаракат қилинган. Олинган туپроқ яхшилаб ювилган. Шу йўл билан туپроқ тузлардан тозаланган, қизил куми бўлса, у сувга чўккан. Ишлатиладиган оҳак ҳам икки йилча сувга ботириб қўйилган. Муҳими, сувнинг ўзи ҳам тоза бўлишига эътибор қаратилган.

Ғишт ва қошишларни пиширишда ҳам технология талабларига тўла риоя этилган. Қошин таркибида 7 фоиз нам қолгунча у табиий шароитда қуритилган. Шундан кейингина хумдонга солинган. Бундай йўл тугилмаганда, унинг ичида нам қолиб, кейинчалик бинога таъсир қиларкан. Шунингдек, пишган ғишт ва қошишлар хумдондан ўша заҳотиёқ олинмаган. Улар хумдоннинг ичида совуған. Бирданига хумдондан чиқарилса, ҳароратнинг ҳар хиллиги таъсири остида чидамсиз бўлиб қолишини аждодларимиз яхши билишган. Хумдонни истишда ўтин ва янтоқдан фойдаланилган. Ундаги ҳарорат бирданига эмас, аста-секинлик билан кўтарилган ва худди шундай секинлик билан пасайган.

Айни пайтда ушбу технологик жараёнларнинг деярли бирортасига риоя этилмаётганлигини суҳбатдошларим катта афсус билан таъкидлашди. Улар обидаларимизда амалга оширилаётган ишларнинг сифати талаб даражасида эмаслигининг бош сабаби ана шунда деб ҳисоблашади.

Амалга оширилаётган ишлар тўла талабга жавоб бериши учун, қилинаётган катта сарф-харажатлар ўзини оқлаши учун таъмирлаш ва тиклаш ишларини олдиқдан пухта режалаштириш зарур. Юқорида номи тилга олинган бош муҳандис Ҳ. Ақобировнинг сўзларига қараганда, аввлари келгуси йилининг режаси жорий йилининг сентябрь ойигача тасдиқланган. Таъмирловчилар шунга қараб керакли материалларни керакли миқдорда тайёрлаб қўйишган. Эндиликда ҳам аниқ режалаштиришга ўтиш зарур. Технологик жараёнларга тўла амал қилиш, шонима-шошарликка йўл қўймаслик муҳим вазифадир. Буқдан ташқари, аксар суҳбатдошларим қайд қилиб ўтишганидек, олий

маълумотли меъморга, кўп йиллик тажрибаси бор устага ихтисоси филолог, тарихчи, ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи бўлган амалдор кўрсатма беришдан, йўл-йўриқ кўрсатишдан ўзини тийиб турса, айти муздас бўларди.

Мутахассислар тупроқи тоза, таркибида ишқор, туз бўлмаган жойдан карьер очиш зарурлигини таклиф этишди. Ҳозиргига ўхшаб тўғри келган жойдан олинган тупроқ иш давомида маълум муаммолар келтириб чиқармоқда. Шунингдек, усталар кошинларни ёпиштириш учун республикка аҳамиятидаги ихтисослашган ганч ишлаб чиқарувчи цех очиш зарурлигини таъкидлашди.

Ушбу муаммонинг яна бир жиҳати бор экан. Бу — кўп йиллар давомида ишлаб келган малакали усталарнинг бошқа соҳага ўтиб кетиши натижасида улар ўрнига ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёшларнинг жиддий ишларни бажаришга йўл қўйилаётганлигидир. Бу ҳақда Бибихоним масжидада ишлаётган усталар кўнчаклик билан сўз юритишди. Аслида, мен бу ерга машҳур уста Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадов билан учрашиш ниятида борган эдим. Шу куни у ерда устани учратолмасдан, ўғиллари Сўҳроб ва Абдурахмон ҳамда кошинкор уста Фазлиддин Камолов билан суҳбатлашдим. Уларнинг уқтиришича, аксарият усталар ойлик маоши камлиги сабабли ишни ташлаб кетишаётган экан. Улар орасида ишни пухта ўзлаштириб олган ёшлардан ташқари, 20-25 йил давомида ишлаб келган усталар борлиги ўта ачинарлидир. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, ўн йиллар давомида шаклланган усталарнинг оилавий сулоласи ҳам барҳам топади. Самарқандда бугун мамлакатимизга машҳур Асадовлар, Қулиевлар, Соҳибназаровлар, Тоҳировлар, Хакқуловлар ва бошқа сулолар мавжуд. Келгусида ҳам бу анъана давом этадими? Бунга бир нарса дейиш қийин. Чунки Маҳмудовлар сулоласи бошлиғи нафақага чиққанидан сўнг, у кишининг уч нафар ўғли бу ишни тарк этибди. Худди шу ҳол Фаттоевлар сулоласи билан ҳам рўй берган.

Косинкор ёки мрамарга нақш берувчи устани тайёрлаш учун камида 5-6 йил керак бўлади. Лекин улар оилавий сулоладан чиққан ва гўдаклигидан ота касби билан шуғулланиб, ижод муҳитида вояга етган усталар ўрнини босишлари учун буидан ҳам кўп вақт талаб этилади. Бундан ташқари, янги шоғирларнинг етарли муддат давомида

иш ўрганишга сабри ҳам етмасдан, қўли сал-пал ўнг бўлгач, хусусий, яъни сердаромад ишларга ўтиб кетаётган экан.

Ўттиз йил давомида ўз соҳасининг нонини ҳалоллаб келаётган уста Ф. Камоловнинг таъкидлашича, аҳвол шундай давом этса, 2-3 йилдан сўнг қошинкор усталар қолмас экан. Бошқа ихтисосдаги усталар ҳам ўзларини даромадли соҳаларга уришга мажбур бўлишаётганлигини ўкинч билан уқтирди суҳбатдошим. Масалан, мрамарга нақш берувчи усталар қабр устига қўйиладиган мрамартошлар яшашга, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келган усталар эса мебель ясаш ва хусусий ишларни бажаришга ўтиб кетишаётган экан. «Ҳозир Бухорода қошинбурриш мутахассиси қолмаганлиги боис, зарур бўлганда бизни таклиф этишади», — деди Ф. Камолов ва қўшиб қўйди: «Агар биз ҳам кетсак, шогидларимиз ора йўлда қолиб кетади, уларга ўргатувчи одамнинг ўзи қолмайди. Энг ачинарлиси ҳам ана шунда».

Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг?

Ҳар бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик замирида қандайдир манфаат ётишидан хабардор зукко ўқувчи мақола нима сабабдан ёзилганини ўйлаши турган гап. Фақат каминани тўғри тушунишларини истардим. Мақолани тайёрлаш жараёнида турли касб эгалари билан учрашувларим давомида бир неча марта суҳбатдошларимнинг бу «нозик» масалада эҳтиёт бўлиш шартлигини, бундай муаммоларни кўтариб чиқиш ҳаммага ҳам маъқул келавермаслигини уқтиришганлигини эслайман. Сабабини сўраганимда, уларнинг аксарияти бу масала, бир томондан, ўртада катта маблағ айланаётганлиги, бошқа томондан, чет эл туризми билан боғлиқлигини, ёдгорликларимизга тегишли ҳамма нарсаи фақат ижобий раёнларда тасвирлаш талаб этилаётганлигини таъкидлашди.

Биринчи ваз хусусида шуни уқтириш ўришлики, қайси соҳага бўлмасин, қилинаётган сарф-харажатлар ҳақида ҳар бир фуқаро хабардор бўлмоғи лозимю Биз ҳам демократик давлатлар солиқ тўловчиси каби ўзимиздан олинаётган пул нимага ва қандай сарфланаётганлигидан хабардор бўлмоғимиз шарт. Бир томондан, маблағ кетсаю, бу яна шаҳарларимиз қиёфасига салбий таъсир этса, жим томошабин бўлиб ўтиришга ҳақлимизми?

Иккинчи баҳона ҳам ўринсиз. Масалага бундай ёдашмоқ ҳақиқатга

тўғри келмаслиги билан бирга, ўта хавфли ва зарарлидир. Чунки чет элликлар обидаларимиз ва унга бўлган бизнинг муносабатимиздан яхши хабардор. Айниқса, мутахассислар. Бу хусусда бир-иккита мисол келтириш билан чекланаман.

Мақоланинг ибтидосида келтирилган хорижий журналистнинг фикри 1997 йилда «Financial Times» газетасида «Мадааний қайта тиклаш жангчилари» сарлавҳаси остида чоп этилган каттагина мақоладан олинди. Ўтган йилининг май ойида Франциялик Жак Дюпон рафиқаси билан юртимизга саёҳат қилиб қайтгач, Ўзбекистоннинг ўз мамлакатидagi элчихонасига мактуб йўллайди. У саёҳати ўта мазмунли ўтганлигини қайд этган ҳолда, айрим шаҳарлардаги масжид ва мадрасаларнинг сақланишига етарлича аҳамият берилмаётганлигини таъкидлайди. «Гарихий ёдгорликлар савдо расталарига айлантирилган, сотувчилар тилам осиш учун нақшинкор деворларга мих уришган... Бу мадрасаларнинг келажакдаги аҳволи қандай бўларкан?» — деган саволни ўртага ташлайди мактуб муаллифи. Бундай мисолларни кўйлаб келтириш мумкин.

Шу нарса аниқки, биз камчиликларни яшириб, уларнинг янада чуқурлашувига йўл бермаслигимиз керак. Аксинча, бу ҳақда рўй-рост гапириб, уларнинг тугатилишига эришмоғимиз даркор. Ўтмишни қадрлашнинг, қолаверса, ватанпарварликнинг мазмун-моҳияти ҳам ана шунда. Бундан 250 йил олдин француз мутафаккири Шарл Монтескье айтган сўзларнинг маъзини чақайлик: «Ҳамма нарсада, ҳаттоки Ватанга тааллуқли масалада ҳам ҳақгўй бўлмоқ лозим. Ҳар бир фуқаро ўз Ватани учун жон беришга тайёр туриши керак, лекин ҳеч вақт Ватаним учун, дея ёлғон гапиришга ҳаққи йўқ».

«Моҳият», 2002 йил 19 июль.

КОНРАД АДЕНАУЭР ФОНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва чет эл жамғармалари ҳақида гап кетганда баъзан «хорижлик бекорга пулини сарфламайди, ҳар бир қадамини у билиб босади, ўзига фойдаси бўлмаган ишни қилмайди. Бирор-бир манфаати бордирки, узоқ ўлкалардан келиб, вақтини ва маблағини сарфламоқда», деган гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ишга қўл урганда маълум бир мақсад кўзланади. Замирида манфаат ётмаган ҳаракатнинг (ҳатто ҳаракатсизликнинг) ўзи йўқ. Шундай экан, юқоридаги мулоҳазага қандай жавоб қайтариш мумкин?

Кейинги олти-етти йил мобайнида бир қатор халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ҳамкорликда ишлаб, уларнинг тадбирларида иштирок этаётганлигим боис ушбу масала юзасидан ўз мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим. Ана шу ташкилотлардан бирининг фаолияти мисолида «улар бизга нима берапти-ю, биздан нима олаяпти», деган саволга жавоб ахтаришга ҳаракат қиламиз. Буни Конрад Аденауэр фондининг мамлакатимиздаги фаолияти мисолида кўриб чиқамиз.

Серқирра фаолиятга бир назар

Конрад Аденауэр фонди 1956 йилда «Айхольц сиёсий таълим маркази» номи остида ўз фаолиятини бошлаган эди. Унинг асосчиси 1949 йилдан, яъни Германия Федератив Республикаси ташкил топганлигидан то 1963 йилгача федерал канцлер лавозимида ҳукуматни бошқариб келган Конрад Аденауэр эди. Фонд 1963 йилдан бери ГФРни озодлик ва демократия сари етаклаб, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олишида улкан ҳисса қўшган ушбу сиёсатчи номи билан аталиб келмоқда.

Конрад Аденауэр фонди ўзининг бош мақсадини амалдаги демократия учун шарт-шароитлар яратишдан иборат деб билган эди. Бунинг маъноси одамларга давлат олдидаги фуқаролик мажбуриятини ўз зиммасига олиш ва ўз ҳамюртлари билан яшаш шароитларини яхшилаш жараёнига иштирок этишларидек ўз

демократик ҳуқуқларини англаб етишга кўмаклашиш демакдир. Ушбу мақсад бир қатор вазифаларни бажариш асосида амалга оширилади. Биз улар ҳақида Фонднинг Ўзбекистондаги фаолияти мисолида кўриб чиқамиз.

Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси 1994 йилнинг июль ойида Тошкентда очилган эди. Бу давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг 1993 йилнинг баҳорида Германияга қилган сафари давомида ушбу мамлакатнинг сиёсий жамғармаларини Ўзбекистон билан ҳамкорликка даъватига жавобан қўйилган амалий қадам бўлди. Ушбу ваколатхонанинг минтақавий мухтор вакили сифатида уни саккиз йил давомида бошқариб келган Вольфганг Шрайбер бизга қуйидагиларни гапириб берди:

– Биз ўзимизнинг бош вазифамизни аввалданок мамлакатингиздаги демократиялаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётига ўтишда, ҳуқуқий давлат асосларини барпо этишда ёрдам кўрсатишдан иборат, деб белгилаб олган эдик. Биз бирор-бир тайёр моделни олиб, уни тўғридан-тўғри ўзбек жамиятига жорий қилишни хаёлимизга келтирганимиз йўқ. Демократик тараққиёт йўлида қатор давлатлар, жумладан, Германия эришган тажрибани сиёсатчилар ва кенг жамоатчиликка етказишни мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки фақат ўз ташаббуси, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги орқалигина ҳар бир халқ кўзланган мақсадга эриша олади.

Фонд ўзининг ана шу вазифасидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг сиёсий саводхонлигини оширишни ўз фаолиятининг асоси деб ҳисоблаб келмоқда. Ҳар йили ўтказилинаётган ўнлаб семинар ва анжуманлар ана шу йўлга хизмат қилишга қаратилгандир.

Ўтган саккиз йил давомида Конрад Аденауэр фонди томонидан юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича ўтказилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, уларни бир эмас, ҳатто бир неча газета мақоласига сиздириш мумкин эмас.

Фуқароларимизда сиёсий маданиятни шакллантириш йўлидан бориб, Фонд ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш масалалрига бағишланган анжуман ва учрашувлар ўтказиб келмоқда. Масалан, 1996-1998 йилларда мамлакатимизнинг

қатор шаҳарларида «Демократия ва ҳуқуқий давлат» мавзусида туркум семинарлар ўтказилди. Уч босқичдан иборат мазкур семинарларнинг умумий сони 42тани ташкил этди. Уларнинг биринчи босқичида жамиятни демократиялаштириш шароитида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни ва роли масаласи муҳокама этилган бўлса, иккинчи босқичида мустақил Ўзбекистон Республикасида суд тизими ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши масаласи кўриб чиқилди. Учинчи босқичда эса семинарнинг энг фаол иштирокчилари билан телсмунозара ташкил этилди.

Ушбу йўналишдаги фаолиятини давом эттириб, Конрад Аденауэр фонди 2002 йил мобайнида республикамизнинг барча вилоятларида «Ўзбекистонда суд ва ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократиялаштириш» мавзусида семинарлар ўтказилди. Улардан биринчиси июнь ойида Самарқанд вилоятида бўлиб ўтди.

Фонднинг Ўзбекистон парламенти ислоҳоти ва сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга қаратилган тадбирлари диққатга сазовордир. Улар давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, айниқса, алоҳида долзарблик касб этмоқда. 2001 йилда «Парламент ислоҳоти – Ўзбекистонда демократия тараққиётининг янги босқичи» мавзусида семинар ўтказилди. Унда сиёсий партиялар вакиллари билан бир қаторда ҳокимликлар ходимлари, журналистлар фаол қатнашдилар. Мамлакатимизда икки палатали парламент жорий этилиши вакиллик демократияси тизимида сиёсий партияларнинг мавқеининг ошишини талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, улар фаол сиёсий кучга айланишлари лозим. Шу билан бирга, парламентдаги партия фракциялари унинг фаолиятини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси бўлмоғи лозим. Шунинг назарга тутган ҳолда, Конрад Аденауэр фонди Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ўтказган семинарлари давомида бу борадаги ривожланаётган демократик мамлакатлар тажрибаси хусусида сўз юритилди. Улардан ўзимизнинг шароитимизни ҳисобга олган ҳолда қандай фойдаланиш мумкинлиги масаласи батафсил муҳокама этилди.

Фонд билан сиёсий партиялар орасидаги ўзаро алоқаларни

мустаҳкамлашга 2000 йилнинг 14 сентябрида улар томонидан имзоланган «Ҳамкорликнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги битимни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Шундан сўнг сиёсий партиялар иштирокида қатор тадбирлар ўтказилди. Бу йил ҳам «Парламент ислоҳотлари: сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулияти» мавзусида семинарлар ўтказилади.

Фонднинг таклифи билан Германиянинг йирик сиёсатшунослари мамлакатимизга келиб, сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда. Масалан, 2001 йилнинг кузида ГФР Бундестагининг собиқ маъмурий директори доктор Рудольф Кабел иштирокида Тошкентда, Самарқанд ва Бухорода ана шундай учрашувлар ўтказилди. Уларда меҳмон Германия парламентаризмининг тарихий тажрибаси ва замонавий ҳолати ҳақида батафсил сўз юритди. Унинг Германия парламентаризми модели билан бошқа Фарб давлатлари тажрибасини ўзаро таққослаши учрашув иштирокчиларига янги ғоялар учун катта озуқа берди.

Фонд мамлакатимизда эълон қилинган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий шиорининг амалга оширишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этди. Ҳокимият тизимини номарказлаштириш ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти барпо этишдаги ўрни ва ролига бағишланган қатор семинарлар ўтказилди. Уларда илғор демократик давлатларнинг тажрибаси ўрганилди, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши, бу йўналишдаги муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди. Уч босқичдан иборат ушбу семинар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилди. Унинг сўнги босқичида чет эллик мутахассислар иштирок этишди. Жумладан, Европа таркибига қирувчи минтақа ва жамоалар кенгаши (RGRE) Европа бўлими президентининг биринчи ўринбосари Генрих Хоффшуттеннинг фуқароларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш умумжаҳон хартиясига доир чиқиши ўзининг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти билан йиғилганларга катта таассурот қолдирди. Ана шу тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси профессори

Муқимжон Қирғизбоев қуйидагиларни таъкидлайди: «Семинарлар давомида хорижий тажриба билан Ўзбекистондаги воқелик ўзаро қиёсий жиҳатлардан ўрганилиб, мамлакатимиздаги маҳаллаларнинг миллий жиҳатлари ва хусусиятларига ҳам муҳим аҳамият беришди. Миллий анъаналаримиз ва кадриятларимизнинг бетакрор ва ўзига хослиги эътироф этилди. Шу билан барча хорижий тажрибаларга тааллуқли бўлган ўзини ўзи бошқариш орган-ларини давлат томонидан молиялаштириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларини мустақил фаолият юритиш мақоми, маҳаллаларда кичик бизнесни ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари бериш, маҳаллаларни газлаштириш, коммунал хизмати кўрсатиш, иш билан бандлик, маҳалладаги ёшлар ўртасида дунёвий ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига доир маърифий ишлар олиб бориш, фуқароларни ўзини ўзи бошқаришда фаол иштирокчини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш каби соҳаларда ҳам ислохотларни давом эттириш лозимлигини барча семинар иштирокчилари эътироф этдилар».

Журналистикада ҳамкорлик: «тўртинчи ҳокимият» сари

Оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият ҳаётининг барча томонларига таъсир этиш кучига эга эканлигини назарга олган ҳолда Конрад Аденауэр фонди ўз фаолиятида журналистлар билан ишлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Фонднинг бу йўналишдаги фаолияти журналистларнинг малакасини ошириш, уларни халқаро журналистика талаб ва меъёрлари билан таништириш, оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият» даражасига стишишига қаратилгандир.

Ўн йиллар давомида ягона мафкура ҳукмронлиги шароитида ўзини партия аскарлари сифатида англаб, шу йўлда хизмат қилиб келган журналистлар учун янгиланаётган жамиятда, янгича шароитда ишлаш силлиқ кечмаётганлигига гувоҳмиз. Шубҳасиз, ОАВнинг жамиятнинг демократиялаштиришдаги мавқеи ва вазифаларини тўғри тушуниб, уларнинг тарғибот-ташвиқот воситаси эмас, ахборот воситаси сифатида иш юритишига керакли шароит, зарурий муҳит вужудга келиши учун маълум вақт талаб этилади. Бу муҳдатни

фақат ўз тажрибасига асосланиб, синову хатолар йўли билан ўтиш мумкин. Аммо бу – кўп вақт талаб этиладиган ва ҳозирги шароитда самарасиз йўлдир. Бошқа, анча қисқа ва айнан глобаллашув даври талабларидан келиб чиқадиган йўл чет эл ОАВ тажрибасини ўрганиш, улардан энг маъқулларини жорий этишдан иборатдир.

Худди ана шу йўлдан боришимиз учун ёрдам кўлини чўзётган халқаро ташкилотлар, жумладан, Конрад Аденауэр фонди ҳам борлигини таъкидлаш жоиз.

Фонд «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришда журналистиканинг роли» номли лойиҳани амалга оширди. Лойиҳа доирасида 50та семинар ўтказилиб, уларда 900 нафарга яқин журналист қатнашди. Журналистлар иштирокидаги семинарларнинг ўзига хослигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳар бир семинар мажмуи маълум бир мавзуга бағишланади. Семинарнинг дастлабки босқичида журналистлар мутахассисларнинг соҳадаги муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишадилар. Кейинги босқичда ана шу муаммоларнинг республика оммавий ахборот воситалари қай даражада ёритилаётганлиги муҳокама этилади. Бу йўл билан журналистлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларнинг долзарб муаммолари билан, ану шу соҳалар бўйича мавжуд халқаро тажриба билан яқиндан танишадилар. Бу эса, ўз навбатида, аниқ бир соҳа муаммоларини матбуот, радио, ТВда кўтариб чиқишда журналистларимизни билим ва кўникмалар билан қуроллантиради.

Характерли жиҳати шундаки, журналистлар иштирокидаги семинарлар барча вилоятларда ўтказиб келинмоқда. Бу эса маҳаллий журналистларга машҳур сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар, стакчи давлат арбоблари билан учрашиб, ўз билим ва дунёқарашини кенгайтиришга имкон бермоқда. Семинарлар давомида матбуот, радио, ТВ учун таҳлилий материаллар тайёрланади. Демак, семинар давомида журналистлар олган маълумотларнинг аксарияти шу ернинг ўзида амалда қўлланилади. Тадбир сўнгида улар тайёрлаган материалларнинг мутахассислар иштирокида муҳокама этилиши журналистларга ўз ишининг баҳосини шу заҳотиёқ билиб олишга имкон беради. Бундай машғулотлар ўзининг амалий аҳамияти билан ҳам қимматлидир.

Мисол тариқасида ҳуқуқ масаласига бағишланган туркум семинарларни олиб кўрайлик. «Ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг суд ҳокимияти билан ўзаро муносабати», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари. Уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши», «Конституциявий суд – Ўзбекистон Республикаси қомуси ва қонуларининг устуворлигини таъминловчи кафолат» деб номланган туркум семинарлар журналистлар учун махсус ўтказилди. Натижада унда иштирок этган давлат ва нодавлат ОАВ вакиллари ўз ҳуқуқий билимларини оширишга, ҳуқуқий мавзудаги чиқишлари савиясини юксалтиришга қаратилган амалий кўмак олдилар. Чунки жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга чақирилган журналистларнинг ўзи бу ҳақда чуқур ва ҳар томонлама билимга эга бўлиши талаб этилади.

Фонд чет элдан журналистика соҳасининг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда ҳам тадбирлар ўтказмоқда. Масалан, 1998 йилнинг апрелида Германия ва Туркиядан келган ана шундай мутахассислар ишгирокида «XX асрнинг бурилиш даврида оммавий ахборот воситалари» мавзусида халқаро конференция ўтказилган эди. 2002 йилнинг июнь ойида эса «Немис тўлқини» радиоси ходимлари томонидан журналистларимиз учун ўқув семинарлари ташкил этилди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур сифат ўзгаришлари бораётган бир пайтда ОАВнинг ушбу жараёнлардан четда қолиб кетиши мумкин эмас. Оммавий ахборот воситалари демократик жамиятдаги мавқеига чиқиб олиб, фуқаролик жамиятининг ажралмас бир институти сифатида ўз вазифасини уддалагандагина «тўртинчи ҳокимият» даражасига етиши мумкин. Шундагина журналистика мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир бўла олади. Шунинг учун семинар ва конференцияларда сўз эркинлигининг моҳияти, у инсон ҳуқуқларининг энг муҳим ва ажралмаси эканлиги ҳақидаги масалага катта эътибор қаратилади. Бунда албатта Ўзбекистонда яратилган қонуний асосга таяниш муҳимлиги, бизда журналистикага оид муҳим ҳужжатлар қабул қилинганлиги, уларни

бажариш ўта долзарб эканлиги хусусида сўз юритилади. Жамият янгилашни жараёни сурьати журналистларнинг қанчалик холисик билан жасоратли чиқишига ҳам боғлиқлиги ўқтирилади.

Конрад Аденауэр фонди тадбирларининг аксарияти иштирокчиси сифатида шуни таъкидлашни истардимки, жаноб Шрайбер ўзининг журналистлар ҳузуридаги ҳар бир чиқишида Президент И. Каримовнинг эркин матбуотнинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги фикрларини келтиради, Юртбошимизнинг журналистларни журъатли бўлишга қилган даъватларидан намуналар келтиради. Ва, албатта, кўшиб қўяди: «Президентингиз ишончини оқлашга ҳаракат қилинглар. Сизларга кўп нарса боғлиқлигини доимо ёдда сақланглар. Ўтган аср бошларидаги маърифатпарвар боболарингизнинг лойиқ ворислари эканликларингизни амалий ишларинг билан исботланглар».

Журналистлар билан ишлашнинг юқорида баён этилган шаклларида ташқари Фонд бошқа тадбирлар ҳам уюштироқда. Маълум мавзу бўйича энг яхши мақола, радиоёшиттириш ва телелавҳа тайёрлаган журналистларни рағбатлантириш учун танловлар ўтказмоқда. Шунингдек, журналистларнинг Германиядек ривожланган мамлакат матбуоти билан таништириш мақсадида ушбу юртга уларнинг ижодий сафарларини ташкил этмоқда.

1996 йилда олти нафар касбдошларим қаторида каминага ҳам Германияда бўлиб, унинг матбуоти, радиоси, ТВ, нашриётлари ишини ўрганиб қайтиш насиб этган эди. Сафар туфайли журналистиканинг жамиятдаги мавқеи борасидаги қарашларим янгиланди, журналист нима қилиши мумкин ва нима қила олади, деган саволларга жавоб топгандай бўлдим. Эркинлик шароитида матбуот қандай кучга айланади-ю, матбуотнинг эркинлиги жамиятнинг ўзига нима бериши ҳақида хабар топдим. Шундан сўнг «Матбуот ва демократия» мавзусидаги чиқишларимда сон ва сифат жиҳатидан кескин ўзгариш юз берди, деб ҳисоблашимга асос бор. Бошқа касбдошларим ҳам Фонд билан яқин алоқада ишлаш ўзлари учун фойдали бўлганлигини қайд этишмоқда..

Фонднинг барча тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашиб келаётган Журналистларини қайта тайёрлаш халқаро маркази

директори Гулнора Бобожонова семинарлар сўнгида касбдошларимиз тўлдириб қолдирган сўровномаларни таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосани билдирди: «Республика бўйлаб ўтказилган барча семинарлар журналистлар томонидан юксак баҳоланди. Вилоятлардаги оммавий ахборот воситаларида ишлаётган журналистлар бундай семинарлар уларга янги маълумотлар ва билимлар олишда ҳамда улар асосида телевидение, радио, матбуот учун материаллар тайёрлашда катта ёрдам бераётганлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, семинарлар журналистларга фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва олдиларида турган кўплаб муаммоларни бартараф этишда кўмак бермоқда».

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтишни истардимки, «тўртинчи ҳокимият»гача бўлган масофани қанчалик тез босиб ўтишимиз асосан ўзимизга боғлиқ эканлигини ҳеч вақт унутмайлик. Чунки хорижликлар бизга йўл-йўриқ кўрсатишмоқда, ўз тажрибаларини бизга ўргатишмоқда, маслаҳат беришмоқда. Ҳақаро тажрибанинг энг мақбулларига асосланиб, тараққиёт сари одимлаш ўзимизнинг ҳаракатимизга, тиришқоқлигимизга, шиддатли давр масъулиятини зиммамизга ола билишимизга боғлиқ.

Жорий йилнинг июнь ойида Самарқандда ўтказилган «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш» мавзусидаги семинарда сўзга чиқиб, 2002 йилнинг 1 июнидан бошлаб Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий вакили сифатида иш бошлаган доктор Томас Кунце журналистларга қарага шундай деди: «Ўзбекистон буюк имкониятлар эга, улкан ўзгаришлар ва демократияга қараб бораётган мамлакатдир. Ватанингиз келажаги кучли оммавий ахборот воситаларига, дадил журналистларга боғлиқлигини унутманг. Германияда ҳокимиятнинг қолган учта бўғини ўз фаолиятида «тўртинчи ҳокимият» билан ҳисоблашишга мажбур. Сиз ҳам ана шундай кучга айланинг. Сизларнинг оқилона ишларингиз туфайли жамиятга нур кириб келади».

Киссадан ҳисса

Шундай қилиб, Конрад Аденауэр фондининг амалга ошираётган ишлари бизга қандай манфаат келтираётганлигини қиқача бўлса ҳам кўриб чиқдик. Энди бу иш хорижликларнинг ўзига нима беради, деган саволга жавоб тонайлик. Бу, биринчи қарашда кўринганидек, унча мураккаб иш эмас.

Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида янги мустақил давлатлар ташкил топганлигидан сўнг бир қатор халқаро ташкилотлар бу мамлакатларда ўз ваколатхоналарини очишди. Мақсад ушбу давлатларни бозор иқтисодиётига ва демократик тараққиёт йўлига ўтиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Бу жараён қанчалик тез юз берса, Фарб учун шунча яхши. Бу ерда «қўшнинг тинч, сен тинч» нақлини эслаш айна муддаодир. Мамлакатларга нисбатан «қўшни» деган сўзни ишлатганда фақат чегарадош давлатларни тушуниш нотўғри бўларди. Глобаллашув шароитида бутун дунёни катта бир организм деб, унинг бир бурчагидаги нохушлик бошқа қисмларига ҳам таъсир ўтказишини англаган ҳолда, шунга мос ҳаракат қилиш давр талаби бўлиб қолди. Ер юзидаги қанча кўп мамлакат барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олса, бой давлатлар қуролланишга, мудофаа мақсадига шунча кам маблағ ажратидиган бўлишади. Бўшаган маблағни иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтириш имконияти туғилади. Бу бир томондан. Бошқа томондан эса, халқаро миқёсга чиқиб олган хайрия жамғармалари холис ниятда, бошқаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилади. Шундан келиб чиққан ҳолда улар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, кўмагига эҳтиёж мавжудлигини сезса, ўшу ёққа ошиқади. Конрад Аденауэр фондининг 130дан ортик мамлакатда фаолият олиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас-да!

«Моҳият», 2002 йил 23 август.

Мундарижа

Сўз боши	3
Preface	5
Сўз боши	7
Preface	9
Истиклол Самарқанд тақдирида	11
Ҳаққоний тарихимизни яратиш муаммолари	22
Кучларни бирлаштириш лозим	25
Археологлар мулоҳазаси	28
Тотувлик, барқарорлик – тараққиёт омили	33
Юртимиз – жаҳон тамаддуни маркази	36
Сайловлар бизга нима беради?	39
Кимга овоз беришди: партиягами ёки алоҳида шахсга?.....	43
Сайловлар даврида матбуот	48
Сайловлар оралиғида партия	52
Қашқадарё сабоқлари	58
Оғайни, қаерликсиз: воҳаданми, водийданми ёки Ўзбекистондан?	60
Шахс эрки – эркинлаштиришнинг асоси	65
Жамоат назорати	68
Эътиқод бутунлиги	73
Раҳбар ким олдида масъул?	76
Бошқарув тизими: жаҳон тажрибаси ва миллий анъаналар....	80
Фақат об-ҳаво айбдорми?	88
Фикрнинг эркин парвози	91
Жамият хизматидаги олим	95
Тест адолат мезони, аммо.....	99
Ўқувчилар олимпиадаси: адолат бош мезон бўлсин	106
Тадбиркорга нима керак?	112
Номи бору ўзи йўқ корхоналар	115
Эркин мулоқот орқали – умумбашарий тинчликка	118
Тўй тамизи – тўйчидан	122
Маданият ўчоғи – муқаддас даргоҳ	126
Аллоганинг қабри қаерда?	130
Сабоқлар	134
Умрбоқий обидалар	139
Конрад Аденауэр фонди Ўзбекистонда	155

УЧАСТИЕ В СЕМИНАРАХ И КОНФЕРЕНЦИЯХ

1. Первый семинар из серии «Роль журналистики в развитии Республики Узбекистан» на тему «Взаимосвязь местных органов власти и средств массовой информации в организации туризма». – Самарканд, июнь 1996 г. В ходе трехдневного семинара был объявлен конкурс на лучшую статью по теме «Экология и туризм». В качестве победителя конкурса получил право на поездку в Германию. Организатор – Фонд им. К. Аденауэра.
2. Учебно-ознакомительная поездка в Германию по приглашению Фонда К. Аденауэра. – 21-29 октября 1996 г.
3. Второй семинар из серии «Роль журналистики в развитии Республики Узбекистан». – Ташкент, ноябрь 1996 г.
4. Семинар для руководителей СМИ. – Ташкент, 15-19 сентября 1997 г. Организатор – Международный центр переподготовки журналистов Узбекистана (МЦПЖУ).
5. Международный форум «Роль СМИ в переломные периоды XX века». – Ташкент, 14-16 апреля 1998 г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра, МЦПЖУ при поддержке Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, Узтелерадиокомпани, Союза журналистов Турции и телерадиостанции «Немецкая волна».
6. Международный научный семинар «Узбекистан в XXI веке». – Самарканд, 12-13 мая 1999 г. Организаторы – Университет Оклахомы (США). Journal of Central Asian Studies (USA), Самаркандский государственный институт иностранных языков. Выступил с докладом «Независимость и СМИ Узбекистана».
7. Учебный семинар в Москве в Международной конфедерации журналистских союзов и Фонде защиты гласности. – 25-30 июля 1999 г.
8. Международная конференция «СМИ Центральной Азии: настоящее и будущее». – Душанбе, 14-15 ноября 2000 г. Организатор – ОБСЕ. Выступил с докладом «Роль СМИ в развитии гражданского общества».

9. Семинар «Децентрализация – базис органов местного самоуправления». Первый этап. – Самарканд, 2-3 марта 2000 г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра, Швейцарское агентство по развитию и сотрудничеству, МЦПЖУ. Выступил с докладом «Освещение проблемы органов самоуправления в центральных и местных СМИ».
10. Второй этап того же семинара. – Ургутский район Самаркандской области – 8 сентября 2000 г. Организаторы – те же.
11. Третий этап того же семинара. – Ташкент, 29 ноября 2000 г. Организаторы – те же. Выступил с докладом «Проблемы децентрализации с точки зрения журналиста».
12. Конференция с участием 23 посллов ОБСЕ на тему: «Роль ННО в обществе и пути сотрудничества с государственными структурами». – Самарканд, 12 апреля 2000 г.
13. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Алматы, 12-16 декабря 2000 г. Организатор – CIMERA (Женева, Швейцария).
14. Международная конференция «Межэтнические отношения в Узбекистане и их освещение в СМИ». – Ташкент, 2-3 апреля 2001 г.
15. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Самарканд, 4-6 апреля 2001 г. Организаторы – CIMERA (Женева, Швейцария), МЦПЖУ.
16. Конференция «Реформа парламента – новый этап развития демократии в Узбекистане». – Самарканд, 3-4 июня 2001 г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра, МЦПЖУ, политические партии Узбекистана. Выступил с докладом.
17. Конференция «Органы местного самоуправления – основа построения гражданского общества». Самарканд, 5-7 июня 2001 г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра, Швейцарское агентство по развитию и сотрудничеству, Фонд «Махалла», Омбудсман, МЦПЖУ. Выступил с докладом.
18. Международная конференция «Свободная пресса в регионах Центральной Азии и Южного Кавказа». – Алматы, 12-13 июня 2001 г. Организаторы – «Интерньюс – Казахстан» при поддержке Фонда Эберга и Фонда «Сорос – Казахстан». Выступил с сообщением.
19. Региональная конференция «Будущее Центральной Азии: вместе или ...» – Бишкек, 26-28 июня 2001 г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра, Фонд Ф. Эберга совместно с ЮНЕСКО, ОБСЕ, ПРООН.

20. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Бишкек, 25-29 июня 2001 г. Организаторы – CIMERA, МЦПЖУ.
21. Конференция «Преодоление гендерных стереотипов». – Ташкент, 18-19 сентября 2001 г. Организаторы – Комитет женщин Республики Узбекистан, Институт Открытое Общество – Фонд содействия – Узбекистан, Центр ОБСЕ в Ташкенте.
22. Поездка в США. Участие в проекте для стран Центральной Азии «Роль СМИ в демократическом обществе» – 29 сентября – 21 октября 2001 г. Организатор – Государственный Департамент США.
23. Международная конференция «Органы местного самоуправления – основы построения гражданского общества. Заключительный этап. – Ташкент, 20 ноября 2001 г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра, Швейцарское агентство по развитию и сотрудничеству, Фонд «Махалля», Ассоциация Деловых женщин, МЦПЖУ.
24. Международная конференция «Страны Центральной Азии после событий 11 сентября». Ташкент, 21-22 ноября 2001 г. Организаторы – CIMERA, МЦПЖУ.
25. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Ташкент, 23-25 ноября 2001 г. Организаторы – CIMERA, МЦПЖУ.
26. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Бишкек, 10-16 декабря 2001 г. Организатор – CIMERA.
27. Крулый стол на тему «Состояние СМИ Узбекистана». – Ташкент, 10 января 2002г. Организатор – «Интерньюс-Узбекистан».
28. Международная конференция «Права женщин в независимом Узбекистане». – Самарканд, 29 января 2002г. Организаторы – «Винрок Интернэшнл-Узбекистан», «Винрок Интернэшнл-Украина», Агентство по международному развитию США(USAID), Центр доверия «Сабр».
29. Семинар на тему «Органы местного самоуправления – основа построения гражданского общества. Их роль в развитии реформ на селе. Правовые, экономические аспекты и их освещения в СМИ. – Самаркандский район, 12-14 февраля 2002г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра совместно с Швейцарским агентством по развитию и сотрудничеству, Ассоциацией «Талбиркор аёл», фондом «Заковат» и МЦПЖУ. Выступил с докладом.

30. Региональная конференция для СМИ «Ислам и общество в Центральной Азии». – Душанбе, 20-21 апреля 2002г. Организаторы – CIMERA и Национальная Ассоциация Независимых СМИ Таджикистана.
31. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Душанбе, 23-25 апреля 2002 г. Организатор – CIMERA
32. Конференция, посвященная Всемирному дню свободы прессы. – Ташкент, 3 мая 2002 г. Организаторы – Представительство ООН в Узбекистане и Институт Открытое Общество – Фонд Содействия – Узбекистан.
33. Международная конференция «Национальное самосознание и государственность». – Самарканд, 6-7 мая 2002 г. Организаторы – Посольство США в Узбекистане, СамГИИЯ, Ташкентский университет мировой экономики и дипломатии, Институт Открытое Общество – Фонд Содействия – Узбекистан.
34. Региональная конференция «Природные ресурсы и политика в странах Центральной Азии». – Алматы, 15-16 июня 2002 г. Организаторы – CIMERA, Центральноазиатское Агентство политических исследований (Казахстан).
35. Учебный семинар и тренинг в рамках поддержки СМИ Центральной Азии. – Алматы, 17-18 июня 2002 г. Организатор – CIMERA.
36. Семинар «Либерализация средств массовой информации Узбекистана». – Самарканд, 19 июня 2002 г. Организатор – Фонд им.К.Аденауэра, МЦПЖУ.
37. Семинар «Либерализация и демократизация судебной и правовой системы в Узбекистане». — Самарканд, 19 июня 2002г. Организаторы – Фонд им. К. Аденауэра совместно с Институтом стратегических и межрегиональных исследований при Президенте РУз, представителем по правам человека при Олий Мажлисе РУз, Министерством юстиции РУз и МЦПЖУ.
38. Семинар «Реформы парламента: место и ответственность политических партий». – Самарканд, 20-21 июня 2002г. Организаторы – Фонд им. К.Аденауэра совместно с политическими партиями Узбекистана и МЦПЖУ.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ - 1949 йилнинг февраль ойида Самарқанд шаҳрида туғилган. СамДУнинг тарих факультетини битирган.

Кўп йиллар мобайнида СамДУнинг тарих факультетида дарс берди ва ўқитувчилик фаолиятини илмий тадқиқот ишлари билан кўшиб олиб борди. Тарих, археология, ўқитиш услубияти бўйича қатор рисола, кўлланма ва мақолалар тайёрлаб, чоп эттирди. Шу йиллар давомида, шунингдек, вилоят ҳамда республика матбуотида ўз мақолалари билан қатнашиб турди. 1994 йилнинг декабрида «Самарқанд» газетаси муҳаррирлигига таклиф этилди ва бу вазифада 2001 йилнинг декабригача ишлади. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий Матбуот марказининг Самарқанд вилоят бўлими раиси.

Унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий мавзуларга бағишланган мақолалари газетхонлар эътиборини қозонди. Долзарб мавзуларни очик-ойдин кўтариб чиқиши, камчиликларни рўй-рост танқид остига олиши жамиятимиз ривожланишининг бугунги босқичида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Проффессионал журналистикада кўлга киритган ютуқлари ҳақида унинг бир қатор миллий ва халқаро танловларда ғолибликни кўлга киритганлиги яққол далолат бериб турибди. Жумладан, 1997 йилда ёзган мақолалари учун у республикамизда «Йилнинг энг яхши журналисти», 1999 йилда чоп этган мақолалари учун эса Самарқанд вилоятида «Йилнинг энг яхши журналисти» танловларининг ғолиби бўлган.

АҚШ, Германия, Россияда бўлиб, ушбу мамлакатларнинг матбуоти билан яқиндан танишди ва у ҳақда мақолалар чоп эттирди. Марказий Осиё мамлакатларида ўтказилган 30дан кўпроқ халқаро ҳамда минтақавий анжуманларда иштирок этди ва маърузалар билан чиқиш қилди.

У тузган лойиҳалар асосида «Самарқанд» газетаси икки марта (1995 ва 1999 йилларда) Евразия фондининг грантини олишга сазовор бўлди. Иккинчи грант асосида журналистлар учун Матбуот маркази ташкил этилди ва семинарлар уюштирилди. 2002 йилда учинчи марта Евразия фондининг грантини кўлга киритди. Бу сафар Ўзбекистон Миллий Матбуот марказининг Самарқанд вилоят бўлими номидан тузган «Журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзусидаги лойиҳаси кўллаб-қувватланди.

ABOUT THE AUTHOR

Toshpulat RAHMATULLAEV was born in February 1949 in Samarkand. He is a graduate of historical Department of Samarkand State University.

His first article was published when he studied at school. He had been teaching at historical Department of Samarkand State University for many years and simultaneously came out with his articles in Local and central press. In December 1994 he was invited to be in charge of editor in chief of the Samarkand newspaper.

According to social, political, economical and other problems his articles were perceived with great interest by readers.

His articles actual problems have great importance on the present stage of development of the society where he openly criticizes everything that prevents country to progress. For his articles published in 1997 T.Rahmatullaev became a winner of the contest. "The best journalist of the year" in Uzbekistan, and in 1999 the same contest in Samarkand region.

In 2000 he won two prizes in the competition for the best articles among professional journalist organized by Representation of UK in Uzbekistan.

He took the prize participated in 2001 with a series of articles about Media of those countries. He was a participant of over than 30 international and regional conferences and seminars. For many of them he made reports.

On the bases of project which were made by T.Rahmatullaev "The Samarkand" twice in 1995 and 1999 won a grant of Eurasia Fund. The second grant was used to great a new Information presenter for journalist of Samarkand region.

ОБ АВТОРЕ

Тошпулат РАХМАТУЛЛЕВ – родился в феврале 1949 года в городе Самарканде. Выпускник исторического факультета Самаркандского госуниверситета.

Первая его статья в газете была опубликована, когда он учился в средней школе.

В течение многих лет преподавал на историческом факультете СамГУ и одновременно выступал со статьями в местной и центральной печати. В декабре 1994г. был приглашен на должность главного редактор газеты «Самарканд» и находился на этой должности до декабря 2001г. В данное время является председателем Самаркандского областного отделения Национального Пресс-центра Узбекистана.

Его статьи по общественно-политическим, экономическим и другим проблемам с интересом были восприняты читателями. Важное значение на данном этапе развития общества имеют его выступления по актуальным проблемам, где открыто подвергается критике все, что препятствует продвижению страны вперед.

За свои статьи, опубликованные в 1997г. Т. Рахматуллаев стал победителем конкурса «Лучший журналист года» в Узбекистане, а в 1999г. – «Лучший журналист года» в Самаркандской области. В 2000 и 2001 годах стал победителями двух конкурсов на лучшую статью среди профессиональных журналистов, организованный Представительством ООН в Узбекистане. В 2001 году занял первое место в конкурсе Фонда им. Конрада Аденауэра на тему «Роль политической партии в обществе». В 2002 году был победителем конкурса на лучшую статью, объявленного Представительством ООН в Узбекистане и Институтом Открытого Общества – Фонд Содействия – Узбекистан по случаю Международного дня свободы прессы.

С творческой командировкой был в США, Германии, России и написал серию статей о средствах массовой информации этих стран. Участник свыше 30-ти международных и региональных конференций и семинаров. Во многих из них выступал с докладами.

На основе проекта, которые были составлены Т. Рахматуллеевым, газета «Самарканд» два раза – в 1995 и 1999 годах, а Самаркандское областное отделение Национального Пресс-центра Узбекистана в 2002 году получили грант Фонда Евразия.

РЕЗЮМЕ

В книге Т.Рахматуллаева «Полет свободной мысли» собраны статьи автора, опубликованные на страницах местной и центральной печати за последние несколько лет. Статьи освещают общественно-политическую и культурную жизнь Узбекистана.

В статьях «Что дают нам выборы?», «Кому избиратели отдадут свои голоса: партии или отдельным личностям?», «Пресса в период выборов», «Партия между выборами» анализируется опыт выборов в некоторых зарубежных странах и выборов в парламент Узбекистана, прошедших в 1999 году.

Несколько статей посвящены реформам в системе местных органов власти («Перед кем ответственен руководитель?», «Система управления: мировой опыт и национальные традиции», «Уроки»). В них рассматривается идея законодательной и исполнительной ветвей власти на местах, предлагается пересмотреть существующий опыт чрезмерной концентрации власти в одних руках и т.д.

Название большинства статей отчетливо говорит о том, какие проблемы в них освещены («Свобода личности – основа либерализации», «Свободный полет мысли», «Вопросы создания нашей правдивой истории»).

В ряде статей критикуется все еще существующие в обществе недостатки, которые препятствуют успешному проведению реформ. В них, в частности, подняты такие вопросы как отсутствие реального общественного контроля, закрытия предприятий малого и среднего бизнеса, упущения при проведении ремонта и реставрации исторических памятников Самарканда, критикуется проявляющий себя в том или ином виде такое отрицательное явление, как местничество.

RESUME

In the book of T.Rahmatullaev «Flight of a free mind» the articles of the author, which were published in local and central newspapers during the last years are collected. The articles describe social, political and cultural life in Uzbekistan. The experience of elections in many foreign countries and the parliamentary elections, which took place in Uzbekistan in 1999 are analyzed in the articles «What does election give us?», «Whom does the electorate prefer: the party or particular politician?», «The press during the election», «Party between the elections».

Several articles are devoted to the reforms in the system of local authorities «Who is the manager responsible to?», «The system of management: world experience and national traditions» and «Experience». The idea of legislative and executive branches of local authorities are considered. Existing experience of concentrating power in one particular person is taken into consideration.

Most articles, titles highlight the problems described in the articles «Person's freedom is the basis of liberalization», «Free flight of mind» and «The problems of creating our true history».

In several articles, all current shortcomings of society which create obstacles to successful completing reforms are criticized,. Such problems like the absence of real social control, the reasons for closing the enterprises of middle and small businesses and shortcomings during the restoration of historical monuments in Samarkand are discussed.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ
ЭРКИН ФИКР ПАРВОЗИ

Мухаррир: М.Сувонова
Техник муҳаррирлар: Е.Г.Цой, Э.П.Узоков.

Теришга берилди: 22.04.2002й.
Босишга рухсат этилди: 31.05.2002й.
Қоғоз бичими А4. Times гарнитураси.
Шартли босма табағи 8,8.
Нусха 1000. Келишилган нарҳда.
Буюртма №14.

Муқованинг 1-бетидаги расм
кўйидаги манбадан олинган:
Corel Professional Photos.
Corel Clipart. // The Best of 2000. #1 (on CD).
Hand Painting/620033.

Самарқанд давлат
чет тиллар институти.
703004, Самарқанд ш.,
Й.Охунбобоев кўчаси, 93.



«Селбис» фирмасининг ускуналарида чоп этилди.
703000, Самарқанд ш., Ш.Рашидов кўчаси, 68.